R 515
1986/6



Эпз
№4

ГУЛИСТОН

6
1986





ЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ

Собир АБДУЛЛА,
Ўзбекистон ССР халқ шоири

Етар бошим фалакка зўр бинолар сориға боқсам,
Қўшар умримга бир йил боғ кезиб, гулзорига боқсам,
Унар юз-юз сатрлар, халқ кору борига боқсам.
Жўшар завқим кўнгулда, ҳолига, рўзғорига боқсам.
Қилиб меҳнат эли тўқу фаровон Ўзбекистоним.

Агар меҳмон бўлиб келса йироқ ердан қадрдон дўст:
Ғаразсиз дўстларига марҳабо, деб Ўзбекистон — дўст,
Тутиб гулдасталар меҳмонга, ўзбек халқи меҳмондўст,
Дегай, йўл кўрсатиб, сизларга маҳтал боғу бўстон, дўст,
Очиб дарвозасини, яхши мезбон — Ўзбекистоним.

Баҳордан қишгача ҳар гулшанинг зебову гуногун,
Қўниб гул шохига шайдойи булбуллар сенга мафтун,
Ҳар оқшоминг мунаввариқдадир, гўёки кундуз кун,
Ариқлар, сойлар, анҳорлар, шўх-шўх уриб тўлқин.
Кезиб кўксингда, дерлар: боғу бўстон — Ўзбекистоним.

Қараб кўз илғамас, поёни йўқ кенг пахта майдонда,
Демай кенг пахта майдон, ям-яшил қийматбаҳо конда.
Ватан бурчини оқлаш туйғуси ҳар тоза виждонда.

Қилишда парвариш, мўл тер тўкиб, ишни қилиб монда,
Муяссардир зафар, эй, шонли деҳқон — Ўзбекистоним.

Баҳору ёзу куз меҳнатда барқ урсин диёрим деб,
Ватаннинг шуҳратин — ўз шуҳратим, номусу орим деб,
Матонат кўрсатиб илғорлик фикру шиорим деб,
Курашда ғолибо, мушкулни енгиш касбу корим деб,
Дединг куй авжида: топ шуҳрату шон Ўзбекистоним.

Тасаддуқ сизга эй, ўз касбига устоду моҳирлар,
Муҳаббат кўкида Зуҳролару журъатда Тоҳирлар,
Қаро тупроққа ишлаб, ундириб ундан жавоҳирлар,
Аё, мўъжиз саховат, эрта-ю кеч мужда зоҳирлар:
Ғурурланмас нечук, сиз ила ҳар он Ўзбекистоним?

Жасорат соҳиби, ҳиммат замир юз-юз йигит-қизлар
Пўлат филларда жавлон кўрсатиб, дерларки: — Бор бизлар.
Эгиб қад, энгашиб минг-минг теримчи букмасин тизлар!
Топиб техника кенг йўл, илм ила фан янгилик излар,
Қилиб мушкул — машаққатларни осон Ўзбекистоним.

ЯНГИ НАВЛАР

ГБ УзССР
Ж

Энг муҳим сиёсий ва хўжалик вазифаси ҳал этилиши таъминлансин — фан-техника тараққиёти ҳар томонлама жадаллаштирилсин. Ишлаб чиқарувчи кучларни сифат жиҳатдан ўзгартиришда, экономикани ҳар томонлама интенсивлаш изига кўчиришда, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда фан ва техниканинг роли қатъиян юқори кўтарилсин. Фан-техника тараққиётини социал вазифаларни ҳал этишга йўналтириш кучайтирилсин.

«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»дан.

В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг Бутуниттифоқ ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти Ўрта Осиё филиалида Ўзбекистоннинг шимолий районларида етиштириш учун қулай бўлган ингичка толали пахтанинг дастлабки янги нави вужудга келтирилди.

Аввало шу нарсани қайд этиб ўтиш керакки, республикамизда ҳар йили ярим миллион тоннага яқин ингичка толали пахта етиштирилади ва бу умумий «оқ олтин» ҳосилининг ўн процентга яқин миқдорини ташкил этади. Ингичка толали пахтанинг ўсиш даври ниҳоятда чўзилиб кетиши бу қимматбаҳо навни кенг суратда тасарруфга киритиш имкониятини чеклайди. Шунинг учун пахтанинг ингичка толали нави асосан республикамизнинг серқуёш жанубий районларида етиштирилади.

Ниҳоят, йиллар давомида олиб борилган машаққатли ижодий меҳнат, илмий изланишлар, лабораторияларда ва ишлаб чиқаришда такрор-такрор ўтказилган синовлар ўз самарасини берди — республикамиз шимолидаги ноқулай об-ҳаво шароитларига чидамли ингичка толали янги нав яратилди. Бу нав таниқли селекционер олим Абдужаббор Раҳимжонов раҳбарлигида юзага келтирилди.

Кўплаб илмий коллективлардан фарқли ўлароқ А. Раҳимжонов бошчилигидаги олимлар пахтачилик селекциясида тубдан фарқ қилувчи янги линияни вужудга келтиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар. Зеро, пахтанинг ҳамма мавжуд сортлари аста-секин ўзининг барча генетик имкониятларини батамом сарфлаб бўлади, натижада, сўнгги йиллар тажрибаси кўрсатганидек, ҳосилдорлик кескин суратда камайиб боради. Ўсимлик қишлоқ хўжалиги касалликларига чалиниб, тола сифати бузилади. Бундай ҳолатдан чиқиш учун олимлар бошқача йўл тутдилар: пахтанинг янги сортини эмас, балки ўзининг ҳосилдорлиги билан мавжуд навлардан юқори бўлган янги дурагайини етиштиришни мақсад қилиб қўйдилар.

Кўплаб йиллар давом этган тажрибалар натижасида олимлар қизил баргли пахтани оммавий суратда етиштириладиган ингичка толали пахтанинг С — 6040 нави билан чатиштирдилар. Айтиш мумкинки, мўъжиза рўй берди: дурагай ўз салафига нисбатан икки-уч баравар кўпроқ кўсак тугди. Унинг толаси ҳам фақат биринчи ва иккинчи типгагина мансуб бўлиб, янада ингичка, мустаҳкам ва узундир.

Олимлар етиштирилган янги дурагай навига катта умид билан қарамоқдалар. У тезпишар навдир. Унинг ҳосили мавжуд сортларга нисбатан ўн кун аввал етилади.

Ингичка толали пахтанинг янги нави ўтган йили Қашқадарё областининг Қарши районида ишлаб чиқариш синовидан ўтказилди. Бу ерда унинг яна бир қимматбаҳо сифати намоён бўлди — у қурғоқчиликка ҳам чидамли экан. Саратоннинг жазирамасида оддий пахта навларининг гули тўкилиб кета бошлаган, тугилган кўсаклар ҳам бандидан узилиб, хўжаликлар катта зарар кўрган бир пайтда янги дурагай нави юқори ҳароратга қарамасдан ҳосилдорлигини ҳам сақлаб қолди.

Янги нав олимларнинг юксак баҳосини қозонмоқда.

* * *

Маълумки, ипак толаси худди шу ҳажм кўринишидаги пўлатдан ҳам мустаҳкамдир. Шунга қарамасдан табиат унга мўъжизавий хусусият бахш этган — у мулойим, юмшоқ ва енгилдир. Шунинг учун ҳам ушбу саноат хом ашёсининг мамлакатимиз экономикасида тутган ўрни нақадар муҳим эканлигини тасаввур этиш қийин эмас. Дарвоқе, мамла-

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Экз. №4

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

№6 (436)
Июнь
1986

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

ҚУВОНЧ

ОНА УНИ орзиқиб кутади. Қирқ йилдан ошдики, эшик «тиқ» этишига қулоқ солиб, интиқ бўлиб кутади. Аввалари олис кетмасди, шу совхоз доирасида бўладиган йиғинларда иштирок этарди, кейин қизи қатнашадиган йиғилишлар район миқёсига кўчди, республика марказига ўтди, ўн йилдан ошдики, тез-тез Москвага қатнайдиган бўлди.

Аввал бир ўзи кутарди, кейин куёв, сўнгра невaралар, эваралари қўшилди, эндиликда бир уй одам бўлиб кутишади.

Она икки қўлини кўксига қўйиб, давру давронга қуллуқ қилади. Невара, эваралари бағрига босиб, хуррам кунларни кўрганига қувонади.

Ахир, бу бошдан нималар ўтмади. Етти фарзанд кўрди. Олти нафари бешикдаёқ нобуд бўлди. Кейин яна бир қиз кўрди. Яхшиният билан унга Тўхтахон деб ном қўйди. Хайрият, буниси яшаб қолди...

Биз Тўхтахон Қирғизбоева хонадонига якшанба куни бордик. Афсуски, у уйида йўқ, ўғли Бахтиёрни олиб, юмуш билан қаёққадир чиқиб кетган экан.

Бизни Тўхтахоннинг онаси Рисолат хола, келини Каромат, қизи Муҳаббатлар кутиб олишди. Келини тандирдан иссиқ нон узиб олаётган экан. Дастурхонга қўйилган иссиқ нон ҳиди нақадар ёқимли эди.

Рисолат хола кўзларидаги меҳр ёғдуси, ширинсуханлик ҳар бир кишини ром этади.

Хола билан узоқ суҳбатладик. Улар асли Фарғона водийсидан, Олтиариқ районидан экан. У ўтмишини, уруш йилларидаги қийинчиликларни эслади. Укаси бир ўғил ва бир қизи — Маҳмуд ва Лолани онасига қолдириб фронтга кетган. Онаси ўлим олдидан қизига васият қилиб:

— Ёлғиз қизинг Тўхтахонни қандай севсанг, қандай ардоқласанг, бу икки етимчани ҳам шундай сев, бағрингга бос, — деган экан.

Рисолат хола уч мурғакни бағрига олиб тарбиялади, ўстирди, ундирди. Ҳозир уларнинг неваралари ҳам бор.

— Қирқ йил бўлди, шу ерда яшаётганимизга, — дейди Рисолат хола. — «Малик» совхозида ёмонлик кўрмадик. Минг раҳмат!

Онанинг кўзи неварасига тушди.

— Иссиқ нондан иккита оливол, — деди у Муҳаббатнинг қаёққадир отланаётганига қараб. Хола бизга томон ўгирилди:

— Тошкентга кетаяпти, Тошкентда ўқийди, институтда.

— Бувижон, мен сизга неча марта айтганман, халқ хўжалик институтида, — дея Муҳаббат бувисининг юзидан ўпди.

Биз Муҳаббатдан: «Онангиз ҳақида икки оғиз гапириб беринг», деб илтимос қилдик.

— Онамнинг меҳрибонлигини, меҳнатсеварлигини яхши кўраман. Келажакда онамдай бўлишни орзу қиламан. Қани энди шу орзумга эришсам. Ҳозир халқ хўжалиги институтининг учинчи курсида ўқияпман. Мирзачўлда иқтисодчи кадрлар етишмайди. Мен иқтисодчи сифатида чўлда хизмат қилиш ниятидаман.

Келин қўлида йиғлаб турган жажжи ўғилчаси Сирожиддинни бир зумда овутди.

— Мен бу хонадонга келин бўлиб тушганимга етти йил бўлди, — дейди Каромат. — Икки фарзанд кўрдим. Бири ўғил, бири қиз. Турмуш ўртоғим қайнонамнинг звеносида механизатор бўлиб ишлайди. Қайнонам худди ўзимнинг онамдай, бувим ҳам худди ўзимнинг бувимдай менга меҳрибонлар. Хонадонимизда ҳамма бир-бирини ҳурмат қилади. Ўзим педагогман. 21-ўрта мактабда тарихдан дарс бераман.

Шу пайт беш яшар Маъмура кўчадан хабар олиб келди.

— Аяжоним келдилар.

Тўхтахон Қирғизбоева ўғли Бахтиёр билан кириб келди. Биз улар билан саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрашдик, сўнг Тўхтахондан съезд таассуротлари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Мен съезддан шундай ажойиб таассуротлар билан қайтдимки, буни сўз билан ифодалаб бериш қийин. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида гўё менинг дилимдаги гаплар айтилгандай бўлди. Партиянинг бу олий анжуманида ютуқлар билан бирга нуқсонлар ҳам очиб ташланди. Бундай камчиликлар, албатта, бизда ҳам бор. Мен ишлаётган «Малик» совхози республикамизда таниқли хўжаликлардан биридир. Бу ерда чорвачилик, пахтачилик ва бошқа тармоқлар бўйича ҳам ҳар йили катта ютуқларга эришилаяпти. Шундай бўлса-да, мен кўп йиллардан буён қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш ва унинг таннархини арзонлаштириш борасида кўп ўйлайман. Қишлоқ хўжалигига жорий этиладиган янги техника, аввало, бизнинг хўжалигимизда синаб кўрилади. Механизатор бўлганлигим учунми, доимо қишлоқ хўжалик машиналарини, тракторларни асраб-авайлаб сақлаш тўғрисида кўпроқ қайғураман. Бу борада ҳам кўп резервлар бор.



Агар механизатор ўзига биркитилган трактторни ўзининг шахсий мулкидек сақлаб, ундан оқилона фойдаланса, шу тракторнинг умри узаяди. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини арзонлаштиради!

Тўхтахон бир зум ўйланиб, яна давом этади:

— Съезддан қайтишим биланоқ звеномиз ишчилари билан, совхозимизнинг бош мутахассислари билан учрашиб, уларга ўз таассуротларимни сўзлаб бердим. Мен уларга айтдимки, партия XXVII съезди қарорларини изчиллик билан амалга ошириш — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз. Хўжалигимизда қирқта пахтачилик бригадаси мавжуд. Уларнинг баъзилари ҳар йили 30 — 40 центнердан пахта етиштиради, айримлари эса мажбурият у ёқда турсин, планни ҳам бажара олмайди. Ер шароити бир хил, бир арикдан сув ичадиган икки бригадада ёки икки звенода икки хил манзара. Биз, коммунистлар, аввало ана шу қолоқ бригадаларни илғорлар сафига чиқаришга астойдил ҳаракат қилишимиз кераклигини касбдошларимга айтдим. Шунга эришайликки, ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки йилиданоқ хўжалигимизда бирорта ҳам қолоқ бригада бўлмасин.

Тўхтахон Бозоровна съезд кунларида бўш вақтларида бўлиб ўтган учрашувлар ҳақида ҳам гапирди.

— Съезд кунларида, — дейди у, — Москвада Ўзбекистоннинг бир группа пахтакорлари қатори мени ҳам СССР агросаноат комитетига таклиф қилишди. Бу ерга мен билан бирга Тошкент областидаги Охунбобоев номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Миразиз Рўзиматов ҳам бирга борди. Ўн бир министр иштирок этган учрашувда ҳамма республикалардан вакиллар қатнашди. Миразиз ака Рўзиматов пахтачиликни янада ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар ҳалигача ҳал бўлмаётганлигини ўзи ишлаётган хўжалик мисолида гапириб берди. Мен бир қанча вақтдан буён қизиқтириб юрган саволларимни ўртага ташладим. Улардан бири қуйидагича: биз сўнгги пайтларда тўртинчи сортларга ҳам пахта сотамиз. Бу сортга сотилган пахтанинг таннархи жуда ҳам арзон. Ўзига сарфланган меҳнатни қопламайди. Бунинг сабабларини очиқ-ойдин айтдим. Биринчи сорт пахтамиз машинада териш пайтида ерга тўкилади. Биз не-не қийинчиликлар билан уларни териб олиб, тупроққа беланган ҳолда тўртинчи сортга ўтказамиз. Таклифим: ерга пахта тўкмайдиган терим машиналари яратиш устида конструкторларимиз бош қотирсалар. Ахир, биз битта чигитни тупроққа қадаб, уни вояга етказиш, ундан лўппи-лўппи пахталарни териб олиш учун озмунча меҳнат қиламизми? Агар терим машиналари чаноқдаги пахтани ерга тўкмаса, биринчи сортга топширилиб, қиймати ортади. Яна таклифим: чигит уруғларининг тезпишар ва баракали навлари яратилиши зарур. Заводларда ўзимиз топширган чигитларни ёки ортиқча чиқиндиларни хўжалигимиз фермасига қайтариб берса. Бу хўжалигимиздаги чорва моллари учун тўйимли озуқа бўлур эди. Ўйлайманки, бу таклифлар албатта инобатга олинади.

У қалин муқовали ён дафтарчасини олиб варақлай бошлади. Ёзувлар... Съезд залида ўтириб ёзган ўй-фикрлари, мулоҳазалари, қайдлари. Янги танишларнинг номлари, фамилиялари, адреслари.

Биз унга: «Съезда қандай дўстлар орттирдингиз?» деган саволни бердик.

— Жуда кўп дугоналар орттирдим, — деди у. — Ўзаро фикр алмашдик. Улардан бири Целиноград областидан келган механизатор Наталия Владимировна Геллер эди. У ҳам ўн етти йилдан буён механизаторлик қилар экан. Унинг турмуш ўртоғи қозоқ, ўзи эса немис қизи экан. Уйларида уч тилда: рус, қозоқ, немис тилларида гаплашар эканлар. Яна бир механизатор қиз билан танишдим. У Донецк областидан келган Раиса Котова эди. У ҳам ўрта мактабдан сўнг қишлоқ хўжалиги техникумини битириб, механизаторлик қилаётган экан. Узимнинг йигирма тўрт йиллик иш фаолиятим ҳақида сўзлаб беришимни илтимос қилишди. Ҳаммасини ҳикоя қилиб бердим. Улар билан опасингилдек бўлиб қолдик.

Съезддан келган куниннинг эртасигаёқ далага бориб, Москвада бўлган кунларимда бу ерда қилинган ишлар билан танишдим. Звеномиз ишчилари талайгина юмушларни бажариб қўйишибди. Қувониб кетдим. Мўлжалимдагидан кўпроқ ва сифатлироқ иш бажарибди қўйишибди. Бу йил 80 гектар майдонда деҳқончилик қиламиз. Планимиз ҳар гектар ердан 32 центнердан, мажбуриятимиз эса 45 центнердан. Уйлайманки, съездлар йилида бу юксак мажбуриятни албатта бажарамиз.

КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат Тўхтахон Қирғизбоева бошлик звено саршуносларини съезд нафаси, съезд руҳи билан яшаб меҳнат қилмоқдалар.

Турғун ЖАМОЛОВ

ҚУДРАТИМИЗ МАНБАИ

(КПСС КАДРЛАР СИЁСАТИНИНГ ИНТЕРНАЦИОНАЛ МОҲИЯТИ)

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида таъкидланганидек, Коммунистик партия В. И. Ленин таълимотига, социализм ғалабаларига таяниб, миллий муносабатларни ривожлантиришда ғоят улкан туб ўзгариш ясайдиган ишларни амалга оширди. «Бу ишларнинг натижалари социализмнинг буюк ғалабаси бўлиб, жаҳон цивилизациясини бойитди... Халқларнинг бузилмас дўстлиги, барча халқларнинг миллий маданияти ва миллий қадр-қимматини ҳурматлаш ўн миллионлаб кишилар онгида мустаҳкам ўрин олди. Совет халқи иқтисодий манфаатларининг, идеология ва сиёсий мақсадларнинг ягоналиги негизида жипслашган, сифат жиҳатдан янги социал ва интернационал бирлик сифатида ташкил топди».

Миллий кадрларни шакллантириш — ленинча миллий сиёсатнинг таркибий қисми бўлиб, Коммунистик партия тарихан ниҳоятда қисқа давр ичида бу мураккаб масалани муваффақиятли ҳал этди. Бунинг ёрқин мисолини Совет Ўзбекистонининг бугунги қиёфасида яққол кўриш мумкин. Бугунги кунда республикада халқ хўжалигининг турли соҳаларида уч ярим миллион ишчи меҳнат қилмоқда, олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган мутахассислар сони эса 1985 йилда 1 миллион 400 минг кишига етди. Уларнинг кўпи маҳаллий миллат вакилларидир. Республика ишчилар синфининг, колхозчи деҳқонлари ва зиёлиларининг мардонавор меҳнати, СССР халқларининг қардошларча биродарлиги туфайли Ўзбекистон саноати тараққий этган, қишлоқ хўжалиги ривожланган республикага айланди. Маҳаллий миллат вакиллари орасидан кадрлар етиштириш масаласининг муваффақиятли ҳал этилганлиги КПСС ленинча миллий сиёсатининг ҳаётийлиги ва тантаносидан далолатдир.

Социалистик жамиятнинг такомиллашуви шароитида Коммунистик партия кадрлар билан ишлаш савиясини тобора кучайтириб бормоқда. 1985 йили республикамизда 42 олий ва 250 ўрта махсус ўқув юртлари фаолият кўрсатди, уларда 565 минг киши ўқитилди. Республикамизда ҳар йили олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган 100 мингдан зиёд мутахассис тайёрланмоқда. 38 мингдан зиёд илмий ходим илм-фан равнақи йўлида хизмат қилмоқда. Бошқа қардош республикалар ҳам Ўзбекистон учун кадрлар етиштириб бериш ишига муносиб улуш қўшмоқдалар. Ҳозирги кунда марказий шаҳарлар ва қардош республикаларнинг техника олий ўқув юртларида Ўзбекистон учун кадрлар тайёрлаш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Гап шундаки, халқ хўжалиги соҳасида банд бўлган мутахассислар сони жиҳатидан республикамиз Иттифоқ даражасидан бир ярим баравар ортда қолмоқда. Ана шу тадбирларни амалга ошириш натижасида мутахассисларга бўлган эҳтиёж қондирилибгина қолмасдан, балки халқларимиз ўртасидаги интернационал дўстликнинг янада мустаҳкамланиши таъмин этилади.

Маҳаллий кадрларни тарбиялаш ва уларни партия, давлат ва хўжалик ишларида раҳбарлик лавозимларига кўтариш масаласига Коммунистик партия ҳамиша катта эътибор билан қараган. Шу билан бирга кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда биринчи галда миллий белгилар эмас, балки уларнинг сиёсий, ишчанлик ва ахлоқий фазилатлари инобатга олинади. Ана шу принциплар замирида ишчилар синфининг туб манфаатларини акс эттирган синфий ва интернационал мазмун ётади. Ленинча миллий сиёсатнинг изчил амалга оширилиши натижасида халқ орасидан юзлаб ва минглаб моҳир ташкилотчилар майдонга келди. Акмал Икромов, Иўлдош Охунбобоев, Файзулла Хўжаев, Усмон Юсупов ва бошқа партия ва давлат арбоблари шулар жумласидандир. Партия ўз фаолиятининг барча босқичларида ана шу сиёсатни принципиаллик асосида изчиллик билан рўёбга чиқармоқда.

Михаил Сергеевич Горбачев партия Марказий Комитетининг КПСС XXVII съездига Сиёсий докладида уқтирганидек, бизнинг мамлакатимизда ҳамма шакл ва кўринишлардаги миллий зулм ва миллий тенгсизлик узил-кесил ва абадий тугатилди, барча халқларнинг бузилмас дўстлиги қарор топди. Аммо бизнинг ютуқларимиз миллий жараёнларда проблемалар йўқ, деган тасаввур туғдирмаслиги лозим. Энг муҳими, уларнинг доимо юзага келиб турадиган жиҳатлари ва кирраларини кўра билиш, ҳаёт ўртага қўяётган саволларга ўз вақтида тўғри жавоб топиб беришдан иборат.

Партиямиз сиёсатига биноан у ёки бу республикада яшаб меҳнат қилаётган барча миллатлар партия ва совет идораларининг турли бўғинларида муносиб тарзда вакилатга эгадирлар, лекин бу масалага арифметик нуқтаи-назардан ёндашиб бўлмайди, балки ходимларнинг ишчанлик, сиёсий ва ғоявий-маънавий фазилатлари талабчанлик билан инобатга олиниши зарур. Миллий кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда партиявий принциплардан чекиниш ленинча миллий сиёсатга хилоф иш тутиш демакдир.

Кадрлар билан ишлаш, уларни танлаш ва жой-жойига қўйишда қариндош-уруғчилик, юртдошлик, шахсий садоқат белгиларига қараб иш тутиш оқибатида Ўзбекистонда ҳам 70-йиллар ва 80-йилларнинг бошларида ленинча принциплар қўпол равишда бузилди. Бу ҳол кадрлар составининг сифатига, раҳбарлик савиясига, ходимларни тарбиялаш ишига салбий таъсир этди, раҳбарликка барча миллат вакилларини жалб этиш ишига халал берди.

Раҳбарлик услубининг бузилиши натижасида маҳаллийчилик, пораҳўрлик, социалистик мулкни ўғирлаш каби салбий ҳолатлар кенг тус олди. Буларнинг барчаси КПСС Марказий Комитетининг кўмаги билан очиб ташланди ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми томонидан қораланди. Пленум қарорлари асосида партия, совет, хўжалик қурилишидаги кўплаб жойлар партия ишига садоқатли, ҳалол ва камтар кишилар билан мустаҳкамланди, раҳбарлик идоралари ўзининг обрўсини тўккан кишилардан тозаланди.

КПСС Марказий Комитети республика-

катга табиий шойи етказиб берувчи асосий ўлка ҳисобланган Ўзбекистонда сўнгги йилларда пилла етиштириш тобора кенгайтирилиб, озуқа базаси тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг Ўрта Осиё Ипакчилик илмий-тадқиқот институти олимлари Тошкент Давлат университети ҳамда СССР Фанлар академияси биологик ривожланиш жараёнини ўрганиш институти олимлари билан ҳамкорликда ипак қуртини озиқлантиришнинг батамом янгича бўлган интенсив методини ишлаб чиқдилар.

Маълум бўлишича, ипак қуртининг ярмаги урғочиларига нисбатан 35 — 40 процентдан кўпроқ ипак берар экан. Бироқ уларни ташқи белгиларига қараб кўз билан саралаб олишнинг деярли иложи йўқ: капалак қўядиган ипак қуртининг туси деярли бир хил. Наслга таъсир этишга қодир бўлган ядровий нурланишдан фойдаланган ҳолда ўзбек олимлари жаҳон тажрибасида биринчи марта ипак қуртини қора тусга айлантиришга муваффақ бўлдилар. Эндиликда ипак қуртининг эркагини урғочисидан уларнинг рангига қараб аниқ ажратиш мумкин. Ипак қуртини қўл кучи билан сортларга ажратиш нақадар машаққатли иш. Шуни назарда тутиб, Ипакчилик Бош бошқармасининг конструкторлик бюросида фотоэлектр автомати яратилди, натижада инсоннинг иштирокисиз ипак қуртини сортларга ажратиш имконияти юзага келди. Лекин тажрибалар давом этди. Чатиштириш натижасида, шунингдек радиация генетикаси методлари ёрдамида ипак қуртининг алоҳида дурагайи вужудга келтирилдики, сортлаштиришга қобил генетик механизм ипак қуртининг ўзига «жойлаштирилди». Ана шундай ипак қуртидан етиштирилган пилланинг ўзи ҳам йирик, толаси эса узун ва ингичкадир.

Ипак қуртининг серҳосил дурагайини етиштириш натижасида ортиқча меҳнат ва моддий куч ишлатмаган ҳолда ипак хом ашёси ишлаб чиқаришни кўпайтириш мумкин.

Институт олимлари томонидан ишлаб чиқилган методиканинг аҳамияти битта соҳа доирасидан анча кенгдир. Мутахассисларнинг фикрича, бу усулни ҳайвонлар ва қушларга ҳам қўлланиш мумкин. Масалан, шахсий йўналишда қушларга татбиқ этиш ёхуд балиқчиликда фақат балиқ уруғи олиш учун бу усулдан фойдаланиш имкониятлари мавжуд.

Ирисмат АБДУХОЛИҚОВ

ҚАТЯНИНГ ГУЛЛАРИ



**Бизнинг Еримиз — бепоён коинот бағридаги инсоният қароргоҳи — она-сайёрамизда миллиардлаб одам истиқомат қилади. Нуқрадай оролдан тортиб улкан қитъаларгача ёйилган одамзод фарзандларининг деярли барчасига битта эзгу ва муштарак ният хос: бу — Тинчлик! Тинчликни қарор топтирмагунча, қирғинбарот урушларни инсоният ҳаётидан сидириб ташламагунча тиниб-тинчиш мумкин эмаслигини ҳатто болалар*

мизга кадрлар масаласида катта ёрдам кўрсатди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ихтиёрига Москвадан, Ленинграддан, мамлакатимизнинг бошқа шаҳарлари ва районларидан сиёсий жиҳатдан етук ва тажрибали ходимлар жўнатилди. Марказдан жойларга яхши тайёргарлик кўрган тажрибали ходимларни жўнатиш ленинча анъана эканлиги сир эмас. 20-йиллардаёқ Ўзбекистонда социалистик қурилиш ишларида маҳаллий партия ва давлат органларига ёрдам кўрсатиш учун В. И. Ленининг топшириғига биноан М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, Я. Э. Рудзутак, Ш. З. Элиава, С. И. Гусев ва яна бошқа кўплаб партия ва давлат арбоблари юборилди. Улар Ўзбекистонда социализм қурилишига улкан ҳисса қўшдилар. Ўз навбатида маҳаллий кадрлар ўқиш ва ишлаш учун марказга юборилди. Мамлакатимизнинг кейинги тараққиёти босқичларида ҳам ўзаро кадрлар айирбошлаш ишлари давом этди.

Лекин етмишинчи йилларда бу иш бирмунча сустлашди, жойларда тажрибали ходимлар етишиб чиқди ва марказдан юборилаётган кадрларга эҳтиёж қолмади, деган баҳона рўкач қилинди. Бундай нотўғри позиция натижасида кадрлар составида қотиб қолиш ҳоллари рўй берди. Бунга яна маҳаллийчилик кайфиятларининг қўшилганлиги регионлараро, марказ ва республикалараро, мамлакатимизнинг турли районлари ва шаҳарлари билан тажрибали кадрлар айирбошлаш ишига ноҳуш таъсир этди. Буларнинг барчаси, КПСС XXVII съездида айтилганидек, ўз қобиғига ўралашиб қолиш ва бошқа салбий ҳодисаларга сабаб бўлди. Партия ўз тажрибасидан келиб чиқиб, раҳбарларни танлаш ва жой-жойига қўйишда икки йўналишнинг зарурати — ҳам маҳаллий ўртоқлар ҳисобига, ҳам марказ ва мамлакатимизнинг бошқа районларидан кадрларни жалб этиш лозимлигига алоҳида эътибор беради. Бундай талаб экономикамизнинг интернационаллашуви, ижтимоий ҳаётимизнинг жадаллашуви, ягона халқ хўжалиги комплексини янада тараққий эттириш вазифалари, илғор тажрибаларни зудлик билан оммалаштириш ҳамда хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида банд бўлган кадрларнинг сиёсий, назарий, профессионал, маънавий савиясини ўстириб бориш заруратидан келиб чиқади.

Сўнгги пайтларда марказ билан Ўзбекистон ўртасида, республикалар, шаҳарлар ва районлар ўртасида кадрлар айирбошлаш ишлари анчагина жонланди. Ҳозирги пайтда Москва, Ленинград, Новосибирск, Свердловск, Саратов ва бошқа шаҳарларда ўқиётган маҳаллий ходимлар кейинчалик республикада раҳбарлар доирасини кенгайтирадилар.

СССРда истиқомат қилаётган 130 дан зиёд миллат ва элат вакилларини бирлаштирган КПССнинг ўзи табиатан интернационал партиядир. КПСС XXVII съездида тасдиқланган янги таҳрирдаги КПСС Программасида ҳам республикалараро кадрлар айирбошлаш муҳим вазифалардан бири эканлиги алоҳида қайд этилган.

Ўзбекистон Компартияси республика меҳнаткашларини, ҳамма бўғинлардаги кадрларни интернационал руҳда тарбиялаш ишларини изчил ва аниқ мақсадларга бўйсундирилган ҳолда олиб бормоқда. Айниқса, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI Пленумидан сўнг бу борадаги ишларга эътибор ниҳоятда кучайди.

«Юздан ортиқ миллат ва элат фарзандлари ягона қардошлик оиласида яшаб турган бизнинг республикамиз учун меҳнаткашларни ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эга. Бу ишни қатъиян кучайтириш, уни янги мазмун билан тўлдириш учун ҳозир айниқса қулай имкониятлар бор,» — деб айтилди Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездига Ҳисобот докладида.

Маълумки, Мирзачўлни, Қарши ва Жиззах чўлларини ўзлаштириш, йирик саноат корхоналари қурилиши, зилзиладан жабр кўрган Тошкентни қайта тиклаш ишлари интернационал коллективларнинг вужудга келишини, раҳбарлик составининг кўп миллатли бўлиб бориши жараёнларини тезлаштирди.

Мамлакатимиздаги турли миллат вакилларининг коммунистик қурилишнинг мураккаб ва масъулиятли вазифаларини уюшқоқлик билан биргаликда ҳал этишлари халқлар ўртасидаги интернационал дўстликнинг янада мустаҳкамланишига, миллатларнинг ўзаро яқинлашувига хизмат этибгина қолмайди, балки улар орасидан меҳнаткашларнинг ғайрат-шижоатини уюштиришга қобилиятли, истеъдодли ташкилотчиларни ҳам юзага чиқаради.

Раҳбар кадрлар сафи интернационаллашуви натижасида республика аҳолиси (Ўзбекистонда юздан зиёд миллат ва элат вакиллари истиқомат қиладилар), Ўзбекистон Компартияси (унинг сафларида 89 миллат ва элат вакиллари бор) кўп миллатли бўлиб бораётир. Бу жараён йилдан-йилга кучаяверади.

Республикалараро кадрлар айирбошлаш кучайиб бораётган ҳозирги пайтда Ўзбекистон партия ташкилоти томонидан тарбияланган кўплаб малакали ва тажрибали раҳбар кадрлар бошқа республикалар ва областларда ҳам, жумладан Ивановода, Владимир областида, Тюменда коммунистик қурилишнинг муҳим участкаларида самарали меҳнат қилмоқдалар.

Кадрлар айирбошлаш жараёни халқларнинг маданий-маънавий бойиб бориши имкониятларини кенгайтиради, бутун мамлакатимиздаги меҳнат коллективларининг кўп миллатли бўлиб боришига кўмаклашади, ишлаб чиқарувчи кучларни тўғри жойлаштириш, давлат манфаатлари билан ҳар бир республика манфаатларини ўзаро уйғунлаштиришни таъминлайди. Мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллатлар ва элатлар вакилларининг коммунистик бунёдкорлик ишларида ҳамкорлик билан фаол иштирок этишлари, халқларнинг янада яқинлашуви, улар ўртасидаги дўстлик ва қардошлик ипларининг тобора мустаҳкамланиши учун қулай ва кенг имкониятлар яратади, уларнинг онгида социалистик интернационализм идеологиясининг мустаҳкам қарор топишини тезлаштиради.

Шаҳобитдин ЗИЁМОВ,

Ўзбекистон КП МК ҳузуридаги Партия тарихи институти партия қурилиши секторининг мудири, тарих фанлари доктори

ҳам ҳис этмоқдалар. Улар Ер юзини уруш даҳшатлари — қурол аслаҳахоналари ва ядровий зарядлардан батамом халос этиш учун қитъалар ва океанлар оша бир-бирларига қўл узатмоқдалар, беғубор осмон, ям-яшил ўтлоқлар ҳамиша бор бўлиши, оналар тинчи доим барқарор бўлишини талаб қилиб, ҳукумат раҳбарлари билан учрашмоқдалар.

Москвалик мактаб ўқувчиси, ўн бир яшар қизалоқ Катя Личева ана шундай вазифани зиммасига олиб, дунёнинг нари томонига — Америка Қўшма Штатларига учиб борди. Бир неча йил муқаддам Американинг Мэн штатидан — Манчестер шаҳарчасидан Саманта Смит Москвага, Кремлга хат ёзган, сўнгра ўзи ҳам СССРда бўлиб, совет кишиларининг тинчлик ишига нақадар хайрихоҳ эканликларини ўз кўзи билан кўрган эди. Артекда совет мактабларининг ўқувчилари билан «Ҳар доим бўлсин қуёш» қўшиғини куйлаган, у ёққа қайтиб бориб нашр эттирган «Совет Иттифоқига саёҳат» китобчасида миллионлаб кишилар қалби билан туташ муштарак туйғуларини ифода этган эди. Таассуфки, унинг жарангдор овози энди ортиқ янграмайди: у отаси Артур Смит билан тушган самолёт негадир Мэн штати қолиб, бошқа шаҳарга қўнаётганда, тун чоғида портлаб кетди...

Эндиликда «Тинчлик элчиси» деган масъулият билан Катя Личева Америкага борди. Олис мамлакатда икки ҳафта давомида бу қизалоқни эътибор билан кузатдилар, ўрганди-лар, ҳайратга тушдилар. Профессионал дипломат ёхуд сиёсий арбоб оғзидан эмас, балки оддий мактаб ўқувчиси тилидан «Совет кишилари урушни хоҳлайдиларми?» деган саволга самимий, мухтасар жавоб топдилар.

Катюша Чикагода, Лос-Анжелес ва Нью-Йоркда, Вашингтон ва Хьюстондаги учрашувлари мобайнида болаларча софдил сўзлари, илиқ истарасидаги самимий табассуми билан Совет Иттифоқига нисбатан зўр бериб моддийлаштирилган ишончсизлик пардасини батамом ситиб ташлади. У Америка ўқувчилари Катя учун тайёрланган русча хор ижро этилаётганда, ҳеч тортинмай улар сафига қўшилиб қўшиқ айтди, у ерда орттирган дугонаси Стар Роу билан марҳума Саманта Смит сурати узра кўз ёши тўкди. Москва шаҳар Пионерлар саройи қошидаги интернационал дўстлик клуби аъзоси сифатида урушга қарши спектаклларда фаол қатнашиши, Саманта Смит бурчагини ташкил этишдаги изчил ҳаракатлари, инглиз тилини пухта билиши, энг асосийси — Тинчлик иши учун курашда фаоллиги уни Саманта Смит мукофотига сазовор этган эди.

— Америка болалари билан дўстлашиш, улар билан умумий тил топиш мумкинми? — деб сўрадилар Катядан.

— Бўлмаса-чи? — деб жавоб берди у чеҳрасига самимий табассум ёйилиб. — Улар ҳам, худди биздай, ширинликни яхши кўрадилар, қизлар қўғирчоқ ўйнайдилар, ўғил болалар машина ўйинчоқларини севадилар...

Катя Личева Оқ уйда ҳам бўлди. АҚШ президенти билан учрашди. Унга совет ўқувчилари тайёрлаган Ер шарининг ўйинчоқ шаклини тақдим этди.


— Бу ўйинчоқ совет болаларининг тинчлик истакларини доим ёдингизга солиб турсин, — деди Катя. — Бизнинг мамлакатимиз мен ўсиб вояга етгунимга қадар барча ядровий қурол-яроғларни тугатишни таклиф этди. Сиз ҳам «хўп» десангиз, жуда зўр, аъло иш бўларди-да, чунки тинч яшаб, тинчгина ўйинчоқлар ўйнардик.

Президент бунга ҳаракат қилишини айтди. Шундай деб туриб, аслида у нималарни ўйлаётгани Катя учун қоронғи эди. Орадан унча вақт ўтмасдан, президентнинг сўзи билан иши ўртасида қанчалар чоҳ мавжудлигини АҚШ ўзбошимчалиги туфайли Ливияда содир бўлган таҳликали воқеалар аён этди-қўйди...

Таниқли жамоат ва сиёсат арбоблари билан, америкалик мактаб ўқувчилари билан учрашув ва суҳбатлардан зўр таассуротлар олиб қайтган Катя Личевани Москва гуллар билан кутиб олди. Унгу сўлда, атрофтеваракда, ҳаммаёқда гул. Катюшанинг чеҳрасида ҳам гуллар табассуми.

Тинчлик ва Дўстлик элчиси бўлган сенинг чеҳрангдан гуллар табассуми асло аримасин, Катюша!

Б. АМИНОВ





ТАНГАЛАР ТАРИХИ

Эрамиздан етти аср муқаддам қадимги юнонлар тилла ва кумуш қотишмасини ҳосил қилишни ўргандилар. Шу-шу улар биринчи марта ялтироқ металлдан тайёрланган пулни муомалага киритдилар. Бу борада Кичик Осиёдаги қадимда давлат бўлган Лидия шаҳри аҳолиси биринчи ҳисобланади. Археологлар худди шу жойдан қадимги тангаларни топдилар. Лекин пул тангаларнинг оғирлиги жиҳатидан Европада зарб қилингани устун туради. Шведлар томонидан XVIII асрда мисдан тўғри бурчак шаклида зарбланган пул танганинг оғирлиги 19 килограмм 710 грамм бўлган. Ҳукмдор саройидаги шоввозлар ҳатто ундан жанглрда жанговар қалқон сифатида фойдаланганлар.

Албатта, ҳар биттаси қарийб 20 килограмм бўлган танга пулни чўнтакка солиб бозорга бориш қийин эди.

Шу боисдан ҳам бундай тангалар муомаладан тез чиқиб кетди ва музейларнинг бойлигига айланди.

Шведларнинг ўша оғир тангалари билан қарийб бир вақтда Непалда зарбланган, оғирлиги 0,014 грамм ва айлана гардиши икки миллиметр бўлган кумуш пул танга эса савдода узоқ сақланди. Чунки бир жиҳатдан унинг қиммати юқори баҳоланган эди. Уни майда харидлар учун иккига ва ҳатто тўрт қисмга ҳам бўлишган. Ҳиндистонда 136 миллиметр диаметрда ва 2 килограмм 177 грамм оғирликда зарбланган тилла танга қарийб икки аср давомида муомалада бўлди. Бундай тангаларнинг асли ва ясама нусхалари Британия музейида сақланади.

Яқинда билишимча, бир маҳаллар ипак пуллар ҳам муомалада бўлган. Лекин бундай пулларнинг ҳам Британия музейида бор-йўқлигини билолмадик. Бундан сал илгарироқ кўлимга бронзадан тайёрланган танга пул тушиб қолди. Унинг юза томонига рус тилида «25 сўм» деган ёзув, орқа томонида эса арабча қандайдир ёзув ҳамда жўхори пояси билан туширилган ўроқ ва кетмондан иборат герб аниқ қилиб битилган эди. Бу, Хоразм Халқ Совет Республикасининг рамзи эди. 1920 йилда золим Хева хони тахтдан туширилгандан кейин ёш республикада 20, 25, 100 ва 500 сўмлик танга пуллар зарбланган. Унга «Дунё меҳнаткашлари, бирлашингиз!» деган шиор битилган эди.

Музейларда сақланаётган ўтмишдаги мана шу хил тангалар халқ тарихининг, маданиятининг маълум даражада рамзи бўлганлиги билан ҳам улар биз учун аҳамиятлидир.

В. БЕРЕЗИН

ФЕРМАДА ОЛИШУВ

Қули бобо Умаров 71 ёшда. У шу умрининг ярмини Бухоро область Шофирикон районидаги Карл Маркс номли колхознинг парранда-чилик фермасида товуқбоқарлик билан ўтказаяпти. Иш куни эрта бошланганидан у ҳар куни соат олтида туришга одатланиб қолган.

Лекин ўша куни кўкқисдан юз берган ташвиш уни бундан ҳам эрта туришга мажбур қилди. Қули бобо ферма томон шошилди. Узоқдан у товуқхоналардан бирининг эшиги очиқ эканлигини кўрди. Ўша томондан қандайдир шовқин ҳам эшитилди. Ҳалиги товуқхонанинг эшигидан мўралаган эдики, бир нечта парранда қонга беланиб ётганини кўрди. Қоронғи ичкариликдан эса чолга иккита кулранг бўри ташланди. Қули бобо ўзини йўқотмасдан ўша заҳоти товуқхонани зудлик билан ташқаридан, беркитди. Шундан сўнг у тезлик билан милтиқ олиб келиш ва бошқаларни ёрдамга чақириш учун Хонобод қишлоғига йўл олди. Қули бобо бригадир Расул Овезов, колхозчилар Бафо Баҳромов, Мансур Сафаров ва бошқалар билан тез қайтиб келишди. Улар бўрилар иккита эмас, балки бундан ҳам кўпроқ эканини пайқадилар. Афтидан, оч қолган бўрилар галаси колхоз товуқхонасига ёпирилган эди. Колхозчилар олдин товуқхона ичкарисидаги бўриларни отиб қулатишди, кейин эса паррандачилик фермаси атрофида дайдиб юрган яна уч бўрини ўқ зарби билан қулатдилар.

Н. НАИМОВ

МУНАЖЖИМНИНГ ФАРАЗИ

Шу кунларгача Плутон сайёраси Қуёш системасида маълум бўлган энг олис ва анча-мунча ўрганилган сайёра ҳисобланарди. Яқинда СССР Фанлар академияси қошидаги Бутуниттифоқ астрономия-геодезия жамиятининг вице-президенти, Горький педагогика институти астрономия кафедрасининг профессори В. Радзиевский ишончли бир фаразни ўртага ташлади. Бу фаразга кўра, вақти-соати билан, Қуёшга нисбатан Плутондан ҳам узоқда бўлган сайёралардан энг камида яна иккитаси топилиши мумкин. Бу борада астрономларнинг изланишлари давом этаётир.

ЕТТИ ЎЛЧАБ, БИР КЕС!

Хитойда яшайдиган дай номли унча катта бўлмаган элат аҳолисида яхши бир одат бор. Ўзига ҳаёт йўлдоши танлаган йигит бўлажак уй бекасини ота-онаси турадиган уйда яшаш учун эргаштириб келади. Бўлажак келинни оилада кузатиб юрадилар. Бутун синов муддати давомида қизга ҳеч ким халақит ва таъбеҳ ҳам бермайди. Агар қиз ўша оиладагилар билан чиқишиб кетса, уй ишларига моҳир ва бажарган иши бадастур бўлса, оила аъзолари маслаҳатлашиб, тўй тантаналарига тайёргарлик кўрадилар.

Ҳа, «етти ўлчаб, бир кес!» деган нақл оилавий муносабатларда ҳам катта роль ўйнар экан.

ИТХОНАДА УХЛАГАН БЎРИ

И. А. Криловнинг «Итхонага кириб қолган бўри» масалини ўқиган бўлсангиз керак. Бу ҳодиса моҳир масалнависнинг ўша асарини хиёл эслатади... Воқеа Вологда областининг Красний Бор қишлоғида юз берди. Қишнинг қаттиқ бўронли тунида ҳовлилардан биридаги ит тинимсиз ҳуриб чиқди. Итнинг ҳуришига уй эгалари эътибор бермадилар... Тонг отди. Эрталаб уй бекаси итхонага назар ташладию... қотиб қолди. Ҳар куни лайка ит ётадиган иссиқ ўринга кириб олган бўри худди ит сингари оёқлари устига бошини қўйиб ухлаб ётарди...





«Интернационал»нинг
115 йиллиги

МАНГУЛИК ҚЎШИҒИ

ИНТЕРНАЦИОНАЛ

(ПАРТИЯ ГИМНИ)

Қўзғол, лаънат-ла тамғаланган
Қуллар ва очлар дунёси!
Ғазабланган онгимиз қайнаб,
Бошлар кескин жанг сари,
Зулмат дунёсин бутқул
Тагидан ағдариб, сўнгра
Янги дунёмизни қурамиз.
Қудратланар хорлар шунда.

НАҚОРАТ:

Бу — бизнинг энг охирги,
Энг кескин зўр кураш.
Интернационал билан
Инсон кўтаргай бош!
} 2 марта

Бизга ҳеч ким озодлик бермас,
На шоҳ, на оллоҳ, на ботир.
Озодликка эришмоқ фақат
Ўз қўл кучимиз-ла бўлур.
Эпчил қўллар билан зулмни
Ағдариб, ҳақни олмоққа
Қизит, дадилроқ ур темирни,
У ҳали қизғин чоғида.

НАҚОРАТ:

Бу — бизнинг энг охирги,
Энг кескин зўр кураш.
Интернационал билан
Инсон кўтаргай бош!
} 2 марта

Фақат бизлар — бутун дунёнинг
Улуғ меҳнат қўшинлари,
Ерни эгаллашга ҳақлимиз,
Текинхўрларнинг ҳеч йўқ ҳақи.
Кўппак ва жаллодлар устида
Гар чақнаса улуғ чақмоқ,
Бизнинг бошимизга сочгуси
Қуёш ўз нурларин ҳар чоқ.

НАҚОРАТ:

Бу — бизнинг энг охирги,
Энг кескин зўр кураш.
Интернационал билан
Инсон кўтаргай бош!
} 2 марта

Қўзғол, лаънат-ла тамғаланган
Қуллар ва очлар дунёси!
Ғазабланган онгимиз қайнаб,
Бошлар кескин жанг сари...

Бу оташин сатрлар пролетар диктатураси куртаги — Париж Коммунаси қонга бўялган ўша мудҳиш 28 майдан бир ой кейин, коммунар шоир Эжен Потье томонидан яратилди. Уни коммунистлар жаҳонни ларзага солган Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабаси кунларида баралла куйладилар. Бу қўшиқ садолари меҳнаткашларнинг озод мамлакати — Советлар ҳокимиятини бунёд этаётганлар қалбига ҳамоҳанг бўлди.

1913 йили доҳиймиз В. И. Ленин «Правда» газетасида эълон қилган «Евгений Потье» мақоласида «Интернационал» ҳақида бундай деб ёзди: «...Бу қўшиқ Европанинг барча тилларига ва бошқа тилларга таржима қилинган. Онгли ишчи қайси мамлакатга бормасин, тақдир уни қаерга олиб бориб ташламасин, тили нотаниш, ошна-оғайнилари бўлмаган жойда, ўз эл-юртидан йироқда у ўзини қанчалик мусофир ҳис қилмасин — у «Интернационал» куйини куйловчилар ичидан ўзига ўртоқлар ва дўстлар топа олади». Ҳақиқатан, доҳий башорат қилганидек, бу қўшиқ бутун ер юзи бўйлаб таралди, барча прогрессив инсоният қалбидан жой олди.

Қўшиқчи-шоир Эжен Потье 1816 йилнинг октябрида Парижда ишчи оиласида дунёга келган эди. Бошланғич маълумот олишгагина муваффақ бўлган Эжен ўн тўрт ёшида отасининг устахонасида шогирдлик қила бошлади. Бу ҳақда у кейинчалик шундай ёзганди: «Шеър ёзишга қизиққанлигимдан бўлса керак, мендан тузукроқ шогирд чиқмайдиган кўринди, ишга қолганда бироз уқувсизроқ эдим. Қўлимдан шоир Беранженинг «Шеърлар» китоби тушмасди».

Ҳақиқатан, Эжен Потьенинг ижоди жуда эрта бошланди. Унинг «Яшасин озодлик!» номли биринчи шеъри чоп этилганда, атиги ўн тўрт ёшда эди. Шеър ёзиш билан бирга ёш Эжен ўша пайтда тез-тез бўлиб турадиган халқ қўзғолонларида ҳам иштирок этарди. Бўлажак шоирнинг тафаккури ана шу курашлар давомида чиниқди, бойиди.

Ўтган асрнинг 40-йилларида Францияда утопик социализмнинг турли оқимлари мавжуд бўлиб, ҳар бир оқим ўзича кураш программасини тузар ва халқни курашга ундар эди. Дастлаб, Потье ҳам «Бобувистлар» оқими таъсирига берилиб, «Бобувистлар қўшиғи», «Устахона қўшиқлари» деб номланган илк шеърий тўпламларини нашр эттирди. 1840 йилдан бошлаб шоир Франция ҳаётида юз берган барча сиёсий воқеалар муносабати билан ўзининг жанговар қўшиқларини ёза бошлади ва буржуа ҳукмрон синфига қарши очиқдан-очиқ курашди.

1871 йилги Париж Коммунаси кўплаб ижодкорларнинг асарларига инқилобий руҳ бағишлади. Эжен Потье ва унинг замондошлари бўлган шоирлар — В. Гюго, Ж. Б. Клеман, П. Верлен, А. Рембо, Л. Мишель Коммунанинг содиқ куйчисига айландилар. Эжен Потье Коммуна Советига аъзо қилиб сайланди, у маориф ва озиқ-овқат комиссарлигида иш олиб борди. Коммунанинг сўнгги кунларида ҳам шоир халқ билан елкама-елка туриб, уни ҳимоя қилди.

Коммуна мағлубиятга учрагандан сўнг, Эжен Потье Парижда ва унинг чекка қишлоқларида қочқин бўлиб яшади. 1871 йилнинг июнида шоир Коммуна хотирасига бағишланган машҳур шеъри — «Интернационал»ни яратди. Ҳа, Коммуна қонга бўялганди, лекин Потье яратган «Интернационал» садоси Коммуна ёғдусини бутун Европа бўйлаб таратди.

Ўз умрини қашшоқликда ўтказган пролетар шоири Эжен Потье бир неча йиллар Англия ва Америка мамлакатларида қувғинликда яшади. Бироқ, қаерда бўлмасин, Коммуна ишига ўзини сафарбар деб билди. Капитализм асоратида жабр-ситам чекаётган миллионлар тақдирини, оғир ҳаётини, қашшоқ турмушини ўз асарларида баён этди, пролетар курашининг келгусида албатта ғалаба қилажагини ишонч билан куйлади. Муҳожирликда яшаган йилларида Э. Потье



Эжен ПОТЬЕ

«Америка ишчилари Франция ишчиларига», «Париж Коммунаси», «Ишчилар партияси» каби ажойиб поэмаларини ёзди.

1880 йилда ўз ватанига қайтишга муваффақ бўлган Э. Потье дарҳол «Ишчилар партияси»га аъзо бўлиб кирди. 1884 йилда шоир шеърларининг биринчи томи, 1887 йилда эса «Революцион қўшиқлар» номи билан иккинчи томи нашр қилинди. Коммунанинг оташин куйчиси, содиқ пролетар Эжен Потье 1887 йилда вафот этди.

Унинг уйига тўпланганларнинг саноғига етиш қийин эди. Ҳар томондан: «Яшасин Коммуна!», «Яшасин Потье!» хитоблари янгарди. Алвон байроқ кўтарган оломон ўз шоирини коммунарлар қабристони Пьер Лашезга ана шундай кузатиб борди.

Коммуна ғояларининг ўлмас тимсоли — «Интернационал» қўшиғи шоир вафотидан сўнг янада кенг шуҳрат қозонди. 1888 йилда ишчи-композитор Пьер Дегейтер унга музика ёзди, дастлаб бу қўшиқ Париж ишчиларининг гимнига айланди, 80-йилларнинг охирида бутун Франция бўйлаб тарқалди. Ўтган асрнинг сўнгида Европада бошланган ишчилар ҳаракати ва унинг ташкилотларида «Интернационал» етакчи гимн бўлиб қолди.

«Интернационал» илк бор рус тилига 1902 йилда революционер — Аркадий Коц томонидан таржима қилинди. 1905 йилги революция кунларида «Интернационал» таржимаси бир қатор журналларда босилиб чиқди.

«Интернационал» доҳиймиз В. И. Ленининг ҳам энг севимли революцион қўшиғи эди. У ҳамиша бу қўшиқни «Марсельеза» қўшиғи билан бир қаторга қўярди. Революционер Е. Д. Стасованинг хотирлашича, В. И. Ленин 1917 йилнинг 3 апрелида муҳожирликдан қайтар экан, бронепоездда сўзлаган нутқини тамом қилгандан кейин оломон «Марсельеза» қўшиғини айта бошлайди. Шунда Владимир Ильич уларга қарата»: «Келинглар, яхшиси, «Интернационал»ни айтайлик» деб таклиф қилади.

Шу тариқа йўқсилларнинг мағрур қўшиғи «Интернационал» Улуғ Октябрь инқилобининг наърасига жўр бўлди. Ол байроқ кўтарган ишчи, солдат ва матрослар Қишки саройни штурм қилганларида: «Бу бизнинг энг охирги, энг кескин зўр кураш!» дея олға интилдилар.

1919—1925 йилларда — «Интернационал» Ўрта Осиё халқлари тиллари — ўзбек, қозоқ, тожик, қирғиз, туркман, қорақалпоқ тилларига ҳам таржима қилинди. 1919 йилда у илк бор ўзбек тилига ағдарилди. «Интернационал» садосини тинглаган Ҳамза ва С. Айний каби шоирларимиз бевосита ўша руҳда қатор инқилобий марш ва қўшиқлар яратдилар.

Коммуна руҳини дилларда яшартирган, эрк ва кураш мадҳ этилган «Интернационал»нинг жаранги абадийдир. Унинг муаллифи Эжен Потьени хотирлар эканмиз, доҳиймиз В. И. Ленининг қуйидаги сўзларини эслаймиз: «Потье қашшоқлик билан



Пьер ДЕГЕЙТЕР

оламдан ўтди. Аммо у ўзига чиндан ҳам қўлла созлаб бўлмас ҳайкал қолдирди... Евгений Потьенинг тарихий қўшиғини ҳозирги кунда ўн миллионлаб пролетар билади».

М. ХОЛБЕКОВ,
филология фанлари кандидати

Самарқанд

«ҚУЁШ» КОМПЛЕКСИ

«Қуёш» — Тошкент яқинида, Тянь-Шан тоғ тизмалари ёнбағрида, денгиз сатҳидан бир минг икки юз метр баландликда ишга туширишга ҳозирлик кўрилаётган илмий-ишлаб чиқариш комплексидир. Йилнинг уч юз куни ҳамиша қуёшли бўладиган ана шу ихчамгина ер сатҳида ноёб комплекс қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Сўнгги квадрат-метрларга кўзгулар ўрнатилмоқда, блоклар жойлаштирилмоқда, автоматика ишга шайланмоқда.

Ушбу комплекс моҳият-эътибори билан ўта соф ва ўта даражада ўтга чидамли металл ишлаб чиқарадиган йирик корхона бўлиб қолади. Мутахассисларнинг эътироф қилишларича, оддий металлургия қозонларида ана шундай эритма ҳосил қилиш амалий жиҳатдан асло мумкин эмас. Бу ерда ягона ва қудратли энергия манбаи — қуёшнинг ўзидир.

Комплекс учта ускунадан иборат бўлади. 50 квадрат метр майдонни эгаллаган гелиостат кўзгулар қуёш нурларини акс эттиради. Бу хил кўзгулар олтмишдан зиёд. Кумуш гардишга ўрнатилган улкан бриллиантни эслатувчи концентратор ўз бағрига нур жамғаради. Ниҳоят, ускуналардан яна бири гелиоприёмник бўлиб, айнан ана шу ускуна металлургия қозони вазифасини ўтайди.

Кўзгуларнинг блоклари худди кунгабоқардай ҳамиша қуёшга қараб, ундан йиғиб олган нурларни концентратор сари йўллайди. Тезлик ва тарқалиш бурчаклари автоматик усулда бошқарилади. Кўзгулар жойлаштирилган ва эгаллаган майдони ўн бир минг квадрат-метрдан зиёд концентратор қуёш нурларини гелиоприёмникка — ҳарорати деярли тўрт минг даража бўлган қуёш қозонига узатади. Мутахассисларнинг айтишларича, бундай ҳароратда деярли барча хил материалларни эритиш мумкин. Бундай қозон Ўрта Осиё шароитида ёз кунлари ўн соат, қолган пайтлари саккиз соат мобайнида мунтазам ишлаб, чинакамига самовий маҳсулот — ўта соф ва ўта чидамли материал бериши мумкин.

И. АБДУМАЛИКОВ



МАМОНТЛАР МУЗЕЙИ

Еқутистондаги Черский посёлкасида шундай бир ўлкани ўрганиш музейи борки, кишилар уни томоша қилишга қуруқ қўл билан келмайдилар. Биров қутб бўрисининг сомон тиқилган терисини келтирса, бошқа биров тундрада яшайдиган нодир қушнинг сўйилган нимтасини олиб келади. Эввойи буқа — бизонлар ва мамонтларнинг суяклари кўпинча музей экспонатига айланади.

— Одатда, бундай бебаҳо нарсаларни бизга балиқчилар, овчилар ва бугибоқарлар олиб келадилар, — дейди музей ходими Г. Самойлова улкан дандон тишни кўрсатиб. — Ез ойларида Колима дарёси ва унга қуйиладиган ирмоқлар ўз қирғоғини ювиб ўтганида, бундан 10 минг йил муқаддам шу ерда яшаган қадимги сутэмизувчи ҳайвонларнинг суякларини очиб кетади. Бир куни мен мева териш учун тундрага борганимда, бир чуқурликка тушиб кетдим. Ғўла ёғочга оёғимни қўйиб чуқурдан чиқаётганимда: «Бу ерга ёғоч қаёқдан келиб қолдийкин?» деб ўйладим. Тузукроқ тикилиб қарасам, бир оёғим мамонтнинг улкан сон суяги устида турган экан.

Маълумки, Колима дарёсига қуйиладиган барча кичик дарёлар рақамлар билан аталади. Ўтган йили ўқувчи болалар биринчи рақамли дарёчадан ёввойи бука-бизон суягини топиб олдилар. Худди шундай дарёчаларнинг биридан эса, катта шов-шувга сабаб бўлган — музи эригандан кейин тирилиб, ярим метр ўрнидан силжиган, сўнгра яна ҳаётдан кўз юмган Дима лақабли мамонтча топилган эди.

Черский посёлкасидаги музейнинг яна бир ғалати жиҳати шундаки, мамонтларнинг дандон тишлари ва суяклари буюмлар, ўйинчоқлар коллекциясидан ҳам ўрин олади. Посёлкада яшовчи ажойиб усталар, суяктарошлар тошга айланган суяклардан одамлар ва ҳайвонларнинг ғаройиб кўринишларини ясаб, бамисоли ўлган жониворларни қайтадан тирилтирадилар. Суякдан ясалган бебаҳо асарларнинг бутун бир галереяси музейга келувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

ЕР ЮЗИ АҲОЛИСИ КЎПАЙМОҚДА


Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аҳоли ишлари бўйича ижрокори директори Р. Саласнинг ахборотига кўра, сайёрамиз аҳолиси ҳар минутда 156 кишига кўпаймоқда. Натижада ҳар йили ер юзи аҳолиси 80 миллионга ортмоқда, шу асрнинг охирига бориб ҳар йили 90 миллионга кўпаяди. 2000 йилга бориб заминдаги аҳоли сони ҳозирги 4,92 миллиарддан 6,12 миллиардга, 2100 йилда эса 10,5 миллиардга етади.

Сайёрамиз шаҳарларида аҳоли тобора кўпайиб боради. БМТнинг тахминига кўра, 2010 йилда ер юзидаги аҳолининг ярмидан кўпи шаҳарларда яшайдиган бўлади. Уларнинг 20 проценти ҳар бирида 4 миллиондан ортиқ аҳоли яшайдиган 78 та шаҳарга ўрнашади.

2000 йилга бориб ҳар бири 10 миллиондан ортиқ аҳолига эга бўлган 22 та ўта улкан шаҳар пайдо бўлади. Шундай шаҳарларнинг 18 таси ривожланаётган мамлакатларда бўлади. Ўша вақтга бориб дунёда энг аҳолиси кўп шаҳар Мехико бўлади ва унда яшайдиган одамлар сони 26,3 миллионни ташкил этади. Демак, бу шаҳарнинг халқи майдони жиҳатидан катта бўлган Канададек мамлакатда ҳозир яшаётган аҳолидан ҳам кўп бўлади.

Собир Абдулла туғилган кунга 80 йил тўлди

СЕРҚИРРА ИЖОДКОР



«Мен, Собир Абдулланинг анъанавий тарзда ёзган ғазалларида гўё Алишернинг дардини, Бобурнинг қувноқлигини, Машрабнинг андишасини, Фурқатнинг назокатини ва Ҳамзанинг урфонини ўқигандек бўламан...» Мақсуд Шайхзоданинг Собир Абдулла ҳақидаги бу сўзлари бежиз айтилмаган. «Хаста» тахаллуси билан шеърлар ёзган опаси ва Осиёхоним номли аммаси классик адабиётни севар, ёш Собиржон қалбида Алишер Навоий ижодига нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотар, шу билан бир қаторда Низомий, Жомий, Фузулий, Огаҳий, Бедил, Муқимий, Фурқат асарларини ўқишга даъват этар эдилар.

Собир Абдулла салафлар ижодини ўрганди, уларнинг шеърларига назиралар ёзди, мухаммаслар боғлади. Устозларнинг асарлари унинг учун мактаб бўлди. Натижада Собир Абдулла Совет Шарқининг энг яхши ғазалнавис шоирлари қаторидан ўрин эгаллади.

Собир Абдулланинг ижоди синфий кураш кескин тус олган оғир даврда, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижоди таъсирида шаклланди ва ривож топди. Ёш шоир устози Ҳамза каби актив ҳаётий позицияда турди. Бу ҳақда унинг ўзи шундай деган эди: «Биргина шеър ёзиш билан, ўша даврнинг муҳити-шароитига жавоб бериб бўлмас, ҳали қарасанг, қишлоққа чиқиб ер ислоҳоти-колхозлаштиришда ўз шеърлари билан камбағал деҳқонлар орасида ташвиқот-тарғибот юргизиш керак, ҳали қарасанг, газетага бир фельетон ёзишга тўғри келар, бир шахсни сатира билан авра-астарини очиб ташлаш зарур бўлиб қолар, ўқишни давом эттириш қанча муҳим бўлса, ўша кунниинг илғор агитатори бўлиш ундан ҳам мароқли, муҳим, комсомол ташкилотининг топшириқлари худди ўткир қиличдек кескир бўлса, ўша йилларнинг комсомоли бўлиш, биз ёшлар учун катта фахр эди».

Собир Абдулла 1926 йилда комсомол ташкилотининг топшириғига кўра комсомолларнинг юриш марши учун қўшиқ ёзади. Ана шундан бошлаб, у умрининг охиригача талай қўшиқлар ёзди. Шоир замон талабларидан келиб чиқиб қўшиқ ёзаркан, унда халқнинг дилидаги гапларини баён қилди. Унинг «Дугоҳ Ҳусайн», «Сенинг таърифинг», «Норин», «Уйғон, болам» «Алла», «Ёшлигим» каби қўшиқлари, 1939 йилда нашр этилган «Гулшан» номли тўпламига кирган ва:

«Оқ олтин» товланар чўлларимизда,
Яшнагай чўллар қўлларимизда,
Резалангай говлар йўлларимизда
Ов қила олмас душман
кўлларимизда», —

мисралари билан бошлангувчи қўшиқ ўша даврда кенг оммалашган бўлиб, қанча-қанча ёшларни меҳнатга илҳомлантирган эди. Шоирнинг дили доим ижод билан тўлиб-тошди. Даврнинг энг муҳим воқеаларини акс эттиришга бел боғлаган шоир ўзини гоҳ завод дастгоҳи ёнида, гоҳ фабрикада, гоҳ колхоз даласида, гоҳ ёшлар даврасида кўрди. У ўз ўқувчисига маъқул асарлар ёзмоқ ниятида доим қайноқ ҳаёт билан ҳамнафас бўлишга ҳаракат қилди.

Собир Абдулла камчиликларга қараб турадиган кишиларни кўрганда ғазабдан ўзини тутолмайди. Уларга албатта ҳажв тиғини қаратади. Ҳаётимизда учраб турадиган бу каби камчиликларни йўқотиш, текинтомоқ, худбин, бахил, қабиҳ, шуҳратпараст, дангаса, лаганбардор, ўз ишига панжа орасидан қарайдиган кишиларни тарбиялаш мақсадида уларнинг қилмишларини фош этади. У ҳажвий асарларида кулгидан жуда ўринли фойдаланади. Чунки истеҳзоли кулги «кишини на ҳаётидан, на мулкидан» маҳрум қилади. «Лекин унинг олдида айбдор ўзини худди боғланган қуёндек ҳис қилади». Собир Абдулла ҳажв хусусиятларини мукаммал эгаллашда ҳам устозларга мурожаат этади. Навоий, Муқимий, Ҳамза, Собир Тоҳирзода кабиларнинг ҳажвий асарларидан ижодий ўрганади.

Собир Абдулланинг «Ферма сигирининг хиргойиси», «Чорва ансамбли», «Майли», «Такасалтанг», «Эрта келинг», «Нозигим», «Анқов раҳбар, хушомадгўй хўжалик ходими», «Давангир» каби қатор ҳажвий шеърлари катта аҳамиятга эга бўлиб, ўз пайтида нишонга урилган эди. Шоирнинг қаламидан ношуд раис ҳам, хотин-қизларга бой феодалларча муносабатда бўлувчи кишилар ҳам, сатанг ойимлар ҳам, стилягалар, чайқовчилар, бюрократлар, қурилиш ва транспортнинг беғам ходимлари ҳам қочиб қутула олмадилар.

Маълумки, совет даврида кўпгина шоирлар аруз вазнида ҳам баракали ижод қилдилар. Лоҳутий, Собир Абдулла, Ҳабибий сингари шоирлар шарқ адабиёти анъаналари асосида «Девон» тузадилар. Собир Абдулланинг беш ярим минг мисрадан иборат «Девон»и гўзал ҳаётимиз, муҳаббат, вафо нашидалари билан тўлуғдир.

Собир Абдулланинг ўзбек совет драматургияси тараққиётидаги хизматлари ҳам ниҳоятда катта. Ҳамзанинг ташаббуси билан, Ғулом Зафарий режиссёрлигида саҳнага қўйилган «Мухбирга ҳужум» комедияси ўз мавзуси билан ўша даврнинг долзарб масаласини кўтариб чиққан эди. Ўшандан кейин Собир Абдулла йигирмадан ортиқ драматик асар ёзди. Унинг «Боғбон қиз», «Волокита», «Ҳосил», «Даврон ота» (Яшин билан), «Қурбон Умаров» (Чустий билан), «Кўчқор Турдиев», «Ўзбекистон қиличи» (коллектив), «Тоҳир ва Зуҳра», «Ҳижрон ва виждон», «Алпомиш», «Мавлоно Муқимий», «Гул ва Наврўз», «Истеъдод» каби драматик асарлари томошабинлар томонидан яхши кутиб олинди.

Серқирра ижодкорни драматург сифатида жаҳонга танитган асари «Тоҳир ва Зуҳра» драмасидир. Бу драма республикамизнинг деярли барча театрларида намойиш этилди. Ғоявий ва бадиий жиҳатдан мукаммал бўлган бу асар салкам ярим асрдан буён театр репертуарларидан тушгани йўқ. «Тоҳир ва Зуҳра» драмаси асосида кинофильм яратилди. Бу фильм жаҳон киносининг энг нодир киноасарлари қаторида ҳозиргача намойиш этилиши қувонарлидир.

Кичик-кичик ҳикоялар ёзиш билан қаламини чархлаб олган Собир Абдулла 1965 йилда «Мавлоно Муқимий» номли насрий асарини ёзди. Муқимийнинг ҳаёти ва ижодини ёритиш билан бирга, у яшаган давр ҳаётининг, ижтимоий тузумининг турли табақа ва тоифадаги тарихий шахслари образларини чизиб берди. Ёзувчи бу асарида ўқувчиларни Муқимий ҳаётига доир янги маълумотлар билан таништирди. Асарнинг Бухоро бобидаги қизиқарли саргузаштлар муаллиф томонидан тўқилган бўлмай, балки 1967 йили 85 ёшида Қўқонда вафот этган Муқимийнинг жияни Рўзимуҳаммад ота билан қилган суҳбатлари ва Бухородан Қўқонгача пиёда узоқ масофани босиб ўтишида Муқимийга ҳамроҳ бўлган Тожибой Норхолиқ ўғлининг «Янги Фарғона» газета редакциясида ёзиб қолдирган хотира дафтаридан олинган эди.

Ёзувчининг «Беш саргузашт» қиссаси «Мавлоно Муқимий»нинг давомидек кўзга ташланади. Асарнинг бош қаҳрамони Муқимийнинг жияни Рўзимуҳаммад бўлиб, у Кобул, Бўмбай, Жаддда каби шаҳарларда сарсонликда ҳаёт кечиради. Уни меҳрибон рус кишилари тарбиялайдилар, Москвада ўқитадилар. Сўнг, Рўзимуҳаммад тоғаси — Муқимийдан дарак топиб, Қўқонга келади... Айтиш мумкинки, адибнинг бу қиссаси ҳам XIX асрнинг охири ва XX аср бошларидаги давр, ўзбек адабиёти ва унинг илғор вакиллари ҳақида маълумот берувчи ўзига хос манбадир.

Ўзбекистон ССР халқ шоири, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати Собир Абдулла ўзбек совет адабиётининг улкан вакилларидан бири эди. Унинг баркамол асарлари узоқ сафарга йўл олган карвон қўнғироғи янглиғ китобхон авлодлар қулоғида мудом жаранглаб туради.

Малоҳат АБДУРАҲМОНОВА,
филология фанлари кандидати

ЭЪТИҚОД



Д. Имомов чизган расм

Ўша илиқ баҳор кунида жажжигина қишлоқнинг шинамгина ҳовлисида бўлиб ўтган учрашувни ҳеч нарсага қиёслаб бўлмайди. Бу уйга келин тушган файзли тўй кечаси ҳам, бу уйга куёвнавкарлар келган қиз узатув оқшоми ҳам, бу ҳовлида ўтказилган тўй тантаналари ҳам — ҳеч бири бугунгидай эсда қоларли эмасди. Албатта, ҳар бир одамнинг ҳаётида, баъзан ҳар куни қанчақанча воқеа юз беради, аммо эсда қоладигани жуда кам. Раҳим Бобожоновнинг ҳаётида ҳам салкам эллик йиллик умрида юз берган беҳисоб воқеалар ичида эсда қоладиганлари бармоқ билан санарли.

У ўз қишлоғида очилган ўрта мактаб остонасига илк бор қадам қўйган кунини унутган эмас. Ҳозиргидай эсида: «Бобожон ёшулли» (мактаб муаллимлари унинг отасини ана шундай ҳурмат билан тилга олардилар) кўзлари ёниб турган Раҳимбойни қўлидан етаклаб, мактаб дарвозаси олдига келтириб қўйди-да: «Бу ёғига ўзинг киравер, қўзичоғим», деди. Хева наққошлари ясаган ўйма эшикнинг остонаси ҳам жимжимадор, чиройли эди. Раҳимбой унга ҳавас билан боқдию оёқ теккизмай чаққон хатлади, тенгдошлари кетидан чопқиллаб синфга кирди. Синфда ҳамма нарса унинг кўзига тўтиёдай кўринарди. Бўёқлари ловуллаб турган парталару, деворга қадалган тахта, унинг ёнидаги «бўр-қалам», гўё кўпдан уни кутаётгандай хушрўй кўринарди. Ана шундай хушрўйлик ўн йиллик ўқиш давомида ҳам унинг кўзи олдида турди.

«Етуклик аттестати»ни қўлтиқлаб мактаб биносидан чиқаётган куни ҳам Раҳимбой Бобожонов ўша жимжимадор остонадан бундан ўн йил аввалгидай чаққон хатлаб ўтди-да, тўппа-тўғри колхоз правлениесига йўл олди...

Ёз кунлари эди. Теварак-атроф кўм-кўк, кенг пайкалдаги бир текис ғўзалар далага чирой таратиб, ёқимли кўринарди. Қипқизил шоналар, аҳён-аҳёнда капалакларга ўхшаб оқариб гўза гуллари кўринарди. Ўша манзара Раҳимбой Бобожоновнинг қалбига пахтазорга бир умрлик муҳаббат чўғини ташлади. Илк муҳаббатни унутиб бўлармиди!

— Баракалла, азамат, — деди машҳур пахтакор Дўстжон Қурбонов ёш деҳқон Раҳимбойнинг ҳар туп ғўзага муҳаббат қўйиб ишлаётганидан мамнун бўлиб. — Меҳнатингдан бахт топасан!

«Ҳақиқатан ҳам мен ўз бахтимни меҳнатдан топдим», деди Раҳимбой Бобожонов уни 1974 йили кузакда юксак фахрли унвон билан табриклаган деҳқонларга. Ўшанда Раҳимбой Бобожонов урганчлик ҳамкасблари орасида биринчи бўлиб «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор» бўлган эди. У фахрланса арзигулик иш қилиб қўйган эди-да. Охунбобоев номли колхознинг олтинчи пахтачилик бригадасининг бошлиғи Бобожонов Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг ўн марта нишондори бўлганди: олтин, кумуш, бронза медаллар...

Ўн биринчи медаль кўксига тантана билан тақилган куни хизмат кўрсатган пахтакорни қутлагани келган одамлар уни ўз уйидан тополмадилар. Раҳимбой тантанали йиғилишдан тўппа-тўғри далага кетганди. Дала шийпони унинг иккинчи уйи бўлиб, кўп вақтини ўша ерда ўтказарди. «Дала шийпони — менинг штабим, назорат пунктим», дер эди у ҳазиллашиб. Унинг бу одатини яхши билган одамлар дала шийпонига бордилар. Аммо уни шийпонда ҳам учратолмадилар, уни шийпондан икки-уч чақирим наридаги бўлиқ пахтазордан топдилар. У теримчилар билан баб-баравар пахта термоқда эди.

Раҳимбой Бобожоновнинг хотирасида сақланиб қолган бу кун унинг зиммасига катта масъулият, юксак мажбурият юклаб қўйгани билан ҳам унутилмас эди. «Сен оддий бригадир, ёш йигитча, соқолингга оқ тушмай туриб, хизмат кўрсатган пахтакор унвонини олдинг. Ўзинг олганинг йўқ, бу фахрий унвонни сенга қарзга бердилар. Сен бу қарзни қандай қилиб узишингни ўйла, йигитча!» дер эди ўзига ўзи. Раҳимбой бошқариб келаётган бригада ўн йил давомида муттасил бир маромда юқори ҳосил олиб келарди. Аммо бу муваффақият уни қониқтирмас эди. Унинг рекорди районда, областда тан олингани билан Москва кўргазмасида ундан юқори турган пахтакорлар оз эмас эди. Раҳимбой: «Хизмат кўрсатган пахтакор бўлганингдан кейин ана ўша энг баланд довонга чиқ!» деб аҳд қилди.

«Энг баланд довонга чиқиш» осон эмас эди. Бригаданинг ери оз, сув етарли эмас, қўшимча ер очиш, унга сув чиқариш зарур. Бекорчи ер қаерда! Ортиқча сувни ким беради? Ахир, Хоразм шароитида шўр босган экинзор ерларни ҳам камида уч-тўрт бор кўллатиб суғориб, захини қочириш, шўрини ювиш керак бўлади.

Ҳаммаси бўлиб олтмиш бир гектар пахта майдони пахтакор бригадаси учун торлик қилиб қолди. «Оёғингни ёзиб, қулочингни очолмайсан бу тор майдонда» деди бригадир ўз аъзоларига. Улар ҳам шу даъватни кутиб юрган эканлар, бошла, асамат, дегандай Раҳимбойга ихтиёр бердилар. У эртасига тонготар чоғида ўз йигитларини Амирқум деб аталмиш кўчма қум этагига бошлади. Амирқум неча асрлардан бери экинзор ер бетини қоплаб, қуш учса қанотини, одам келса оёғини куйдириб ётарди. Кетмонда, белкуракда, кейинча бульдозерда қум суриб, қаричлаб, метрлаб ер очдилар. Аммо қумости ерини сувга тўйдиролмай бошлари қотди. Қанча сув ҳайдаб келсалар ҳам қумга сингиб кетар, ерда ғўза томирига сув етмай, ҳавога буғ бўлиб учар эди. Раҳимбой бунинг тадбирини қидириб, йўлиқмаган одами қолмади. «Парранда қийи солинган ер узоқ нам сақлайди», деди кўп иш кўрган тажрибали ёшуллилардан бири.

Бу маслаҳат Раҳимбой учун бебаҳо топилдиқ эди. У дарҳол аҳолига мурожаат қилиб, парранда қийи тўплашни ва унинг ихтиёрига беришни илтимос қилди. Шу йўл билан йиғилган парранда қийи Амирқум чангалидан юлиб олинган янги ерга урвоқ ҳам бўлолмасди. Раҳимбой товуқ фермалари билан алоқа боғлади. Натижада Амирқумдан пешма-пеш тортиб олинадиган янги ер участкаларига қадам-бақадам қий бостириш имкони топилди. Ҳар гектар ерга 10-15 тоннадан парранда қийи солинди, бундан ташқари, гўза ўсуви даврида яна шунча миқдордагиси сув билан гўза томирлари остига оқизилди. Бунинг оқибати жуда соз бўлди: тупроқ таркиби яхшиланди, озуқаси бойиди. Ниҳоллар эрта ҳосилга кириб, эрта пишди. Шу боисдан Раҳимбой бригадасининг пахтаси бошқа бригадаларникига нисбатан ўн кун, баъзан, ҳатто ўн беш кун олдин чаман-чаман очилди. Сифатининг яхшилигини айтмайсизми? Пахтаси сертола — узун тола бўлиб етилди.

Бу — пахтачиликда новаторлик эди. Республикада хизмат кўрсатган пахтакор унвони ёнига новатор пахтакор деган ном ҳам қўшилди. Шу қўшалоқ тажриба тадбирлари натижаси унга 1983 йили СССР Давлат мукофоти лауреати унвонини олиб берди. Хоразмда чиқадиган газеталар унинг жасорати эвазига кўрган иззат-ҳурматларини «деҳқон бахти» деб баҳоладилар.

— Ҳа, мен бахтлиман. Жуда-жуда бахтлиман! — деди коммунист Раҳимбой Бобожонов партиямизнинг XXVII съездига делегат қилиб сайланган куни.

Режалар... Режалар... Область режалари, район, колхоз, олтинчи бригада режалари унинг хаёлини қамраб олди. У Тошкент — Москва махсус рейсида ўн бир минг метр баландликда учаётган чоғида ҳам, «Домодедово» аэропортига қўнгандан кейин ҳам, «Россия» меҳмонхонасининг шинам хоналарида ўтказган тунда ҳам ўша режалари ҳақида ўйлади. «Эл қаторимикин унинг режалари?»

Ниҳоят, Ўзбекистон коммунистлари сайлаб юборган делегатлар билан съездлар залига кириб борганида ҳам хаёли ўша ўз режаларининг салмоғида эди. «Гектаридан эллик центнердан узун толали пахта етказиб берамиз. Эртапишар пахта етиштирамиз. Учинчи, тўртинчи нав пахтани биздан ҳеч ким кутмасин. Хоразм шароитида олий нав пахта таннархини энг арзон туширамиз. Бунга эришиш йўлларини топиб қўйганмиз», деган фикрлар кўнглидан кечарди Раҳимбойнинг. Съездлар залидаги одамлар тўлқини теварак-атрофни ларзага солгандай бўлди. Раҳимбой Бобожонов ҳам ўрнидан турди, у ҳам чин дилидан қарсак чалиб, партиянинг тарихий XXVII съездининг очилишини олқишлади. «Сен бахтлисан. Жуда-жуда бахтлисан», дер эди ўз-ўзига хаёлан.

КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездига Сиёсий доклади бошланди.

Раҳимбой Бобожонов, бошқа барча делегатлар каби, Сиёсий докладдаги ҳар бир фикрни уқиб олишдан ташқари уни ён дафтарига ёзиб борди. Сиёсий докладдаги ҳар бир фикр унинг учун очилган қўриқ, янгилик, тубдан ўзгартиш омили эди. Ишимиздаги нохушликлар тўғрисида ошкора, дангал ва дадил гаплар айтилди.

— Ниҳоятда аччиқ, ниҳоятда ҳаққоний! — деган хулосага келди у Сиёсий докладнинг Ўзбекистондаги нохушликлар ҳақидаги танқидини эътибор билан тинглаб. — Айб ўзимизда... Негаки, лоқайдлик, кўнгилчанлик, андишалар бизни шу аҳволга солди.

Унинг назарида гўё бутун съездлар зали,

ҳамма делегатлар Раҳимбойга қараётгандай бўлди-да, у бошини қуйи эгиб олди. Ниҳоят, Сиёсий докладда юксак режалар, улкан вазифалар, бениҳоя катта миқёслар, жадал суръатлар тўғрисида гап бораётганидагина у бошини кўтарди. Докладчининг бу гаплари шахсан унга ҳам тегишли эди. Режалар шу даражада улкан, суръатлар шу қадар жадал эдики, ўн беш йил ичида етмиш йилда босиб ўтган йўлимизга тенг довон ошишимиз керак эди. Раҳимбой буни деҳқончилик шароитига мослаб чамалади. Саноатда бу иш автоматлар, роботлар, компьютерлар зиммасига тушади. Пахтачиликда-чи?.. Пахтачиликда на робот, на автомат ва на компьютер бор. Аммо, пахтада ҳам суръатни ошириш имкониятлари оз эмас. Эртапишар уруғлар керак. Жадал ишлайдиган терим агрегатлари яратилиши лозим. Деҳқон эса, пахта сифатини яхшилашни ўз зиммасига олади.

Танаффуслар вақтида, кечқурунги ўзаро суҳбатлар чоғида пахтакор делегатлар ана шу ҳақда баҳс юритдилар. Раҳимбой Бобожонов съезд очилган куниёқ Бувайда районидан сайланган делегат Мамадали Усмонов билан дўстлашиб олди. У ҳам бригадир. У «Партия XX съезди» колхозининг чўл бригадасида КПСС XX съезди очилган кунидан бери уюшқоқ коллективга бошчилик қилади. Хоразмлик пахтакор билан фарғоналик пахтакор ўзаро мириқиб гаплашадиган муаммолар кўп эди. Бири-биридан ўрганса арзигулик тажрибалари ҳам етарли. Мамадали Усмонов қандай қилиб оз ишчи кучи билан кўп ерга экин экиш, юқори ҳосил олиш билимидан гапирса, Раҳимбой сувсиз ерда ҳосил ундириш йўллари ҳақида сўзларди. Икковлон социал-иқтисодий йўналиш тараққиётини жадаллаштиришни қандай қилиб пахтачиликка жорий қилиш муаммоларини мулоҳаза, муҳокама, мунозарадан ўтказдилар. Улар бу ҳақдаги фикр алмашувни съезддан кейин ҳам давом эттиришга аҳд қилдилар.

Раҳимбой Бобожонов партиямизнинг XXVII съездидан катта таассурот ва ундан ҳам катта маънавий хазина билан қайтди. Унинг ҳовлисидаги, қишлоғидаги шодлик тантанасини кўрсангиз эди.

Меҳмонлар бир-бирига навбат бермай уни саволга тутардилар. Раҳимбой эринмай саволларга жавоб берарди.

Колхоз парторги «газик»ни дарвозага кўндаланг қўйиб, кабинадан тушмай: «Уйдаги интервьюни бас қилинг, маданият саройида минглаб одам кутяпти сизни!» деди.

«Умр бўйи унутилмайдиган таассурот билан ҳаяжонда яшаяпман. Не бахтки, улуғ партиямизнинг тарихий йигирма еттинчи съездида иштирок этдим. Партиямизнинг янги таҳрирдаги Программаси, ўзгартиш киритилган Устави тасдиқлансин, деб мен ҳам овоз бердим. Бундан ҳам юксак бахт борми дунёда! Йўқ, албатта! Энди биз ана шу Программа ва Уставга оғишмай амал қилишимиз керак! Шу бугундан, шу соат ва минутлардан эътиборан амал қилишимиз шарт!..»

Содда, лўнда қилиб айтилган сўзларни саройга тўпланганлар қарсаклар билан маъқуллаб турдилар. Съезд делегати ошиқмай-тошиқмай, ўзини дадил сезиб, бир маромда гапида давом этди:

— Съездимиз ленинчасига иш кўрди. Нохушликларга ўт қўйди. Ҳалол ва виждонан ишлашга катта йўл очди. Жадаллик, ҳар ишда жадаллик — бизнинг шиоримиз, деб эълон қилинди.

Раҳимбой чўнтагидан ён дафтарчасини чиқариб, унинг варақларига кўз югуртириб олди-да, залда жим ва диққат-эътибор билан қулоқ бериб ўтирган одамларга қарата деди:

— Мана, Сиёсий докладда бу ҳақда нималар дейилган. Тингланг. Ўқийман:

«Мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш яқин вақт ичидаги ва истиқболдаги барча проблемамизни, иқтисодий ва социал, сиёсий ва идеологик, ички ва ташқи проблемамизни ҳал этиш калитидир. Фақат шу йўл билангина совет жамиятининг янги сифат ҳолатига эришиш мумкин ва лозим».

Раҳимбой ён дафтарининг бошқа варақларини очиб, янги муҳим гапларни ўртага ташлади.

«Ҳозир партиянинг, бутун халқнинг биринчи галдаги вазифаси — экономикани ривожлантиришдаги ноҳуш тенденцияларни қатъиян бартараф этишдан, унга лозим даражада динамизм бахш этишдан, оммани ташаббускорлиги ва ижодкорлигига, чинакам революцион ўзгартишларга кенг йўл очиб беришдан иборат».

Раҳимбой Бобожонов залда ўтирганларга разм солди. Ҳамма бу муҳим вазифаларни ўйлаб-фикрлаб, жим ва жиддий ўтирарди.

— Бу вазифаларни қандай тушунмоқ керак ва Охунбобоев номли колхозимиз хўжалигида турмушга қандай татбиқ этмоғимиз жоиз? Дангалини айтганда, эскича ишлашдан воз кечиш керак. Қандай қилиб? Бригада ерига — бригада аъзолари хўжайинлик қилсин. Қайси майдонга нима экиш, қачон экиш, қанча ва қандай ишлов беришни ўз билгиларича қилишсин. Эскича суфлёрлик, тўтиқушлик энди кетмайди! Райондаги ўртоқлар ҳам колхозимиз раҳбарларининг қўлини боғлаб қўйиш одатларини ташласинлар. Ўзгартишлар даврининг талаби шу. Давр шуни — бевосита ишлаб чиқарувчиларнинг шахсий масъулиятини, ташаббусини оширишни талаб қилаяпти.

Раҳимбой Бобожонов партиямизнинг XXVII съезди делегати сифатида қаерда, кимлар билан учрашмасин, давр талаблари даражасида ишлаш, ҳар жабҳада фаоллик, ҳар ишда жадаллик фазилатлари тўғрисида гапирди. У кечқурунлари учрашувларда бўлса ҳамки, тонготарда ўз даласида ҳозиру нозир турарди. Далаларда шўр ювиш, полиз текислаш, ер ҳайдаш қизғин давом этарди. Апрель ойининг биз учрашган дастлабки кунида Раҳимбой чигит экишга машина созламоқда эди.

— Пахтачиликда ҳам жадалликни жорий қиламиз! — деди у. — Эрта экиб, эрта парвариш бошлаб, пахтани ҳам эрта очилтирамиз. Теримни эса, машиналар зиммасига юклаймиз. Хомчўт қилиб кўрсам, октябрь ойидаёқ бутун ҳосилни териб давлатга топшириш мумкин экан.

Хоразмда охирги марта дувиллаб тўкилиб ўтган ширғоқ қордан кейин ҳаво чарақлаб очилиб, қуёш илиқ, иссиқ нур тўка бошлади. Деҳқончилик ишлари жадаллашиб кетди. Раҳимбой бригадаси бу долзарб жадал ишларда ҳам карвонбоши бўлаяпти.

Хоразмдан Тошкентга жўнайдиган кунимиз Урганч районида «Октябрь байроғи» газетасига кўзим тушиб қолди. Газетанинг «Танишинг: ташаббускорлар» деган рубрикаси эътиборимни ўзига тортди. Унда беш пахтакорнинг «Унумли, тежамли, жадал меҳнат қиламиз!» сарлавҳали чақириғи босилганди. Ўн биринчи беш йилликда давлатга 2 минг 400 тоннадан зиёд пахта топширган, режасини 118,3 фоиз қилиб бажарган, ҳосилдорликни гектарига 51 центнерга кўтарган бригадир Раҳимбой Бобожонов янги ташаббус билан чиқибди: «Ўн иккинчи беш йиллик планини тўрт йилда бажарамиз!» дебди у ва бунинг учун унумли, тежамли, жадал меҳнат қилиш тадбирларини санаб берибди. Ажойиб ташаббус! КПСС XXVII съезди далегатининг бу ташаббуси рўёбга чиқишига ишонамиз.

Иброҳим РАҲИМ,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

Музайяна АЛАВИЯ

ЁШЛИК СУРУРИ

РСФСРнинг Нокоратупроқ ўлкаларида, Мирзачўл, Жиззах, Сурхон-Шеробод даштларида совхозлар тузиб, янги боғу бўстонлар яратаётган ватанпарвар ёшларга атаб

Эй ёшлар, баринғиз соғломсиз, ёшсиз,
Бири кўкдаги ой, бири қуёшсиз!
Қаерда ёшлик бор — шижоат шунда,
Чала қолар ишлар: бўлманг бардошсиз.

Сув чиқариб этинг чўлларни обод,
Бу хизматлардан эл ҳам, ёр ҳам бўлар шод.
Эл учун туғилиб, эл деб ўлганни
Мардлар қаторида қиладилар ёд.

Ёшлик бор соғломлик — катта сурур бор,
Кўзда ҳам олисга етарлик нур бор.
Ишқ сўзининг таржимони топилмас,
Меҳру муҳаббатдан, тенгсиз ғурур бор.

Ёшлик қайда, умид-орзу ҳам шунда.
Ёшлик қайда, ўйин-кулгу ҳам шунда.
Ясанмоқ, безанмоқ, мажлисоролиқ
Атир, упа-элик, кўзгу ҳам шунда.

Ёшлик саодатдир, кетса келмайди,
Баъзилар бу сурур қадрин билмайди.
Фазилат орттирган ёшлик чоғида
Қариганда сира хўрлик кўрмайди.

Мақсад зўр, сиздадир ихтиёр-инон,
Ҳар нарсага қодир инсон деган жон.
Жазирама, ўт унмаган бу жойлар
Серҳосил, сояли, салқин гулистон.

Сиз қатори мен ҳам юраман ўлмай,
Ким кетади чаман боғларни кўрмай.
Шон-шараф, олқишлар ёғилур шунда,
Эшитилар мардлик қўшиғи тинмай.

Турли-туман қушлар келади учиб,
Тўш уриб новдадан новдага кўчиб.
Бу ерда ётсираш, бегоналик йўқ,
Биридан бирови турмайди чўчиб.

Қушларнинг машҳури — булбул овози,
Япроқлар чапаги, сувларнинг сози.
Минг достонлар қилаверар тараннум,
Кечади тинчликда қиш билан ёзи.

Қўшоғига қушлар уя қуради,
Парвоз учун қанот қоқиб туради.
Жўра қушлар учирмасин учириб,
Ота-оналикнинг гаштин суради.



ҲАЁТБАХШ МАЪНОЛАР

ЎЛМАС УМАРБЕКОВНИНГ «КУРОРТ» ПЪЕСАСИ ҲАҚИДА

ТЕАТР

ҲАМЗА мукофоти лауреати, ёзувчи Ўлмас Умарбеков асарлари, жумладан драмалари воқеалар қамровининг замонавийлиги ва конфликтларга бойлиги билан томошабинлар эътиборини тезда жалб этади. Бизнингча, бу муваффақиятнинг калити муаллиф билан Ҳамза номидаги академик театр коллективининг ижодий ҳамкорлигидадир.

Ижодий ҳамкорлик хусусида гап кетганда, драматург фикрининг саҳна имкониятлари, ижрочилар маҳорати, айниқса, режиссёр топқирлиги туфайли асарни томошабинга етказиш жараёнида тўла ўз ифодасини топиши ҳақида алоҳида таъкидлаш керак. Гоҳо драмани саҳналаштириш жараёнида иккинчи даражали персонажлар биринчи планга чиқиб, асар руҳи ўзгариб кетади. Айниқса қаҳрамонларнинг ички дунёсини очиш, персонаж қалбидаги пинҳонликни ошкор этиш учун ноўрин қўлланилган режиссёрлик усули асар ғоясига салбий таъсир ҳам кўрсатиши мумкин. Муаллиф билан ижодий ҳамкорлик эса, бундай ҳолларга маълум даражада чек қўяди.

Маълумки, Ў. Умарбеков асарларида салбий шахслар образи осонликча фош бўлмайди, фош этиш мушкулликлари бутун мураккаблиги билан кўрсатилади. Чунончи, («Оқар сувлар») Гулчеҳра сувга чўкаяпти. Зудлик билан ёрдам берилмаса, ҳалок бўлади. Шу важдан бу ҳолни кўриб турган Комилда инсоний ва ноинсоний ҳислар олишуви узоқ давом этади. Бу драматик лавҳа ечимида хатарли ишдан ўзини олиб қочган Комилнинг худбинлиги фош бўлади.

Саид Каримович («Комиссия») — командир буйруғини вақтида бажармолмай, қуролдош дўстлари ҳалокатига сабабчи бўлади. Ўзидан бошқа ҳеч ким билмайдиган бу сирни очиш-очмаслик масаласида у иккиланади, конфликт тобора кескинлаша боради. Характер ривожи ниҳоясида қаҳрамон гуноҳини ошкор этиш даражасига кўтарилади. Саид Каримович ва Комил характеридаги бу ривожланиш мантиқи драматург маҳоратидан далолат беради. Назаров билан Сулаймон ота («Қиёмат қарз») тўқнашувида Назаров ўз шахсиятпарастлигини ошкор қилиб қўйишида ҳам айнан шундай ҳолни — ўз-ўзини фош қилишни кўрамиз.

Тўлан Дўнанович («Курорт») шу жиҳатдан мазкур шахсларга издош. Унинг тимсолида лавозимидан, мавқеидан фойдаланиб, ўзига тобе кишилардан пора ундирадиган нопок бошлиқлар қиёфаси очиб ташланади. Бундайлар ўта маккор, зимдан иш кўришга устаси фаранг бўлишади.

Колхоз раиси Тўлан Дўнановичнинг тамагирлигини қуйидаги саҳнада яққол кўрамиз: раис курортга кетиши олдидан ўзига тобе кишиларни кабинетига тўплайди. Уларга беш-олти минутдан сўнг келишини айтиб, ташқарига чиқиб кетади. Столи ғаладонини эса атайлаб ярим очиқ қолдиради. Унинг нима демоқчилиги қабулидагиларга равшан. Бу ерда таъкидланган беш-олти минут рақами, пул миқдорига шаъма, стол ғаладонининг очиқ қолиши эса пулнинг шу ерга қўйилишига ишора. Буни хонадагилар раиснинг характери мантиқидан билишади. Гарчи, сафар олдидан чақирилганлар ўз сирдошлари бўлсалар-да, раис гапини урғу бериб айтади. Ахир, у — ўтакетган устомон. Айни пайтда шароит нозиклигига қараб иш кўради. Бундайларнинг қадами қисқа бўлади. Лекин улар ҳақиқат билан юзма-юз келгунларича ўзларини ҳар куйга солиб, атрофдагиларга ўзларини қўй оғзидан чўп олмаган қилиб кўрсатадилар.

Тўлан Дўнановичнинг ўз қилмишидан изтиробланиши саҳнада маромига етказиб талқин қилинган. Бу ҳоллар спектакль жанрига мос комик планда кўринади ва томошабинларнинг истеҳзоли кулгусига дучор бўлади.

Постановкадаги бундай характерли деталлар Шермамат, Одамқул, Васлиддин, Ҳамдам каби персонажлар хатти-ҳаракатларига сингдирилган. Уларнинг ҳаракатлари давомида бош сатирик шахс — Тўлан Дўнановичнинг ҳақиқий башараси очиб борилади. Уларнинг ҳар бирига ўзлари сунъий равишда ташкил қилган носоғлом муҳит натижасида томир отган — юлғичлик, талончилик каби бемаъни кўринишлар таъсири синган. Улар — бош айбдор. Бошлиқларини пора бериб, чалғитади. Бора-бора бу одатга айланади. Мана, энди бошлиқ тап тортмай пора талаб қиляпти. Энди раис талабини қондиришнинг ўзи бўлмайди. Шароит қинғирликни кўтармай қолган. Оқибат — жиноят. Шу сабабларга кўра, персонажларда ҳукм сурадиган руҳий дард, саросималик ҳажвий тарзда акс эттирилади. Бу ерда ҳажв ҳар бир сатирик шахснинг характеридан келиб чиқиб талқин этилади.

Лекин мазкур асарда муаллиф сатирик персонажларнинг кирдикорларини фош қилиш имкониятидан тўла фойдаланмагани сезилади. Бу қуйидаги ҳолларда билинади. Чунончи, саккиз тонна тарвуз, олти тонна қовун сотилмай қолиб, бир кеча-кундузда ириб кетиши мумкин эмаслиги — оддий ҳақиқат. Тўқнашувларда бунга келтирилган далил — селитра баҳонаси ҳам муболаға доирасидан чиқиб кетган.

Тўлан Дўнанович курортдан қайтгунигача колхозга раислик қилиб туришни Қўзибой Рўзибоевга топшириши бир қарашда ишончсизга ўхшайди. Негаки, раис юлғичлар ўғирлигига ўзи ҳам шерик бўлиб, уларнинг айбини яшириб келган. Қўзибой раис бўладиган бўлса, ўша сохталикларнинг очилиб қолиш хавфи бор. Чунки, у ўта ҳақгўй, қолаверса, омборчи билан ферма мудирининг кирдикорларидан хабардор. Тўлан Дўнанович шуни ҳис қилгани, шериклари фош бўлса, ўзига ҳам гап тегишига кўзи етгани ҳолда раҳбарликни Қўзибойга топшириши ҳақиқатан Тўлан Дўнановичнинг феъл-атвори мантиқига унчалик мос келмаётгандай. Лекин буни Тўлан Дўнановичнинг бир хислати оқлайди: у Қўзибойнинг раисликда яхши ишлашини, энг муҳими, талонторожга йўл қўймаслигини билади. Бинобарин, мазкур ишни унга топширади.

Дарвоқе, адабиёт ва санъатда ижобий қаҳрамонни мутлақо ижобий, салбий персонажни тамоман қора бўёққа бўяб кўрсатиш — жуда эски усул. Чунки бугунги ўқувчи мураккаб даврда — инсоний характерлар мураккаблашган шароитда яшаяпти. Уларни шунинг учун ҳам мураккаб образлар тақдири қизиқтиради.


Образларни ўз-ўзига фош эттиришда автор шундай маҳоратли йўл танлаган: бош салбий куч Тўлан Дўнанович етакчи ижобий қаҳрамон — Қўзибой билан сўнгги саҳнагача юзма-юз тўқнашмайди. Бундай тўқнашув улар орасида сўнгги кўринишдагина содир бўлади. Шунгача конфликт кўпроқ ичдан ривожланган. Нуқсонлар шунчаки қайдларда, ахборотларда эмас, балки, характерлар ҳаракатида — амалда юзага чиқади. Масалан, раис Исмат бувининг уйини бузишга буйруқ берганида, бувининг руҳий азобланиши, унинг арзи саҳнада ниҳоятда ёркинлашади. Адолатсизликдан чекилаётган азият бадиий ифодасини топади.

Раиснинг ўзбошимчалиги, ўзбилармонлиги, адолатсизлиги, худбинлиги, лоқайдлиги, ўйламай иш кўриши оқибатларини ижобий қаҳрамон (Қўзибой) шунчаки кўриб-билибгина қўя қолмасдан, у билан зиддиятга киришади. Чунки, раиснинг нуқсонларини тузатишнинг, колхозда адолатни тиклашнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун кунлар етмай, тунлар ҳам ишлашга тўғри келади. Чунки фидойи, идеалига содиқ раҳбар мўлжалидаги ишларни раис курортдан қайтгунича қилиб улгуриши шарт. Акс ҳолда давлат мулки, бир гуруҳ юлғичлар қўлида талон-торож бўлади. Уларнинг бу мулк дахлсиз эканлиги билан бир чақалик иши йўқ. Қоринлари тўйса бўлди. Тишлари тиллага айланса бўлди. Ор-номусни, одамгарчиликни улар бир ҳовуч пул билан белгилашади. Бу аҳволдан изтиробга тушган, уйига ҳам боролмай идорада ётиб ишлаётган Қўзибойни хотини йўқлаб келгандаги эр-хотин диалоги асарнинг ғоясига тамал тошини қўяди.

Қўзибой мушкулликлар халқасини ёриб чиқа олган, иродали, ишбилармон, жонкуяр, адолатпарвар, фидойи раҳбар сифатида меҳримизни қозонади. Янги раҳбар хислатлари, эски раҳбар иллатлари бригадир Ҳамдам драматизми воситасида ҳам яхши очилади. Курортдаги раис билан ишдаги раиснинг қарама-қарши сифатлари таъсирида юз берадиган туйғулар туғёни оқибатида Ҳамдам фош этувчи куч даражасига кўтарилади. Шунда ижобий қаҳрамон кишиларни нуқсонларга қарши ўт очишга руҳлантирувчи шахс сифатида эътибор қозонади.

Ўлмас Умарбековнинг «Курорт» спектакли Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми фош этган салбий ҳодисаларга қарши олиб борилаётган курашлардан сабоқ беради, оғир ва қалтис шароитларда ҳам ижтимоий бурчга содиқ қолаётган ишлаб чиқариш командирларига хос хислат ва хусусиятлар ҳақида сабоқ беради.

Баҳодир ҒУЛОМОВ,
Нурилла АҲМЕДОВ.
ТошДУ доцентлари



АКМАЛ ИКРОМОВ.

Расмни Х. Лутфуллаев чизган

Акмал Икромов

Улуғ Октябрь инқилоби халқларнинг асрлар давомида мудраб ётган қудратли кучларини уйғотди, кўплаб истеъдодларни рўёбга чиқарди, ижтимоий социал адолатни чинакамига қарор топтиришга қодир курашчиларни майдонга келтирди. Ана шундай курашчилар сафида ўзбек халқининг ажойиб фарзанди Акмал Икромовнинг ҳам муносиб ўрни бор.

Уни Коммунистик партия тарбиялаб вояга етказди, халқ эрки ва озодлиги учун кураш йўлларидан унга сабоқ берди, уни ҳурмат ва эътиборга сазовор этди.

Акмал Икромовнинг бутун онгли ҳаёти Ленин партияси иши учун, социализм тантанаси учун курашларга сафарбар этилди.

В. И. Ленин йўлланмаси билан Туркистонга келган М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, Я. Э. Рудзутак ва бошқалар А. Икромовнинг ташкилотчилик фаолиятини тез пайқадилар, унга партиявий ишни ўргатишда, марксизм-ленинизм назариясини ўзлаштиришда ёрдам бердилар. 1921 йилда А. Икромов Туркистон Компартияси Марказий Комитетининг масъул секретари қилиб сайланди. У ёш бўлишига қарамай партиянинг бу масъулиятли топшириғини муваффақиятли бажариш учун бутун куч-ғайратини сарфлади. 1920—1921 йиллари А. Икромов Советларнинг VIII ва IX Бутун Россия съездларида Туркистондан делегат сифатида қатнашди.

В. И. Ленинни кўриш, унинг нутқларини эшитиш ёш коммунист А. Икромов ҳаётида ўчмас из қолдирди. Москвадан қайтиб, у янада қатъият ва сабот билан қайноқ партиявий фаолиятга киришиб кетди. Туркистон Компартияси Марказий Комитети томонидан. А. Икромов номига 1922 йил 23 июлда берилган гувоҳномада бундай дейилади:

«Ушбу гувоҳнома Икромов Акмалга шу ҳақда берилдики, у 1918 йил 18 февралдан буён партия аъзосидир. 1919 йил июль ойидан бошлаб Наманган уездида қурилиш ишлари союзида партиявий иш олиб борди ва 1920 йил май ойидан бошлаб уезд — шаҳар комитетининг аъзоси бўлди. Туркистон Компартияси Фарғона область комитетининг аъзоси бўлди. Туркистон Компартияси Фарғона область комитетининг аъзоси бўлиб турган вақтида мусулмон ишчилари орасида партиявий иш олиб борди. 1920 йил августда IX ўлка Советлари қурултойида Туркистон Марказий Ижроия Комитетининг аъзоси қилиб сайланди. Ишчи-Деҳқон Назорат халқ комиссарлиги ва Ер ишлари халқ комиссарлигининг комиссия аъзоси қилиб тайинланди. Асосий ишни Тошкентнинг Эски шаҳарида дегрез ишчилар ва кўнчилар орасида ҳам сиёсий, ҳам тарбиявий соҳада олиб борди, райкомда раҳбар бўлди. 1921 йил январида Туркистон КП Сирдарё область-шаҳар комитетига сайланди ҳамда секретарь ва агитация-пропаганда бўлимининг мудири бўлиб ишлади. 1921 йил февралида ўлка партия конференцияси томонидан Туркистон КП Марказий Комитети аъзолигига сайланди ва ҳозирга қадар Туркистон КП Марказий Комитетининг масъул секретари бўлиб ишлаб келди ва айни вақтда Ўрта Осиё бош устахоналари мусулмонлар ячейкасининг, Тошкент Эски шаҳари ва райкомининг раҳбари бўлди. Ҳозирги вақтда Туркистон КП Марказий Комитети ўртоқ Икромовнинг қатъий талаби билан уни Свердлов университетининг уч йиллик курсига кириш ва айни вақтда дастлаб университет машғулотларига қатнашиш учун РКП Марказий Комитетига юборишга қарор қилди.

Ўртоқ Икромов ёш, лекин қобилиятли ва садоқатли ходим, ўз билимларини оширгач, янги куч билан ишлаш учун Туркистонга қайтиб келади. Бу даврда марксча маълумот олган кишилар шу қадар оз бўлиб, маҳаллий аҳоли оммаси орасида олиб бориладиган ишлар эса нақадар кўп...»

Билимга чанқоқ Акмал Икромов Свердлов номли университетда марксизм-ленинизм назариясини чуқур ўрганади, ўқишни 1924 йилда аъло битиради. Шу даврда Ўрта Осиёда РКП(б) МКнинг қарорига биноан миллий чегараланиш ўтказилаётган эди. Кенг назарий, сиёсий билимга эга бўлган А. Икромов 1924 йил декабридан 1925 йил февралигача Тошкент область партия комитетининг масъул секретари бўлиб ишлади, 1924 йил ноябрида Ўзбекистон КП Ташкилот бюросининг аъзоси қилиб тасдиқланади. Ўзбекистон КП(б) МКнинг 1925 йил 13 февралдаги биринчи пленумида А. Икромов республика Компартияси Марказий Комитетининг масъул секретари қилиб сайланади.

Республика коммунистлари А. Икромовни 1925 йил февралида бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартиясининг биринчи съездига делегат қилиб сайлаган эдилар. У съездда жанговар нутқ сўзлади. Съездда қатнашган М. И. Калинин Акмал Икромов ҳақида фикр билдириб бундай деди: «Мен ўртоқ Икромовни танимас эдим,— деди Бутуниттифоқ оқсоқоли.— Аммо мен унинг нутқини тинглаганимда, ўртоқ Икромовнинг нутқи соф ишчининг нутқи эканлигини кўрдим, у худди фабрикадан келганга ўхшарди. Мен уни зиёли бўлса керак, деб ўйлагандим, менга эса уни ишчи деб айтишди. Бу характерли белгидир. Мен унинг нутқини тинглашим биланоқ Ўрта Осиёдан чиққан ишчи Икромовнинг нутқи Питер ишчисининг нутқидек бўлиб туюлди. Кўрдингизми, ишчиларнинг умумий характерли белгилари бир-бирига қанчалик ўхшаб кетади».

Акмал Икромов оддий ва камтар, ўзига ва бошқаларга талабчан, принципиал коммунист, қобилиятли ташкилотчи эди. У 1925 йилдан Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг масъул секретари, 1929 йилдан эса биринчи секретарь бўлиб ишлаган даврларида республикамизда социалистик қурилишнинг муҳим вазифаларини рўёбга чиқариш ишларига раҳбарлик қилди, бутун куч ва ғайратини сарфлади.

1925—1929 йиллар ер-сув ислоҳотини ўтказиш республика партия ташкилоти олдида турган долзарб масалалардан бири эди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва шахсан А. Икромов бу масалага жиддий эътибор бердилар. Ер-сув ислоҳотини тайёрлаш ишига раҳбарлик қилиш учун А. Икромов бошчилигида Марказий партия Комиссияси тузилди.

У Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қатор пленумларида, РКП(б) Ўрта Осиё бюросининг пленумларида, коммунистлар мажлисларида, меҳнаткашлар митингларида ер-сув ислоҳотининг ижтимоий-сиёсий аҳамияти ҳақида нутқлар сўзлади. Ўзбекистон КП(б)нинг 1925 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган II съезди А. Икромов доклади юзасидан ер ислоҳоти тўғрисида қарор қабул қилди ва ислоҳот моҳиятини, уни амалга оширишнинг асосий принциплари, йўлларини белгилаб берди. 1925 йили А. Икромовнинг «Ўзбекистон Компартияси ва Коммунистик ёшлар союзининг ер ислоҳотини ўтказишдаги вазифалари» номли брошюраси ўзбек тилида эълон қилинди. Унда ер ислоҳоти ўтказишнинг зарурати, унинг асосий масалалари, партия ва комсомол ташкилотларининг вазифалари оммабоп қилиб тушунтириб берилди.

Айрим кишилар ислоҳот ўрнига янги ерларни ўзлаштириб, ерсиз деҳқонларни ер билан таъминлаш маъқул, деган нотўғри фикрни олдинга сурдилар. А. Икромов бу фикрга қарши чиқиб, ер ислоҳотининг сиёсий, социал ва иқтисодий аҳамиятга эга эканлигини уқтирди. «Ҳамма масалаларни фақат янги ерларни ўзлаштириш йўли билан ҳал қилиш мумкин деб ўйловчилар,— деган эди А. Икромов 1926 йил 22 февралда Ўзбекистон КП(б) МКнинг II пленумида сўзлаган нутқида,— бой хўжаликлари қишлоқнинг ижтимоий ривожланишига, зироатчиликнинг аҳволига, деҳқонлар оммасига қанчалик зарарли таъсир қилаётганлигини унутмоқдалар». У ислоҳотнинг асосий мақсади ерга феодал, ярим феодал муносабатларини батамом тугатиш ва социалистик қурилиш учун йўл очишдан иборат эканлигини уқтириб ўтди.

А. Икромов бошчилигидаги комиссиянинг уч ой давомида зўр бериб ишлаши натижасида ер-сув ислоҳотини ўтказиш тўғрисидаги декрет лойиҳаси тузилди. Ўзбекистон Советлари Марказий Ижроия Комитетининг фавқулодда сессияси 1925 йил 2 декабрда ер ва сувни национализация қилиш, ер-сув ислоҳотини ўтказиш тўғрисида тарихий декретлар қабул қилди. 1925 йил декабрда бошланган ислоҳот 1926 йилнинг 15 февралида тугалланди. Шу давр ичида А. Икромов неча бор Фарғона, Самарқанд ва Тошкент области қишлоқларида бўлиб, деҳқонлар, қишлоқ активлари орасида нутқлар сўзлади, уларни ислоҳотни ўтказишда фаолликка даъват этди.

Ер-сув ислоҳотини ўтказишда А. Икромовнинг фаол иштироки алоҳида қайд қилинди: у 1926 йил апрель ойида Ўзбекистон ССР Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. 1927 йили Зарафшон областида, 1928—1929 йиллари Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм округларида амалга оширилган ер-сув ислоҳотларида ҳам у фаол қатнашди.

Ислоҳот қишлоқ хўжалик кооперацияси ва колхоз қурилишининг ўсишига, қишлоқда социалистик секторнинг янада мустаҳкамланишига самарали таъсир кўрсатди, меҳнаткаш деҳқонларнинг сиёсий активлиги ва синфий онгини ўстирди. Ўзбекистонда социализм учун курашнинг олдинги сафида бўлган Акмал Икромов партия миллий сиёсатини, социалистик индустрлаштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, маданий инқилобни амалга оширишда самарали фаолият кўрсатди, хотин-қизлар озодлиги, СССРнинг пахта мустақиллигини таъминлашда жанговар сафларда бўлди.

Акмал Икромов ҳаёти Коммунистик партия ленинча миллий сиёсатининг амалга оширилиши натижасида омма орасидан ҳақиқий партия етакчилари етишиб чиқишининг ёрқин мисолидир.

Иброҳим АЛИМОВ,
тарих фанлари доктори

Мовий гумбаз сирлари

1986 йил. 14 март. Ўша куни уста ишдан уйига елкасидан оғир юк тушгандек енгил тортиб, қувониб қайтди. У плашини ечиб, ўз одатига кўра бошидаги телпагини чуст дўпписига алмаштирди. Кейин кенг саҳнли айвонга тўшалган духоба кўрпача устига чўзилди. Бугунги ҳурсандчиликдан ўзида пайдо бўлган ҳаяжонни босолмасди. Шифтга тикилганича хаёлга толди: яқин ўртада ишдан бугунгидек эрта қайтиб, ором билан дам олганини эслолмайди. Бундан саккиз йил бурун шогирдлари билан муҳим тарихий ёдгорлик — Нодирдевонбеги мадрасасини таъмирлашни зиммасига олди-ю, ишга берилиб кетди. Ўғиллари Абдуқаҳҳор, Абдураззоқ, Абдуғанини ёнига олиб ишга кетади, уйига кеч қайтади. Шу йиллар давомида қилган заҳматли меҳнати, кўрган машаққатлари зое кетмади. Бугун ёдгорликнинг тантанали очилиш маросимида улар шаънига айтилган мақтовларни айтмайсизми... Мадраса ҳовлиси одамлар билан тирбанд бўлиб кетди. Йиғинда ўзи, шогирдлари ҳақида илиқ гап кетганда, уни жуда ҳаяжон босди. Тантанали митингда область партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари, кўпгина чет эллик саёҳатчилар қатнашдилар. Митингда сўзга чиққанлар уста Абдуғаффор Ҳаққуловнинг таъмирлаш маҳоратига, унинг санъатига, муносиб шогирдларининг истеъдодига юксак баҳо бердилар. У кимки халқ, партия иши учун жонкуярлик қилса, ҳалол меҳнати билан ўзининг ижтимоий бурчини оқласа, албатта, эл назарига, жамоатчилик эътиборига тушишини яна бир карра ҳис этди бугун.

Ҳаётда камолотга эришиш, эл ҳурматига сазовор бўлиш эса осон кечавермайди. Буни уста ўз фаолиятидан яхши билади. Ҳозир у худди шу ҳақда мулоҳаза юритар, камолот поғонасига кўтарилгунча не-не қийинчиликларни бошидан кечирганини, устозларининг аччиқ сабоқларига чидам билан бардош берганини бирма-бир эсларди, уларни яна қайта ўзича ақл тарозисига солиб кўрарди.

Унинг учун бинокорлик — ота касб. Раҳматли отаси — Ҳаққул Эшонқулов моҳир ғишт терувчи эди, ўша вақтдаги тажрибали меъморлар, қурувчилар билан бирга ишлашар, уларнинг қурилиш, меъморчилик ишлари хусусида ўзаро баҳсларида қатнашар эди. Отасининг касбдош дўстлари Абдуғаффорларникига меҳмон бўлиб келганларида ҳам уларнинг суҳбати ярим тунгача чўзилиб кетар, суҳбатдошлар меъморчилик тарихи, тарихий ёдгорликларнинг замонавий аҳамияти, Самарқанд меъморчилик мактаби ҳақида қизғин баҳслашар эдилар. Ўша пайтларда мактабнинг бешинчи синфида ўқиб юрган ёш Абдуғаффор гоҳи-гоҳида кенг меҳмонхонанинг бир бурчагида ўтириб, катталарнинг суҳбатига қизиқсиниб қулоқ тутарди. Лекин ҳали ёш бўлганидан ҳеч нарсага тушунмас, «мовий гумбаз», «рангли кошинлар», «Самарқанд обидалари» деган узуқ-юлуқ ибораларнигина эслаб қолар эди. Аммо ҳар қанча ўйламасин бу ифодаларнинг маъносини чақишга фаҳми етмасди. Отасининг ёнига — иш бошига нон-ош кўтариб эски шаҳар кўчаларидан борганида кўкка бўй чўзган мовий ранг минораларга, улкан зангори гумбазларга ҳайратланиб боқарди, қадимий меъморчилик санъатининг ажойиб намуналари бўлган бу салобатли ёдгорликлар унга бир сирли дунёдек туюларди. Ёш Абдуғаффор тарбия топаётган оила ҳаёти ўша вақтларда-ёқ бинокор усталар, меъморлар фаолиятига яқин бўлганиданми, у мактабдаги чизмачилик машғулотларида кўзи кўриб-кўниккан Шердор, Улуғбек, Бибихоним мадрасаларининг суратларини қоғозга туширишни кўпроқ машқ қиларди. Синфда туширган бундай машқ-чизмаларини уйга келиб отасига кўрсатар, чизган суратларига ўз дадасининг берадиган баҳосини билишга ошиқар эди. Ўшанда дадаси: «Ўғлим Бибихоним мадрасасига қараганда Улуғбек, Шердор мадрасаларини жудаям ўзига ўхшатиб чизибсиз-а... Машқ қилаверсангиз уста Шамсиддиндек катта уста бўлишингиз мумкин...» дегани бугунгидек эсида.

Дадасининг мақтовидан кўнгли тоғдек кўтарилган ёш Абдуғаффор отасига синчковлик билан тикилиб:

— Уста Шамсиддин ким, у кишини танийсизми? — деб сўраганди отасидан.

— Нега танимай, ўғлим, у киши билан бирга ишлаймиз-ку. Уйимизда ҳам кўп марта бўлган. Ҳув қайси куни бизникига келган оладўппили, оқяктак кийган баланд бўйли одам ўша уста Шамсиддин эдилар-да, — деди отаси ўзининг яқин, ҳамкасб дўстини орқаворотдан ўғлига таништираркан.

Абдуғаффорнинг эътиборли устага нисбатан қизиқиши эсига тушди шекилли, Ҳаққул ака Шамсиддин Ғафуров кейинги гал уйига ташриф буюрганда, атайин ўғлини унинг ҳузурига чақирди.

Абдуғаффор бирдан ҳушёр тортиб, аввал зудлик билан дарсхонасига кирди-да, токчадаги папкасининг ичидан чизмачилик дафтарини қўлига олиб, меҳмонхона эшигига рўпара бўлди...

— Устоз, бу ўғлимиз кўпдан бери биноларнинг, миноранинг гумбазларнинг суратларини солишни машқ қилади. Унинг машқий суратларини бир кўздан кечирсангиз, — дея ўғлининг қўлидаги чизмали дафтарни олиб, Шамсиддин Ғафуровга узатди отаси. Ёш Абдуғаффор эса ийманибгина меҳмондан анча берида — гилам устига чўккалади. Уста Шамсиддин унинг чизган суратларини бирма-бир синчковлик билан кўздан кечирди.



Уста Абдуғаффор Ҳаққулов ўғиллари Абдуқаҳҳор ва Абдураззоқ билан кошинлар сифатини кўздан кечирмоқда.

— Улуғбек, Шердор мадрасаларини аслига анча ўхшатибдику... Ҳозирданоқ қизиқиши шунчалик экан, эринмай машқ қилиб интилаверсин, ажойиб рассом ёки меъмор бўлиб етишади, — деди Шамсиддин Ғафуров зимдан кўз қирини «уста нима деяр экан» дея этакда энтикиб ўтирган Абдуғаффорга югуртириб. — Яхшиси, мактабни битиргач ўзимизга шогирдликка беринг, ўғлингизга ҳунар ўргатамиз.

— Раҳмат, устоз, раҳмат! Ниятимиз ҳам шундай...

Абдуғаффор Ҳаққулов илиқ ўйлар оғушида ўзининг ўша ёшлик йилларини бирма-бир хотирлар экан, бу воқеалар гўё кечагина бўлгандек туюларди унга.

Эллигинчи йилда ўрта мактабни тамомлаган Абдуғаффор СССР Давлат мукофоти лауреати, Самарқанд таъмирчилик санъатининг асосчиларидан бири уста Шамсиддин Ғафуровга шогирд тушди.

Уста ўспиринни «Ҳамкасб дўстимнинг фарзанди» деб аяб ўтирмади. Ёш Абдуғаффорни дастлаб қора меҳнатда пиширди. Уни бир йил ғишт ташиб, ғишт узатувчи қилиб ишлатди. Бир йилдан кейингина, яъни Абдуғаффорнинг суяги меҳнатда бироз қотгач, уни уста ўзига расмий шогирд деб қабул қилди. Шундан сўнггина устоз унга меъморчилик ва таъмирчилик санъатининг баъзи хусусиятларини аста-секин ўргата борди.

Устоз жуда қаттиққўл, ғоят талабчан эди. У: «Кўнгилчан устознинг қўлидан кўнгли бўш, малакаси саёз шогирдлар чиқади. Қаттиққўл устозгина чидамли, пишиқ шогирдлар етиштира олади», деган талабни кўп таъкидлар ва ўз фаолиятида ана шу принципга қатъий амал қилар эди...

Уста Абдуғаффор Ҳаққулов ҳам ўзининг шогирдларидан ташкил топган коллективининг саккиз йиллик оғир меҳнати кенг жамоатчилик гувоҳлигида сарҳисоб қилиниб, эл имтиҳонидан ўтган шу кунда ўшанақа қатъиятли устозга шогирд тушганини, ундан меъморчилик санъати сирларини пухта ўрганишга астойдил ҳаракат қилганини ички ғурур ва мамнуният билан янада чуқурроқ ҳис этди. Эндиликда мангуликка кўз юмган ўша улуғ зотнинг ҳаққоний ўгитларини, унинг иш юритиш тартиб ва усулларини чидам билан шогирдларига сингдира бориш ниятини яна кўнглига қаттиқ тугиб қўйди...

Абдуғаффор Ҳаққулов то 1958 йилгача уста Шамсиддин Ғафуров бошлиқ таъмирловчилар бригадасида шогирд бўлиб ишлади. Бу йиллар давомида у ўз устозидан кошинкорлик, нақшкорлик санъати сирларини ўрганди. Айни вақтда уста Шапи Исоқов, Иброҳим Шермуҳамедов сингари моҳир таъмирловчилар билан ҳамкорликда ишлаб, ўз ихтисосини такомиллаштира борди. Ўз отасидан уй шароитида араб графикасини вақтида ўрганиб олгани унинг учун яна бир жиҳатдан қўл келди: қадимги, хусусан, ўрта аср Шарқ меъморчилигига оид китобларни ўқиб ўрганди, ўша даврнинг архитектураси ҳақидаги назарий билимлар билан ўз илмини бойитиб борди.

У шогирдлик фаолияти даврида Улуғбек мадрасаси бош пештоқининг ғиштқорлик ишларида, Тиллакори мадрасасининг кошинкорлик ишларини бажаришда фаол қатнашди. Айни пайтда таъмирланиши лозим бўлган ишларнинг лойиҳасини тайёрлашда ҳам иштирок этди. Масалан, у Улуғбек ва Шердор мадрасалари ташқи токи-равоқ чизмаларини ишлаб чиқишга ўз ҳиссасини қўшди. Шердор мадрасасининг кириш пештоқидаги ўчиб кетган, баландлиги 98 сантиметр, узунлиги 22 сантиметр саҳнга битилган ёзувни тегишли тарихий манбалар асосида тиклади.

1958 йилда устози уста Шамсиддин Ғафуров кексалиги туфайли пенсияга чиқди. У таъмирловчилар бригадаси бошлиғи вазифасини муносиб шогирди Абдуғаффор Ҳаққуловга ишониб топширди. Устозининг ўша йили 20 сентябрь куни ёнига чақириб айтган ўгити ҳали-ҳали унинг қулоғи остида жаранглаб туради: «Ўғлим Абдуғаффор, қулоқ бер менга. Тарихий ёдгорликлар — бу халқ хазинаси. Халқ хазинасини кўз қорачиғидек асраб, ишкал жойларини бутлаб, келгуси авлодларга етказиш сизу биздек халқ меъморларининг бурчидир. Негаки, бу бебаҳо обидалар халқимизнинг минг-минг йиллик заковати, меъморчилик санъатининг ёрқин намуналаридир. Иш фаолиятингда ҳеч қачон бепарволикка, лоқайдликка ўрин берма. Ҳунарманд киши ҳамиша ишини пухта-пишиқ қилиши керак. Агар у қўлдан ўтар қабилида иш тутса, унинг бозордаги чайқовчидан фарқи қолмайди. Шогирдларингга нисбатан доимо қаттиққўл бўл. Ўшандагина касбингнинг қадри ортади, халқ орасида эътибор топаверасан».

Зукко устозининг бу доно сўзлари Абдуғаффор Ҳаққулов учун шунчаки қайд эмас, балки унинг фаолияти учун иш юритиш мезони бўлиб қолди. Шу боисдан бўлса керак, уста Ҳаққулов ҳақида бирор даврада гап кетгудек бўлса, унинг шогирдлари: «Билимдон, моҳир меъморлардан. Қаттиққўл, талабчан, эриниш нималигини билмайди. Ҳар биримизнинг ишимизни синчковлик билан муттасил кузатиб боради, одамни худди темирни оловда тоблагандек чиниқтиради,» деб таъриф қилишади.

Ҳали айтганимиздек, уста устозининг вазифасини таъмирчилар бригадаси бошлиғи сифатида давом эттиришга киришгач, ўз зиммасига ниҳоятда катта масъулият юкланганлигини ҳис этди. Негаки, тарихий ёдгорликларни таъмирлаш бўйича қилинадиган энгиги ишлар сифати ва нафосати жиҳатидан машҳур меъмор Шамсиддин Ғафуровникидан қолишмаслиги керак. Акс ҳолда унинг ўз ҳамкасблари, қолаверса, жамоатчилик олдида эътибори кетади. Ахир, Самарқанддек шаҳри азимдаги тарихий ёдгорликлар бугун бутун жаҳон эътиборини ўзига тортиб турибди. Шаҳарга дунёнинг ҳамма бурчакларидан келиб турган кўп сонли саёҳатчилар ҳар бир обидани синчковлик билан томоша қилаяпти.

Абдуғаффор Ҳаққулов мустақил иш бошлаган ўша кезларда: «Сифат ва нафосат ишимиз учун асосий мезон бўлиши керак», деган қатъий даъват қалбига жо бўлганди ўшанда унинг. Шунинг учун ҳам қилинадиган ҳар бир ишга устози уста Шамсиддин кўзи билан қарашга, у киши билан бамаслаҳат иш тутишга ҳаракат қилди. Уста Абдуғаффор бошлиқ коллективнинг Улуғбек расадхонаси, Бибихоним мадрасаси ва Шоҳизинда ёдгорликларининг ўчган кошинларини тиклашда, Гўриамир мақбарасининг нақшларини бутлашда бажарган ишлари қабул комиссияси томонидан яхши баҳоланди. Мустақил ишлашга ўтгандан кейин эришган дастлабки ютуқлари устага катта маънавий мадад бўлди, унинг ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлади. Шундан сўнг у ўз коллективи билан 1977 йилда Шердор мадрасасининг ўзига хос бир нусхаси бўлган Нодирдевонбеги мадрасасини тўлиқ таъмирлаш масъулиятини зиммасига олишга журъат этди.

Бу катта тарихий иншоотни асл ҳолига келтириш, унга уч юз йил бурунги гўзаллигини қайта ато этиш фақат айтишга осон эди. Бу масъулиятли ишни уддалаш, уддалаганда ҳам кўпчиликка манзур қилиш ниҳоятда мураккаб иш эди. Ўшанда Абдуғаффор Ҳаққулов ўз коллективи билан энди иш бошлаган кезларда унинг баъзи ҳамкасблари: «Уста катта ва қийин ишга қўл урдида. Ёдгорликнинг чизма лойиҳалари бирор манбада сақланмаган. Уни аслига келтириб бўлармикин», деган андишага ҳам боришганди. Устанинг ҳаёлидан ҳам шундай фикрлар ўтганди. Унинг бу хусусда иккиланган, оғир ўйга толган пайтлари ҳам бўлди. Лекин устага шу ўринда бир нарса қўл келди. Абдуғаффор ака ўшандан анча йиллар илгари худди Нодирдевонбеги мадрасаси тузилишига эга бўлган Шердор мадрасасини бошқа ҳамкасблари қаторида таъмирлашда қатнашган эди. У чуқур фикр-мулоҳаза юритиб, Шердор мадрасасининг дастлабки чизма лойиҳаларини тасаввур билан миясида тиклади. Ўзбекистон Тарихий ёдгорликларни таъмирлаш илмий-тадқиқот институтининг мутахассислари Нодирдевонбеги мадрасасининг чизма-лойиҳаларини тайёрлашга киришганларида у ҳам бу ишда ўз фикр-маслаҳати, қоғозга туширган чизмаандазаларни мутахассисларга тақдим этди. Лойиҳани тайёрлашда устанинг таклифлари тўла инобатга олинди.

1977 йилдан буён, яъни карийб саккиз йил ичида мазкур мадрасани тиклаб-таъмирлаш бўйича жуда катта ҳажмдаги ишлар бажарилди. Иншоотнинг таркибий қисмини ташкил этган 27 та ҳужра ҳамда мадрасанинг асосий тоқиларининг томидан асрлар давомида йиғилиб қолган икки минг куб метрдан кўпроқ тупроқ сидириб туширилди. Мадраса ҳовлиси эса бир метр баландликдаги чўкма қатламдан тозаланди. Унинг ўрнига бундан уч аср илгари, яъни 17-асрда қандай қилинган бўлса худди ўшандай— квадрат шаклдаги ғиштлар тўшалди. Мавжуд ҳужраларнинг ҳаммасининг томи аввал бирмабир тозаланди, кейин эса очиб ёпилди. Шундан сўнг икки йил роса қуритилди. Шу ўринда бир




характерли фактни эслаш ўринлидир. Ҳужраларнинг томини нима билан ёпиш кераклиги хусусида мулоҳаза юритилганда баъзи тажрибасиз, бундай нозик ишларнинг сирини билмаган қурувчилар ишнинг тез битишини кўзлаб: «Ҳужраларнинг томларини бетонлаш керак» деган таклифни ҳам киритдилар. Ўша ноўрин гап сабаб бўлдию уста ишдан ўтган-қайтганларида ёнидаги ўшанақа кам ўйлов кишиларга томига бетон-мум тўшалиб, деворларидан ҳаво ўтмасдан гардишлари шўрлаб, моғорлаб ётган кўп қаватли уйларни мисол қилиб кўрсатиб ўз фикрини қайта-қайта уқтирди. Самарқанд шаҳрига кўрк бериб турган қадимий тарихий ёдгорликларнинг неча асрлардан бери ўз жилосини сақлаб келаётганлигининг боиси ҳам уларнинг сунъий материаллардан эмас, балки табиий материаллардан, яъни асл тупроқдан пухта-пишиқ қилиб тайёрланган маҳсулотлардан қурилганида эканлигини шогирдларига кўп марта таъкидлади. Устанинг моҳияти мустаҳкам бу таъкидлари унинг ёш шогирдларида, айниқса, ишхонасига келиб ғиштқорлик ва кошинкорлик ҳунарини ўрганишга қунт қўйган Самарқанд районидаги 44-махсус ҳунар-техника мактабининг талабаларида катта таассурот қолдирди.

Шу ўринда устанинг яна бир фазилатини қайд қилишни истардик. У шунчаки оддий бинокор эмас, балки билимдон, шарқ, айниқса, ўрта аср меъморчилик мактаби тажрибаларини тарихий манбалардан ўқиб-ўрганиб, амалий билимлар билан қуролланган зукко санъаткор ҳамда таъмирлаш санъати ҳақида ўзининг ва катта устозларининг тажрибаларини оммалаштириш мақсадида бир неча китоблар, қўлланмалар ёзган етук муаллиф ҳамдир. Унинг 1983 йилда «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилган «Тарихий ёдгорликларни таъмирлаш» номли китоби Улуғбек номидаги Қурилиш ва архитектура институти ҳамда бошқа техника олий ўқув юртларининг қурилиш факультетлари талабалари учун асосий қўлланмалардан бири сифатида фойдаланиб келинаётир.

Ҳа, Абдуғаффор Ҳаққулов — ўз фаолияти давомида ёшлардан жуда кўплаб истеъдодли шогирдлар етиштирган сахийқалб мураббийлардан бири. Унинг Олимжон Ҳамидов, Саъдулла Аҳмедов сингари муносиб шогирдлари у билан саккиз йил ёнма-ён ишлаб, Нодирдевонбеги мадрасасини таъмирлашда, унинг даврлар эпкинида ўчиб-йўқолиб кетган нақшларини, кошинларини тиклашда чинакам фидойилик қил-

(Охири 19-бетда)

ҲАМҚИШЛОҚ РАССОМИМИЗ



Тошкент Театр ва рассомлик санъати институтининг талабаси, ҳамқишлоғимиз Ортиқали Қозоқов республикамиз пойтахтида, «Илҳом» клубида очилган республика студент-ёшлари кўргазмасида «Ҳовли» асари билан иштирок этган эди.

... Оддий қишлоқ ҳовлиси. Қийиқ тикаётган она. Унинг ортида қоши-кўзлари шундоққина онасига ўхшаб кетадиган ширингина қизалоқ. Сўриток. Дарахтлар. Кўкдан тушаётган олачалпоқ нур... Бу ерда ҳамма нарса бир-бирига уйғун, табиий.

Кўргазмада Москвада, Ленинградда таҳсил олаётган ёшларнинг ишлари ҳам бор эди. Ортиқали учун биринчи қадам, биринчи ижодий синов эди бу. У ҳаяжонланарди. Йўқ, томошабинлар ҳам, санъатшунослар ҳам унинг ишини яхши баҳолашди.

Ортиқалининг қишлоқ мавзусига бағишланган «Тўй», «Чойхона», «Оила» асарлари СССР халқ рассоми Раҳим Аҳмедовга манзур бўлди.

— Жуда яхши ишлар, — деди Раҳим ака булар ҳақида, — шу тарзда давом эттириш керак!

Қишлоқ унинг асосий мавзусига айланиб бормоқда эди. Диплом ишини ҳам худди шу мавзуда яратмоқчи эди. Қораламалар тайёр, устози назаридан ўтганди. Кутилмаганда... Ортиқали устозларини ҳам, курсдошларини ҳам ҳайрон қолдириб, мавзуни ўзгартирди.

— Рассом давр билан ҳамнафас бўлиши керак, — деди у, — бу йил Ғалабанинг 40 йиллиги, диплом ишимни шу мавзуда яратаман.

Шу тариқа унинг «41-йил олмалари» асари юзага келди:

Ўзбек делегацияси фронтга совға-салом олиб борган. Эшелон. Қизил вагонлар. Биринчи президентимиз Иўлдош Охунбобоев жангчилар билан суҳбатлашаяпти. Пешонасини шоҳи белбоғ билан танғиган отахон олма тўла яшикларни очаяпти. Фронтчи қизлардан бири қўлидаги бир дона олмани ушлаганча чуқур хаёлга ботган. У шу тобда Ўзбекистон боғларини эслаётгани аниқ. Сал нарироқда солдатлар даврa қурган. Суҳбат мавзуи: юрт соғинчи, Ўзбекистон, Ғалаба иштиёқи...

Диплом ишини муваффақиятли ёқлагач, Ортиқали она қишлоғига қайтди.

— Қишлоққа келишдан мақсад ижодда ўрнимни топиш, — дейди бу ҳақда унинг ўзи.

Ҳозир у қишлоғимиздаги 35-ўрта мактабда ёшларга санъат сирларидан сабоқ бериш билан бирга тинмай ижод қилаяпти.

Сўнгги бир йил ичида унинг «Куз», «Абдуғаффор ота», «Гулжамол», «Ўлкамда баҳор» каби қатор асарлари пайдо бўлди. «Гулистон» журналининг ушбу сони муқовасининг 3-бетида эълон қилинаётган расмлар ҳам ана шу янги асарлари сирасидан. Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди шарафига очилган республика рассомлари кўргазмасида Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, ёш пахтакор Дилором Раҳматова портрети билан қатнашди. Шунингдек, ёзувчи Парда Турсун портретини чизди.

— Алишер Навоий номидаги музейда Парда Турсун портрети йўқ экан. Шу ижодий ишни менга ишониб топширишди. Қишлоғига бордим. Уни кўрган-билган одамларни топиб гаплашдим. Романи чиққандан кейин бир келган экан...

... Ёзувчи тоғ ёнбағридаги катта бир тош устида ўтирибди. Кўзларида ўт. У болалиги ўтган қадрдон қишлоғида. Узоқ йили унинг онаси қийинчиликнинг, қимматчиликнинг дастидан бир бурда нон ахтариб, ёш Пардани эргаштириб, бу қишлоқдан чиқиб кетган эди. Совет ҳокимияти барча меҳнаткашларга, Парда каби етим-есирларга бахт эшикларини очиб берди. Парда Турсун энди қишлоғига ёзувчи сифатида қайтди. Қўлларида китоб. Юзларида масрурлик, қониқиш ҳисси, ҳаётга ташналик. Орқа фонда баҳор қўйнидаги қишлоқ. Баланд-паст уйлар. Уриклар қийғос гулга кирган...

... Яқинда Ортиқалини автостанцияда кўриб қолдим.

— Машҳур пахтакорлар, замонамиз қаҳрамонлари ҳаётига оид портретлар серияси устида ишлаётганимдан хабарингиз бор, — деди у, — ҳозир чўлқувар қиз Манзура Каримова портретини ишлаш учун кетаяпман. Ундан кейин Тошкентда очиладиган «Рассомлар — болаларга» кўргазмасига «Деҳқон оиласи» асарим билан қатнашиш учун иш олиб бораяпман...

Оқ йўл, ижодингиз гуллайверсин, рассом дўстим!

Ортиқали НОМОЗОВ

Наманган область,
Поп райони, Санг қишлоғи



Андижон Машинасозлик заводининг бир гуруҳ ишчилари.

В. Мосин фотоси

ИХЛОС

Марғилон атласи оламга машҳур. Унинг камалак жилоларида товланган ранглари ўз ишига ихлос қўйган минглаб тўқувчиларнинг меҳнатини акс эттиради. Унинг шуҳратини олис-олисларга таратаётган меҳнатчилар қаторида донгдор тўқувчи, Қаҳрамон она Салимахон Иўлдошеванинг ҳам ўз ўрни бор.

— Шу йил февраль ойида пенсия ёшига тўлдим, — дейди Салимахон опа. — Лекин ишсиз ўтиришни хаёлимга ҳам келтиролмайман. Тан-жоним соғ бўлса, ҳали чарчамаган бўлсам. Қайтанга, меҳнатсиз ўтган кун кишини чарчатади. Коллектив ичида яшаб, тўқиётган атласларимизни кўриб, рангидан кўзим қувват олади.

1984 йили Салимахон Иўлдошева социалистик мусобақада ғолиб чиқиб, «Коммунистик меҳнат зарбдори» деган фахрли номга сазовор бўлди. Бу ҳам қаҳрамонликнинг бир кўриниши. Зотан, Салимахон опанинг ўзи ҳам Қаҳрамон оналаримиздан. У киши ўн фарзандни вояга етказиб, турмуш ўртоғи Мухторжон Мамажонов билан уларга яхши тарбия бериб келмоқда. Фарзандлари бўлмиш Каримахон, Комилахон, Насибахон, Санобархон, Марваридхон, Комилжон, Эркинжон, Тўлқинжон, Фотимахон, Гавҳархонлар ишлаб чиқариш корхоналарида ва мактабларда — ўқишда ва ишда муносиб фарзандлар сифатида камол топмоқдалар. Марварид ҳам бу йил ўрта мактабни битириб, онасининг касбини эгаллашни ният қилган.

— Салимахон опа фабрикамиздаги энг илғор тўқувчиларимиздан. Меҳнатдан чарчамайди, тиниб-тинчимайди, — дейди цех бошлиғи Муҳаммаджон Дадабоев.

— Корхонага худди кечагина келгандай ҳавас билан берилиб ишлайди, — дейди ўз навбатида цех мастери Алижон Комилов.

Бу гапларда жон бор. Салимахон опа Йўлдошева 1985 йил топшириқларини муддатидан олдин 1 ноябрдаёқ бажарди. Қўшимча равишда 1 минг 833 метр атлас тўқиб берди.

Салимахон Йўлдошева ишлаётган 3-цехда асосан хотин-қизлар меҳнат қиладилар. Зиёда Акбарова, Лаълихон Қосимова каби Салимахон опанинг шогирдлари, Турсунхон Жабборова, Холисхон Мамажонова, Марямхон Комилова сингари илғор тўқувчи ҳамкасабалари яратувчи ва бунёдкорлик меҳнати билан ўз корхоналари — Халқлар дўстлиги орденли Марғилон «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмаси шуҳратига шуҳрат қўшмоқдалар. Улар қаторида Қаҳрамон она ва коммунистик меҳнат зарбдори Салимахон Йўлдошеванинг хизмати ҳам алоҳида таҳсинга сазовор.

Исмоил МАҲМУД

Марғилон — Тошкент




Марғилондаги «Атлас» Аврли газламалар ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси, коммунистик меҳнат зарбдори, Қаҳрамон она Салима Йўлдошева (чапдан биринчи) ўз ҳамкасблари билан.

А. Киршин фотоси


Фарғона область, Қува районидаги «Коммунизм» колхози боғчасида.

Н. Муҳаммаджонов фотоси



Самарқанд Трикотаж фабрикаси тўқувчиси Мусаввира Жўраева.

Т. Горяева фотоси



Байрам кунлари.

А. Киршин фотоси



Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Ойбекка унинг уй-музейида қўйилган ҳайкал.

Амударё узра оқшом қўнмоқда.
Н. Муҳаммаджонов фотоси



ЖОЗИБАЛИ НАМУНА

Меросимизни ўрганамиз

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонгунча ўтган даврда қарор топган эстетик фикр, маданият ва адабиётимиз тарихи ўзбек классик шоиралари: Зебуннисо (1639—1706), Увайсий (XVIII аср охири — XIX асрнинг биринчи ярми), Нодира (1792—1842), Маҳзуна (XVIII асрнинг охири — XIX асрнинг биринчи ярми), Дилшоди Барно (1800—1905), Самарбону (1834—1894), Анбар отин (1870—1915), Нозима хоним (XIX асрнинг иккинчи ярми — 1920) сингари ўнлаб ижодкорлар қолдирган классик меросни ҳам ўз ичига олади.

Бинобарин, доҳиймиз В. И. Ленин: «Бутун кишилик тараққиётида вужудга келтирилган маданиятни аниқ билиш, уни қайтадан ишлаш орқасидагина пролетариат маданиятини қуриш мумкин эканлигини очиқ-равшан англамасдан туриб... бу вазифани ҳал қилиш мумкин эмас» лигини бизга уқтирган эди. Лекин ҳануз ўзбек халқининг ўтмишдаги эстетик мероси, жумладан, ўзбек классик шоираларининг эстетик қарашлари атрофлича ишлаб чиқилгани йўқ.

Шуниси эътиборга лойиқки, марҳум академик В. А. Абдуллаев, филология фанлари докторлари А. Ҳайитметов ва М. Қодирова, адабиётшунослар Тўхтасин Жалолов, А. Мухторов, фалсафа фанлари кандидати А. Ҳамроева, филология фанлари кандидати Ф. Ҳусаинова сингари олимларимизнинг илмий ишларида классик шоираларимиз бизга қолдирган эстетик меросни ҳам тадқиқ қилиш йўлида дастлабки материаллар тўпланган ва таҳлил қилинган. Бироқ булар билан кифояланиб қолмаймиз. Зеро, улар ўзбек классик адабиётининг ўзига хос, бутун Шарқда халқ эътирофига сазовор бўлган шоираларидирлар. Уларнинг ижоди ўзбек маданиятини олға силжитди ва бутун бир даврни ташкил этди. Уларнинг ижоди бетакрор бўлиб, юксак даражага кўтарила олганлиги учун ҳам, илмий жамоатчилик томонидан «мукаммал санъат асарлари» сифатида тадқиқ этилди, исботлаб берилди. Энг муҳими: ўзбек классик шоирлари мазлум халқ томонида, прогрессив позицияларда турдилар, эрк, эзгулик, гўзаллик, муҳаббат, донишмандлик, ҳақиқат, адолат, ижод, халқпарварлик, дўстлик, қардошлик, фидойилик, поклик сингари умумбашарий проблемаларни бадиий ва илмий йўсинда акс эттирдилар, шу орқали миллий маданиятни ҳам, умуминсоний маданиятни ҳам юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшдилар. Дилшоди Барно ифодаси билан айтганда:

«Ким?» дедим: «Нодира», — дедилар ани,
Енида Вайсий турар олампаноҳ.
Ҳар бири минг шоира ўрнидадур,
Иккави бирла тўлур ҳар боргоҳ.

Ҳақиқатан ҳам, ўзбек классик адибаларининг қудрати, мероси ва қарашлари ҳам миллий, ҳам интернационал бойликдир, уларни тадқиқ ва тарғиб этиш эса актуал масалалардан биридир.

Хуршид юзин тўсиб турар
қоронғу чодир,
Шул сабабдан еру кўкда ҳоким
асорат.

Барнолар зулматда, заъфарон
юзи,
Ғазаб қўзғаб, хазон бўлур ҳусну
латофат.

Бу мисралар Дилшоди Барно қаламига мансуб бўлиб, даврнинг аянчли руҳини ифода этиб турибди. Шунинг учун ҳам шоиралар ижтимоий асоратга, рўзғордаги чексиз итоаткорликка, зулмат ва ғайри нафосатга қарши бўлган эстетик ғояларни илгари сурадилар, эрк, адолат, ҳақиқат куйчиси сифатида майдонга чиқадилар. «Шоиралар ижодида, — дейди Маҳбуба Қодирова, — инсон руҳий дунёсининг чуқур ишланиши, адабиётда аёл психологияси ҳақида аёлнинг ўзи ёзиши жуда муҳим воқеа сифатида баҳоланади. Қолаверса, уларнинг ижодларида шахс эрки, маърифат ва озодлик мотивларининг куйланиши ҳам ўзига хос йўл билан боради».

Марксизм-ленинизм таълимоти умуман аёллар масаласига кенг кўламли, улкан, алоҳида тарихий масала сифатида қарайди. Бинобарин, ўзбек классик шоираларининг адабий мероси масаласи, умуман антагонистик жамиятларда аёллар турмуши, меҳнати, ижоди ва эстетикаси масаласининг бир мустақил таркибий томонидир.

Ўзбек шоираларининг эстетикаси уларнинг бой, ранг-баранг поэтик ижодида, шунингдек, уларнинг тарихий, ахлоқий, фалсафий рисолаларида мужассамлашгандир. Бу ўринда биз Зебуннисонинг «Зебут — тафосир» («Гўзал тафсирлар») ва «Зебунашот» («Нашъалар зийнати») рисолаларини, Дилшоди Барнонинг «Собит-ул башар» ва «Тарихи муҳожирон» («Башар матонати» ва «Муҳожирлар тарихи») номли тарихий рисолаларини, Анбар отиннинг «Қаролар фалсафаси» номли ижтимоий-сиёсий қарашлари акс этган рисоласини назарда тутаётирмиз.

Классик шоираларнинг эстетик принципларини таҳлил этар эканмиз, биз доҳий В. И. Ленининг антагонистик синфий жамиятда икки миллий маданият бўлиши, яъни золим синфлар маданияти ва прогрессив, халқпарвар маданият бўлиши тўғрисидаги таълимотига таянамиз. «Ҳар бир миллий маданиятда, — деб уқтиради Владимир Ильич Ленин,— гарчи ривожланмаган бўлса-да, демократик ва социалистик маданият элементлари бор, чунки ҳар бир миллатда меҳнаткаш ва эксплуатация қилинувчи омма бор, бу омманинг турмуш шароити муқаррар суратда демократик ва социалистик идеологияни туғдиради».

Маълумки, синфий жамиятда ҳар бир санъаткор, адиб, шоир муайян ижтимоий синф ёки гуруҳнинг идеологи сифатида майдонга чиқади, ўша синфнинг манфаатлари, дунёқараши ва идеалларини ўз ижодида акс эттиради. Бинобарин, ўзбек классик шоиралари ижодида улар яшаган даврнинг мураккаб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий воқеалари, идеологик, маданий, эстетик зиддиятлари ўз муҳрини қолдирган. Айтайлик, Ўрта Осиё чор Россияси томонидан қўшиб олингунгача яшаб ижод этган шоираларнинг эстетик қарашлари, бундан кейинги тарихий даврда ижодий фаолиятда бўлган шоираларнинг эстетик ғояларидан принципиал тафовутлари билан ажралиб туради. Дилшоди Барно эса, бу иккала даврда ҳам яшаб, ижод этгани учун унинг Ўрта Осиё Россияга қўшиб олинганидан кейинги асарларида исёнкорлик руҳи, илғор демократик тенденциялар фавқулодда бир куч билан намоён бўлади. Чунончи, Дилшод, ўзбекча «Тарихи муҳожирон» асарида Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилганлигининг прогрессив оқибатларини шундай баён этади: «Кейинги йиллар ўруслар оташарабо келтурғон сабаб осонроқ ўлуб уч марта юртум Ўратепага бориб келдим. Шаҳар ва деҳот харобазорлари филжумла осударроқ нафас олур, қадима дарвоза илан беркилмоқ ва оғир божи хирож йўқ бўлғон». «Ўратепага хатти муштоқона» сарлавҳали 1876 йилда битилган манзума мактубида Дилшоди Барно ёзади:

Эмди қўлдан-қўлга ўтмас
шаҳрингиз, қишлоғингиз,
Ўз ватанда ёр-оғайни жовидон
хуш бормисиз?

Шунингдек, ўзбек классик шоиралари реакцион феодал-сарой адабиёти ва диний мистик адабиётга қарама-қарши бўлган халқпарвар, демократик тенденциядаги прогрессив адабиётга мансуб эдилар. Улар ўз ижодида зулм ва қабоҳатни қоралайдилар, эзгулик ва гўзалликни, адолат ва озодликни, дўстлик ва муҳаббатни, мардлик ва жасоратни куйладилар.

Классик шоирларнинг эстетик қарашлари улар яшаган даврдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, сиёсий тартиботлар, хусусий мулкчилик билан тақозоланган. Айни пайтда шоираларнинг ижодий эътиқодларига халқ оғзаки ижоди, Навоий, Низомий, Ҳофиз, Хайём, Жомий сингари буюк устозлар мероси катта таъсир кўрсатган.

Халқпарварликни асосий эстетик принциплардан бири деб билган ўзбек шоиралари халқнинг икки ижтимоий синфга — бойлар ва камбағалларга бўлинишини яхши англаганлар, бойлар меҳнаткашларга зулм қилаётганини улар жасорат ила фош этганлар, яъни камбағаллар томонида бўлганлар.

Шоҳ қизи бўлсам-да, қилдим
фақир йўлин ихтиёр,
Бас менга бу зебу зийнат ким:
отим — Зебуннисо.

Увайсий аламдийдалар ва дардмандларга ҳамдард бўлади:

Меҳнату аламларга мубтало
Увайсийман,
Қайда дард эли бўлса, ошно
Увайсийман.

Самар Бону бундай деб куйлайди:

Бало ўқи ёғилса ҳар замон халқу
халойиққа,
Жаҳонда ҳар бало бўлса, ўзимни
рўбарў қилдим.

Анбар отин эса чоризм Ўрта Осиёга келгач, меҳнаткаш халқ икки томонлама, яъни маҳаллий бойлар ва чор чиновниклари томонидан шафқатсиз эзилганини ҳеч бир қўрқувсиз ёзади:

Қилич ёнига тўппонча қўшулуб,
ҳайбати ошди,
Ки, аксар пойлагувчилар ҳибсда
мотамсаро бўлди...
Аввало ўйланг: эл ичра зиндаги
қай хилдадир,
Икки ёқлиқ зулмни сиз айланг
ҳамиша эътироф.

Ана шундай исёнкорлик руҳидаги реалистик асарлар ижодкорлари бўлишларига қарамай, классик шоиралар бу синфий зиддиятларнинг туб сабабларини ва уларни йўқотиш йўлларини тўғри тасаввур эта олмас эдилар, буни улар феодализм шароитида билишлари ҳам мушкул эди. Шу боисдан улар, меҳнаткаш халқни зулмдан озод этишнинг, разолат ва хурофотдан қутулишнинг йўли, озодлик ва равнаққа эришишнинг йўли илму маърифатда, деб ҳисобладилар. Равшандирки, умуман олганда, ўзбек классик шоиралари эстетикаси бу маърифатчилик эстетикасидир.

Классик шоиралар эстетикасини тадқиқ этиш жараёнидаги асосий вазифалардан бири улар қолдирган адабий мерос доҳиймиз Карл Маркс сўзлари билан айтганда, «бизда бадиий завқ ҳосил эта олишини ҳамда улар маълум маънода норма ва эришиб бўлмайдиган намуна сифатида хизмат қилаётганини тушуниб олишдан иборатдир».

Ҳақиқатан ҳам, классик ўзбек шоиралари ижодиёти бугунги кунда, яъни ривожланган социализм даврида ҳам эстетик ва бадиий фаолиятда биз учун ўзига хос эстетик мезон ва жозибали намунадир.

Муножотхон НУРМАТОВА,
Тошкент Давлат маданият институти марксча-ленинча фалсафа кафедрасининг муаллимаси

Тошкент минораси

Улкан темиртан телеминора пойтахтимизнинг ҳамма даҳасидан ўз салобати билан кўзга ташланиб туради. Само билан бўйлашган замонамизнинг ушбу мўъжизаси ўзига хос меъморчилик комплекси ҳамдир. Унинг ташқи кўриниши шаҳримиз манзарасига кўрк бағишласа, ички ҳашами меъморчилигимизни янги жилолар, шакл ва шамойиллар билан бойитади. Шаҳримиз фахрига айланиб қолган бу иншоот жаҳондаги тўртинчи минора бўлиб, Париждаги 300 метрлик машҳур Эйфель минорасидан 75 метр баланддир. Яқинда ана шу телеминора шарофати билан пойтахтимизда бешинчи программа эшиттиришлари ҳам эфирга чиқа бошлайди.

«Ғалаба» истироҳат боғи яқинида қад ростлаган мазкур телеминора Ўрта Осиё ва Қозоғистонда ягона ҳисобланган телевизион узатиш маркази бўлибгина қолмай, балки тошкентликларнинг маданий ҳордиқ чиқарадиган севимли масканига ҳам айланиб қолди. Унинг юз метр баландликда жойлашган махсус кузатиш майдончасида туриб, ям-яшил пойтахтимиз манзараларини мириқиб томоша қилиш мумкин. Вақтингиз ва кайфиятингиз кўтарса, махсус тезюрар лифтлар кўз очиб юмгунча сизни мўъжизалар масканига элтиб қўяди. Кузатиш майдончасидаги «Зангори» ва «Қизил» деб номланган залларда бўлсангиз, дам олиб тамадди қилиб ўтирган ҳолда, махсус жиҳозлар ёрдамида бир соат давомида бутун шаҳар билан танишасиз. Энг қизиқарлиси шуки, бир боқишда шаҳримизнинг «Ўзбекистон» меҳмонхонаси билан «Москва» меҳмонхонаси оралиғидаги қарийб 5 километрлик манзарани томоша қилишга муяссар бўласиз.

Бу миноранинг қурилиши, албатта, осон бўлмади. 60-йилларнинг охири, 70-йилларнинг бошларида дастлабки лойиҳа ишлари бошланган эди. Лойиҳа билан бир қаторда бўлажак телеминора учун рельефнинг энг баланд нуқтаси ҳам танланди. Миноранинг ўзига хос миллий архитектурасини яратишда республикамизнинг етакчи меъморларининг тажрибаси катта ёрдам берди. Унинг ички безакларига шайдо бўлиб турган кузатувчининг нигоҳи аввало «Ғалаба» истироҳат боғининг оромгоҳларига, сўнгра, республикамиз Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси павильонларига тушади ва киши тасаввурида яхлит манзара ҳосил бўлади.

Телеминоранинг ички безакларини ҳамшаҳарларимиздан моҳир архитектор — В. Русанов, В. Ким, А. Бухорбоев амалга оширганлар. Минора вестибюлининг айланасига А. Бухорбоев «Менинг Ватаним» деб номланган монументал композицияни ишлади. Таниқли архитекторнинг бу иши услуб ва ижроси жиҳатидан жуда мураккаб бўлиб, моҳирона амалга оширилган. Асар, аввало, Ер ва Фазони акс эттиришга интилган рассом тафаккурининг бойлиги билан диққатга сазовордир. Рассом ўз оламини рангдор заррачалар — мозаикаларда ифода этган. Ўз мазмунига, такрорланмас гўзаллигига эга ҳар бир тош бўлакчалари меҳр билан танланган. Гўё табиат инсонга инъом этган барча ранглар шу ерда тўпландек. Бу ажойиб ранглар талаши яхлит бир композиция асосида моҳирона уйғунлаштирилган.

Ҳар қандай санъатнинг, айниқса амалий санъатнинг сеҳри бўлади. А. Бухорбоев ишида шу нарса кўзга ташланади. Рассомни фазо мавзуси бир зум бўлса-да тарк этмайди ва уни рельеф орқали пластик равишда акс эттиришга ҳаракат қилади. Барча доиралар, эллипслар, мураккаб чизиқлар, уларнинг ўзаро кесишуви ва боғланиши кенг кўламда ҳал этилган. Чексиз космик фазони ўзича талқин этган рассом аста она ер тасвирига ўтади. Ўзида гўё Ўзбекистонни акс эттирган аёлнинг қиёфаси сизни кошонага чорлаётгандек туюлади. Композициянинг бу қисмини Ўзбекистоннинг бутун табиий ва маънавий бойликлари тажассуми деса бўлади. Бунда пахта ва меъморчилик, етилган буғдой бошоқлари ва радио тўлқинлари ғаройиб равишда уйғунлашиб кетган. Муҳими шундаки, рассом буларни атайин ўйлаб топган эмас. Жанр қонуни шуни талаб қилади ва рассом бу қонунни сезгирлик билан илғай олади. Ҳар бир композициянинг марказида эса ҳақли равишда инсон образи туради.

Диққатга сазовор ишлардан бири вестибюль шифтига мармардан пардоз берилганлигидир. Чимёндан келтирилган, ишлатишга қулай бу тош интерьерларни безашда илк бор муваффақият билан қўлланди.

«Қизил» ва «Зангори» айлана залларнинг бадиий безатилиши ҳеч бир томошабинни лоқайд қолдирмайди. Бу залларни кўздан кечириб, иш жараёнида рассом Ирина Лепинани физикавий айланиш қонуни бир дақиқа бўлсин тарк этмаганига ишонч ҳосил қилдик. Юз метр баландликда ишлаган одам романтик хаёллар оғушида бўлиши турган гап. «Зангори» залда рассом дунёнинг турли томонлари: Шимол—Жануб—Шарқ—Ғарбни ҳар хил йўналишларда образли бадиий акс эттиради. Бу залларнинг бадиий безаги хусусида гап борар экан, Ўзбекистон ССР Маданият министрлигига қарашли таъмирлаш тажриба устахонасида архитектор Азамат Тўхтаев чизгилари асосида бажарилган ганчкорлик намуналарини муносиб баҳолаш керак бўлади. Умуман, зал интерьерида ёғоч ўймакорлиги ва ганчкорлик усулида бажарилган ишлар ўзининг миллийлиги, анъанавийлиги билан киши эътиборини жалб қилади. Шунингдек, Хаипжон Салимов бошлиқ ганчкорлар бригадаси ишлари, ўймакор Саидҳон Қосимов қўлида сайқал топган жилоли ёғоч эшиклар бадиий жиҳатдан маромига етган санъат асари даражасига кўтарилганлигини ҳам қайд этиш ўринлидир.

«Қизил» зал ҳам кузатувчи назарида яхлит асар сифатида намоён бўлади. Бу ерда рассомлар И. Лепина, В. Русановларнинг ижодий маҳорати шундай бир даражага кўтарилганки, уларнинг ҳар бир ифодаси борлиқни идрок этишда ўзига хос калит вазифасини ўтайди. Бир сўз билан айтганда, Тошкентнинг янги, улкан тимсолини кўз ўнгимизда намоён қилади.

Янги телеминорада давр шиддати, хусусияти ўз ифодасини топган. Биз ушбу минорани: пойтахтимизнинг янги тимсоли, дедик, чунки 1947 йил архитектор А. Муҳаммедшин лойиҳаси асосида қурилган «Тошкент куранти» хотирамизда пойтахт ёрлиғи сифатида ўрнашиб қолган эди. Ҳатто шаҳардаги кейинги ўзгаришлар ҳам унинг қиёфасига путур етказмади, аксинча салобат бағишлади. Янги телеминора ҳам замонамизнинг етук архитектура намунаси сифатида «Тошкент куранти» сафини тўлдирди, ҳатто пойтахтнинг янги тимсолига айланди. Гўё асримиз одамларининг фикр учқурлиги ана шу улкан иншоотда намоён бўлади. Унинг яратилишида Тошкент, Москва, Ленинград шаҳарларининг кўплаб коллективлари қатнашдилар. Эндиликда бу қудратли телеминора халқларимиз бузилмас дўстлигининг рамзи сифатида қалбларимизга ғурур бағишлаб тураверади.



Телеминора залларидан бирининг ички кўриниши.

В. Телегин фотоси

В. СТРИНЬКОВСКИЙ

(Боши 14-15-бетларда)

дилар. Абдуғаффор аканинг ўғиллари Абдуқаҳҳор, Абдуразоқ, Абдуғани ҳам ўз отасининг қўлида ҳунар ўрганиб, маҳоратли таъмирловчилар даражасига етдилар. Фарзандларининг айни бир вақтда Самарқанд Қурилиш ва архитектура институтида ўқишлари эса уларнинг ўз малакаларини назарий билимлар билан мустаҳкамлашлари учун қўл келди. Катта ўғли Абдуқаҳҳор эса навбат билан институтнинг иккита — инженер-архитекторлик ва архитектура-таъмирлаш факультетларини муваффақиятли тамомлаган қўш дипломли етук мутахассисидир.

Партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги билан мактаб таълими шу кунги талаблар асосида ислоҳ қилинаётган ҳозирги шароитда моҳир меъмор Абдуғаффор Ҳаққулов фаолиятининг яна бир ибратли томонини изоҳлашни лозим кўрамиз. Мана бир неча йилдирки, Самарқанд районидаги 44-махсус ҳунар-техника билим юртининг ўқувчиларидан бир гуруҳи Ҳаққулов устахонасида кошинкорлик ва таъмирлаш ихтисосини эгалламоқдалар. Уста ва унинг шогирдлари қўлида ҳунар ўрганаётган билим юртининг 38 нафар талабаси Нодирдевонбеги мадрасасини таъмирлаш ишларида қўлларидан келганча ёрдамлашдилар. Улар мадрасанинг расмий очилиш маросимига бағишланган ўша кунги митингда бизнинг замонда ҳалол меҳнат қилган кишини халқимиз, партиямиз қанчалик эъзозлашини кўрдилар. Бу, ҳунарнинг этагини энди ушлаётган ўша ёшлар учун ўзига хос ибратона дарс бўлди.

Самарқанд қурилиш ва архитектура институтининг тегишли факультетлари студентлари ҳам амалий машғулотларни Абдуғаффор Ҳаққуловнинг устахонаси базасида ўтказишлар. Улар билан амалий машғулотларни устанинг ўзи, тажрибали шогирдлари, ўғли Абдуқаҳҳор бевосита кўргазмали шароитда ўтказиш йўли билан ёшларга меъморчилик ихтисосларини ўргатмоқдалар.

Ўқув-ўқитув ишларини ихтисослаштириш жараёни билан уйғунлаштирган ҳолда олиб бориш мактаб таълими учун ҳаётий заруриятга айланган ҳозирги кунда бундай фойдали амалий ишларни Бухоро, Шаҳрисабз, Хева шаҳарларидаги таъмирчилик устахоналарида ҳамда Риштон, Китоб кулолчилик заводлари заминида ҳам кенг йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Биз уста Абдуғаффор Ҳаққулов фаолияти билан танишиш мақсадида Самарқандга борганимизда, у киши билан Нодирдевонбеги мадрасасини тиклаш-таъмирлаш жараёнлари қандай кечганлиги ҳақида суҳбатлашдик. Шунингдек, уста билан шаҳар айланиб, тарихий ёдгорликларни бирма-бир кўздан кечирдик.

— Нодирдевонбеги мадрасасини таъмирлаш учун давлат томонидан 1 миллион 119,5 минг сўм ажратилган эди, — дея салмоқлаб гап бошлади Абдуғаффор ака. — Биз ишни шошилмасдан пухта, лойиҳа чизмаларига ва Шарқ меъморчилиги қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда олиб бордик. Иложи борича ажратилган маблағни тежашга ҳаракат қилдик. Кетган харажатларни чўтга солиб кўрсам, барча қилинган ишларга 778,5 минг сўм сарфланибди. Йигирма кишидан иборат коллективимиз билан 339 минг сўмни тежабмиз. Бу, бизнинг иқтисодий ютуғимиздир.

Ҳа, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида ҳаққоний танқид қилинганидек, кўп минг сонли коллективларга эга бўлган баъзи завод ва корхоналар ўтган беш йилликда давлат олдида ортиқча харажатлар билан қарздор бўлиб қолганини кўз олдимизга келтирсак, меъмор Абдуғаффор Ҳаққулов бошлиқ кичик бир коллективнинг иқтисодий тежамкорликда эришган ютуғининг қанчалик муҳим ва салмоқли эканини яққолроқ тасаввур қиламиз.

Биз уста Абдуғаффор ака билан Улуғбек, Шердор, Тиллакори ва Бибихоним мадрасаларини айланганимизда у эътиборимизни бир нарсага тортди:

— Мадрасаларнинг тоқиларига бир синчиклаб қаранг-а, — деди у Улуғбек мадрасасининг бош пештоқига қўли билан ишора қилиб. — Ора-орадан нақшли кошинлар кўчиб тушган, ўрни эса шўралаб турибди. Кўчган кошинлар қадимийлари эмас, нисбатан яқинда — олтмиш еттинчи — олтмиш саккизинчи йилларда таъмирлашда қўйилганлари. Сабаби нимада?..

Уста шундай деди-ю хомуш тортди. У пешонасига кафтини қўйиб, мадраса тоқиларига, пештоқларига яна синчиклаб кўз югуртди.

— Бу иллат — бизнинг эски дардимиз, — дея Абдуғаффор ака ачиниш оҳангида ўз саволига ўзи жавоб қилиб гапида давом этди. — Кошинлар бизда мутлақо сифатсиз тайёрланади. Тупроқни тозалашда, унинг лойини пишитиш ва маҳсулотини пиширишда Шарқ меъморчилиги талабларига риоя қилинмайди. Маҳсулот сифатсиз, хом тайёрланади... — Ҳув анави пештоқнинг юқори қисмидаги нақшли кошинларга қаранг. Орадан 400—500 йил ўтибдиямки, ярақлаб товланиб турибди, кошинларнинг ҳаммаси бут. Бадиий таъмирлаш устахонасининг кулолчилик цехида кошинларни сифатсиз тайёрлашади-да, эл оғзига элак тутиб бўлмайди, деганларидек: «Усталаримиз ҳар қанча уринмасинлар, қадимгидек нақшли кошинлар тайёрлаб, ўрнига қўйишнинг уддасидан чиқолмаяптилар-да», деган айбни бизларга ағдаришади.

— Ҳали гапингизда тупроқни тозалаш деган иборани ишлатдингиз. Шу тушунчани кенгроқ изоҳлаб берсангиз, — қизиқсиниб устадан сўрадим.

— Келинг, яхшиси бу ташвишни бошидан тушунтириб бера қолай. — Уста шундай деди-да, мадраса адоғидаги узун курсига бориб ўтирди.

— Тан олишимиз керак, эл оғзидаги ҳалиги жумбоққа биз усталар ҳам узоқ вақт жавоб тополмадик, — рўпарадаги мовий гумбазга тикилиб салмоқлаб гапирарди Абдуғаффор ака. — 1974 йил эди. Ўша йили Улуғбек мадрасасининг ташқи сирти ковланди. Ўшанда пастки қатламдан нақшлари тиниқ бир дона кошин топилди. У узоқ йиллар тупроқ қатида ётган бўлса-да, сири мутлақо кўчмаган, сопол таглиги ҳам бут эди. Ҳамкасбларимизга кўрсатиб, пишиқлигининг боисини билмоқчи бўлдик. Лекин аниқлай олмадик. Шундан кейин мен ўша бир дона кошинни олиб Тошкентга, республика Тарихий ёдгорликларни таъмирлаш институтига келдим. Уни институт олими, кулолчилик санъатининг етук мутахассиси бўлган Муҳит Каримович Раҳимовга кўрсатдим. У киши кошинни синчиклаб текшириб кўрганларидан кейин бу кошин ангоб усулида тайёрланган, деб тушунтирди. Масалага янада аниқлик киритиш учун Ғиждувонга бориб, у ерлик машҳур кулол, уста Усмон отадан ҳам ҳалиги кошинни таҳлил қилиб беришни сўрадим. Уста ҳам Муҳит Каримовичнинг фикрини тасдиқлади. «Ангоб», «ангоб усули» деган тушунчани эшитганимдан кейин масала анча ойдинлашгандек бўлди. Нега десангиз, тоғли Нуротада Ангоб деган жой бор. У ҳар хил минералларга, айниқса, ачиқтошга бой. Қадим меъморчиликда ўша аччиқтошларни махсус тегирмонларда ун қилиб, ундан алифга ўхшаш (лекин оқиш рангли) суюқлик тайёрлаганлар. Шарқ меъморлари аввал кошин сиртига ўша ангобий суюқликдан сурганлар, у қуригач эса устидан рангли нақш сирларини юритганлар. Биз кўриб турган тарихий ёдгорликларнинг кошинларидаги нақшларнинг ўчмаслик сири ҳам ана шунда.

Самарқандда тарихий ёдгорликларни, меъморчилик обидаларини таъмирлаш ишлари қарийб 60—70 йилдан бери давом этиб келаётган бўлса-да, ҳанузгача шаҳарда дурустроқ бир кулолчилик заводи қурилмаганига тааҗжубланасан киши. Кулолчилик цехига эга бўлган бадиий таъмирлаш устахонасининг мутасадди ходимлари эса кошинларни уста Абдуғаффор Ҳаққулов айтган усулда сифатли қилиб тайёрлаб бермаяптилар. Кошинларни хумдонда пиширишга жараёни ҳам кўнгилдагидек эмас.


— Лойидан кошинлар тайёрланадиган тупроқнинг тузини ювиб йўқотиш зарурлигига мутлақо эътибор берилмаяпти, — деб куйиниб гапирди уста. — Бундан бир неча йил илгари шахсан ўзим шогирдларимни ёнимга олиб, кулолчилик цехи қошида лой қилинадиган тупроқнинг шўрини ювиш учун ёнма-ён учта бетон ҳовуз қурдик. Ҳовузнинг бирини тупроққа тўлдириб, устидан сув қуйиб, лойқани ҳовуздан ҳовузга оқиздик. Охирги учинчи ҳовузда уни қуритиб, лойини пиширдик ва ниҳоят, ундан кошин тайёрлаб ҳам кўрсатдик. Лекин ҳаракатимиз беҳуда кетди. Ҳануз тупроқнинг тузи тозаланмасдан ундан сифатсиз кошинлар тайёрланаяпти. Бу ҳақда жонкуярлик қиладиган бирор ғамхўр ташкилотчи топилмаяпти. Охир-оқибатда, ҳали кўрганингиздек, давлатнинг миллион-миллион сўмлаб маблағи ҳисобига таъмирланаётган ёдгорликларнинг сирли кошинлари ўн беш-йигирма йилда тагидан шўралаб кўчиб тушаяпти... Ҳа, кишилар айтмоқчи, мовий гумбазнинг сири биз усталарнинг эмас, балки маҳсулот тайёрлаб берувчиларнинг совуққонлиги билан ўзгалар тасаввурида сирлигича қолиб келаяпти.

Абдуғаффор устанинг куюнчаклик билан айтган бу гапларини берилиб тинглар эканмиз, КПСС Марказий Комитетининг партиямиз XXVII съездига қилган Сиёсий докладидаги қуйидаги қайдларни эсладик: «Бугунги кунда юксак сифат бўлмаса, фантехника тараққиётини жадаллаштиришнинг иложи йўқ. Конструкторлик ишларининг чалалиги, технологиядан четга чиқиш, сифатсиз материалларни ишлатиш, ёмон пардозлаш туфайли биз катта моддий ва маънавий зиён кўрмоқдамиз».

Ҳа, партия ва ҳукуматимиз бугун биздан, ҳар бир меҳнат коллективидан ўз ишини, кишиларнинг психологиясини ҳаётий талаблар асосида қайта қуришни, ташкилотчилик, меҳнатга муносабат масалаларида тубдан ўзгариш ясаш кераклигини қатъий талаб қилмоқда.

Узбекистон ССР Маданият министрлигининг Тарихий ёдгорликларни асраш бошқармаси, республика «Меъмор» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва шу идораларнинг жойлардаги тегишли муассасалари ўз фаолиятларини партиямизнинг бугунги талаблари асосида танқидий қараб чиқишлари ва шу асосда ишда тезроқ ўзгариш ясашлари лозим. Ана ўшанда мовий гумбазлар сири ҳам оммага тезроқ аён бўлади.

Шомурод СИДДИКОВ



Нодирдевонбеги мадрасасининг таъмирлангандан кейинги кўриниши.

Р. Ғафуров фотолари

МУҲАББАТ ЮЛДУЗИ



Муҳаббат!.. Бу буюк инсоний туйғу асрлар давомида авлодлар кўнглини яшнатиб, ҳар бир дилда янги оҳанг билан жаранглаб, ҳамиша инсонга олижаноб туйғулар бахш этиб келади. Муҳаббат қадимдан сўз санъатининг бош мавзуларидан бири — фольклор, бадиий адабиётни маънан озиқлантириб турувчи сарчашма ҳисобланади.

Дарвоқе, бу мавзу халқ яратган дурдоналарнинг ҳам мазмунини ташкил этади. Лирик қўшиқларнинг бош мавзуи: муҳаббат — қувонч бағишловчи висол онлари, ҳижрон азоблари... Жуда кўп эртакларимизнинг мазмуни — қаҳрамонларнинг не-не тўсиқларни енгиб ўтиши ва ўтда ёнмаслиги, сувда чўкмаслиги, қиличда ҳам чопилмаслиги — ҳаммаси муҳаббат туфайли... Қаҳрамонлик достонларидаги етакчи мазмуннинг асосий ифодаси ҳам муҳаббат орқали сайқал топади. Зеро, инсон ҳаёти ва умрининг маънавий мезонларидан бири — муҳаббат, садоқат, вафодорликдан иборат. Муҳаббат ўртоқлик, дўстлик, оила, ота ва оналик бурчи, фарзандлик бахту иқболи каби инсоний идеаллар билан боғлиқ. Бинобарин, муҳаббатнинг инсон маънавий қиёфасини бойитувчи, эзгуликка ундовчи омил эканлигини ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси «Алпомиш» достони мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ўзбек халқ ижодининг нодир намуналаридан бўлмиш «Алпомиш» қаҳрамонлик эпосида соф муҳаббат ва вафодорлик, дўстлик ва бародарлик, қаҳрамонлик ва мардлик, эл-юртга садоқат, хотин-қизларни улуғлаш каби юксак ва гўзал инсоний фазилатлар тараннум этилади.

Достонда баҳодирлик ва маънавий гўзалликнинг олий намуналари, хусусан аёллар — Барчин ва Қалдирғоч образларида мукаммал намоёндир. Бу ҳол достоннинг башарият яратган асарлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашига тўла ҳуқуқ беради. Бежиз эмаски, «Алпомиш» достонида эпосга хос ҳаётнинг, ижтимоий ва маънавий муносабатларнинг, халқ турмуши ва одамларининг жуда кўп қирралари қамраб олинади ва талқин этилади.

Барчин ва Қалдирғоч образлари достон мазмунида ва композициясида катта ғоявий ва эстетик мақсадларни очишда муҳим ўрин тутади. Хусусан, Барчин образи воқеалар тизмаларида, ривожланишида, достон конфликтининг ҳал бўлишида катта аҳамиятга эга. Шу боисдан у воқеалар билан бирга ривожланиб боради. Умуман, «Алпомиш» достонида хотин-қизлар образи нозик бадиий бўёқларда гўзал ҳамда эҳтиросли тасвирланиши билан тингловчига, китобхонга бадиий-эстетик завқ беради.

Барчин ҳамиша достон марказида турувчи, сюжет ривожи билан композицион қурилишининг мукаммаллашишида ва ечимда ҳал этувчи образдир. Бойбўрининг ўз укасига закот деб элчи юбориши, Бойсарининг Кашалга кўчиши Бойсари қабиласининг алплар зулми остида қолиши, Алпомишнинг қалмоқ полвонлари билан баҳодирона олишувлари, муҳаббат шартлари, зўравон алпларнинг қирилиши ва маҳв этилиши — ҳамма-ҳаммасида Барчин марказда туради ва шу образ сабаб бўлиб воқеалар ривожланади. Барчин достонда воқеадан-воқеага ўтган сари китобхон кўз олдида ақлли-ҳушли, оилапарвар, ватанпарвар, ўз элининг қаҳрамон бир қизи сифатида мукаммал гавдаланади.

Абзаллаб келтирдинг ҳайвон тўриқди,
Бул кўчишинг, эна менинг шўримдир (р),
Заъфарондай сўлдирмагин юзимни,
Қалмоқ бориб қўлдан берма қизимгини,
Йиғлатдинг, энажон, мендай санамни,
Келиб кўролмайман мактаб жўрамни.

Барчин Бойсун-Кўҳғирот юртидан шундай деб, армон билан кетади. Аммо у «элат билан юрмоқ лозим» бўлгани учунгина, элатни ва элатдошларини кўзи қиймаганидангина эл билан бирга Кашалга кетишга мажбур бўлади. Бу ўринда Барчин ҳамиша халқ билан бўлишни ўз бурчи деб билган қиз сифатида кўринса, қалмоқ юртида, алплар талашида қолганда тонг қоларлик даражада жасурлик кўрсатади. Тойчахоннинг тўқсон алпи — ҳар куни тўқсон шербознинг этини таътил қиладиган алплар Барчинни «гоҳ бири олмоқчи, гоҳ бари олмоқчи» бўлиб талашиб, элибойларга зўрлигини кўрсатиб турган бир пайтда, юрт оқсоқоллари Бойсарига бу муаммоларни кўндаланг қўйиб:

Хон Бойсари, эшит айтган сўзимди,
Бу алпларга бошлаб келган ўзингдир,
Тортинмай беравер энди қизингди, —

деб қутқу солаётганда, Барчин:

Хафа қилма, ота, мендай қизингди,
Қўябер алпларга менинг ўзимди,
Қалмоқларга жавоб бермоғим даркор.
Ул алпларга мен бўламан баробар...
Жазосини кўриб кетсин қалмоқлар,
Қалмоқларга гапирмоққа ярарман, —

деб ўз ихтиёрини, яъни инсоний ҳуқуқини ўз қўлига олади, аёллик шарафини, иффатини ҳимоя қилишга қодир эканлигини намоён этади.

Барчин ёвларга қарши вафо, садоқат, инсоний ҳуқуқ, элат номи билан жанг қилади, уларнинг маънавий жиҳатдан тубан эканликларини исбот этади.

Барчин қалмоқ элида бегоналар ўртасида талаш бўлиб қолганлигини Алпомишга ўзи хабар қилади, уни интиқ бўлиб кутади. Алпомиш етиб келиб Қоражон орқали ўзидан хабар берганда, Барчин шошилмайди. У Алпомишнинг севгисини, садоқатини, мардлигини, эл хизматига яроқли эканлигини синовдан ўтказмоқчи бўлади. Шу учун тўртта шарт қўяди. Бу шартлар баҳодирлик шартлари, синов шартлари, муҳаббатга содиқлик шартлари эди. Бу шартларнинг илдизлари қадимиятга бориб тақалади. Қадимги саклар ва массагетларда қизлар ошиқ йигитларга шартлар қўйганлар. Жумладан, саклар ва массагетларда ошиқ йигит катта кураш майдонида қиз билан курашга тушган. Агар қизни йиқитса, уйланган, йиқитолмаса, қизга етишмоқ унга насиб бўлмаган. Бу никоҳ шартлари йигитнинг баҳодирлигини синаш учун хизмат қилган. Барчин ўз шартларини шундай ифодалайди:

Бобохон тоғидан пойга қиламан,
Кўздан ёшин мунчоқ-мунчоқ тиздирса,
Қўшқанотнинг қуйруғини сиздирса,
Бобохондан пойга қилиб ўздирса,
Оти илдам эр йигитга тегаман.

Яъни, Барчин остидаги оти илдам, ўзи ҳамиша жангга, ватанга, ёр ҳимоясига тайёр йигитни маъқул кўради. У яна шундай дейди:

Минг қадамдан танга пулни урганга,
Мен тегаман шу қарчиғай merганга.

Зеро, бундай йигит, албатта, эл, ватан учун зарур посбон ва чинакам ёр бўла олади.



Барчиной.



Алпомиш.

В. КАЙДАЛОВ

ШАРҚШУНОС ОЛИМ

Барчин навбатдаги шартида ғанимларга мутлақ омон бермайдиган, азамат йигитнинг тимсолини баён қилади:

Саваш бўлса бул шубониб чиққанга,
Кураш қилиб тўқсон алпни йиққанга,
Мен тегаман нор билакли полвонга.

Барчиннинг тўртинчи шарти шундай эди:

Ей тортишса ёйи синмай қолганга,
Мен тегаман шул ёндоз полвонга.

Ана шу тўрт хислатга эга бўлган йигит унинг назарида мукаммал, эл хизматига камарбаста йигитдир. Алпомиш ана шундай йигитларнинг тимсолидир. Бу тимсолнинг юзага келишида, бўйбасти билан идеал қаҳрамон бўлиб гавдаланишида Барчиннинг муҳаббатни улугловчи шартлари катта аҳамиятга молиқдир. Агар Барчиннинг унга мойиллиги, севгиси бўлмаганида, шу севги уни қаҳрамонликка ундамаганида, Алпомиш тўқсон алп билан олишувда тўрт шартни бажара олмасди, шубҳасиз... Бойчибор йўлда қийналиб Кўкдўнандан ўзолмай келарди. Барчин бу аҳволни кўриб, Бойчиборга «қурр-ҳайт»лайди. Бойчибор Барчиннинг илтижою ноласини эшитиб, сувлиғини тишлаб, тизгинини узади, Кўкдўнандан ўзади. Барчиннинг садоқати шунчаларки, тенги билан бўлмоғи, ўз севгинига эришмоғи учун отнинг олмосдай туёғини кўксига қўймоққа, унинг учун сочини супурги қилмоққа тайёр. Унинг бу садоқати Бойчиборга — «ҳайвонтўриққа» ҳам таъсир қилади.

Бахши Барчиннинг муҳаббатию садоқатини жуда мухтасар, лекин гўзал бир манзара билан кўрсатади:

Аҳмоқ қалмоқ отга зулм қилибди,
Менинг учун ҳайвон азоб кўрибди,
Шул мих билан Бобохондан келибди...
Туёғига неча пичоқ урибди...
Пўлатни эритар қиаларнинг дами,
Барчинойим кўриб ўйлаб туради,
Урган михи ялпоқ тизга боради.
Чорсисин туёққа ёзиб солади,
Гул михларни тишлаб суғуриб олади.

Алпомишга Барчиннинг шердил қилувчи сўзлари, эзгу, ёниқ муҳаббати кейин ҳам йўлчи юлдуз бўлди. Шу сўнмас муҳаббат туфайли Алпомиш энг машаққатли довонлардан ошиб, ўз юртига омон келди.

Халқ томонидан яратилмиш асарлар ҳеч қачон заминдан узилмаган, балки ҳаётий асосга эгадир. Тарихда Барчин сингари аёллар кўп бўлган. Ҳозирги даврда эса чўл ва қўриқ ерларни ўзлаштиришда ҳатто йигитларга ўрнак бўлаётган, завод ва фабрикаларда меҳнат билан донг тараташётган, Иттифоқ миқёсидаги йирик комсомол объектларини қуришда фаол иштирок этаётган қизларнинг ҳар бирида Барчин тимсолини кўриш мумкин.

Хуллас, «Алпомиш» достони чинакам инсоний муҳаббатга қасида, Барчинга ўхшаш ҳозирги давр қизлари эса ўнлаб достонларга арзигулик қаҳрамонлардир.

Саодат ЙЎЛДОШЕВА,
филология фанлари кандидати

Фан — халқ хизматида

— 1941 йили машъум уруш бошланганида Андижон областининг Қўрғонтепа районидаги тўлиқсиз ўрта мактаблардан бирида хизмат қилар эдим, — деб эслайди Бўрибой ака. — Тенгқурларим қатори она-Ватан ҳимоясига отландим. Кўплаб жангларда қатнашишга тўғри келди, аммо Сталинград остонасидаги ва Курск ёнидаги жанглар ҳаммасидан ҳам шиддатли бўлди...

Еш жангчи Бўрибой Аҳмедов Курск ёнидаги жангнинг айни қизғин палласида (1943 йилнинг июль ойида) взвод командири, рота комсорги эди. Уша кунлари у КПСС аъзолигига номзод қилиб қабул қилинди. У жангларнинг бирида оғир жароҳатланиб, госпиталда даволанишга мажбур бўлди. Соғайгач, яна жангга отланди...

Собиқ жангчи уруш хотираларини, айниқса она-Ватан ва халқ озодлиги йўлида курашган ҳар бир киши — ҳаётдан кўз юмгани ҳам, тириги ҳам бизнинг мамлакатда иззат-ҳурматда бўлишидан, уларнинг хизматларини, хотирасини ҳеч ким, ҳеч қачон унутмаслигидан фахрланиб гапиради. Зеро, совет халқларининг қардошлиги, бирдамлиги Улуғ Ватан уруши жангларида янада мустаҳкамланганлигини қайта-қайта таъкидлайди у:

— Уруш даврида кишиларнинг бир-бирига ишончи, совет халқларининг бирлиги янада мустаҳкамланди. Турли миллатлардан бўлган кишилар орасида ўзаро дўстлик, ҳамкорликнинг ажойиб тимсоли юзага келди. Биз Ўзбекистон фарзандлари учун қардош Россия, Украина, Белоруссия ерлари ўз юртимиздай қадрдон ва муқаддас эди. Турли совет миллатларидан ташкил топган Армиямиз қисмлари аҳоли яшайдиган жойлардан ўтаётган вақтларида кўчаларга иссиқ овқат олиб чиқиб, жангчиларни сийлаган рус, украин ва белорус аёлларини кўп кўрганман. Биз жангчилар йўлда кетаётиб уларнинг таомларидан баҳраманд бўлганмиз. Қолаверса, урушдан кейинги меҳнат ва илмий фаолиятимда эришган муваффақиятларимда Улуғ Ватан урушининг ҳаётий сабоғи муҳим ўрин тутади.

Дарҳақиқат, Улуғ Ватан уруши инвалиди Бўрибой Аҳмедов урушдан кейин Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти илмий ходими, аспирант, илмий котиб, бўлим мудири вазифаларини адо этар экан, ўзининг меҳнатга жиддий муносабати, ҳарбий иродаси билан ажралиб турди. Тинимсиз изланиш ва меҳнат туфайли Бўрибой Аҳмедов 1961 йили халқимиз тарихини ўрганиш бўйича олиб борган тадқиқоти юзасидан кандидатлик, 1974 йили эса докторлик диссертацияларини муваффақиятли ёқлади.

Олимнинг йирик рисолаларининг ҳар бири алоҳида суҳбат мавзуи бўла олиши мумкин. Масалан, унинг «Кўчманчи ўзбеклар давлати» номли йирик китоби (Москва, 1965 йил) совет ва чет эл тарихчиларининг эътиборини ўзига жалб этди. Шунингдек, 1982 йили чоп этилган «Балх тарихи» (рус тилида) рисоласи ҳам кенг илмий жамоатчилик тамонидан яхши кутиб олинди. Олимнинг қаламига мансуб Ўрта асрнинг атоқли олимлари Мирзо Улуғбек (1965 йил), Ғиёсиддин Хондамир (ўша йили), Давлатшоҳ Самарқандий (1967) ва бошқалар тўғрисидаги алоҳида рисолалари муҳим илмий қимматга эгадир.

Ўрта асрларда яратилган ноёб ёзма манбаларни нашрга тайёрлаш, баъзиларини таржима қилиб, илмий изоҳлаш борасида ҳам олимнинг ҳиссаси каттадир. У XVI аср тарихчиси Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдулланома» номли йирик асарининг биринчи ва иккинчи жилдларини нашрга тайёрлашга бошчилик қилди. Муҳим тарихий ва географик манба, XVII аср олими Маҳмуд ибн Валининг «Баҳр ул-асрор» («Сирлар денгизи») номли асарини форс тилидан рус тилига таржима қилиб, зарур илмий изоҳлар билан 1977 йили чоп эттирди. Шунингдек, улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ташаббуси ва ҳомийлигида Давлатшоҳ Самарқандий томонидан яратилган «Тазкират уш-шуаро» («Шоирлар зикрида») номли асарини ҳам форс тилидан ўзбек тилига таржима қилиб, шоирлар тўғрисида қўшимча маълумотлар иловаси билан 1981 йили эълон қилдирди.

Истеъдодли олим қаламига мансуб икки юздан ортиқ мақолаларнинг баъзилари ўз салмоғи, кўтарилган муаммоларнинг муҳимлиги, илмий муаммоларга олиб киритилган мўътабар қўлёзма манбалар қиммати нуқтаи назаридан аҳамиятлидир. Айрим мақолаларнинг чет элларда ҳам чоп этилганлиги фикримиз тасдиғидир. Бинобарин, унинг «Ўзбек халқининг келиб чиқишини ўрганишда ёзма ёдгорликларнинг роли ҳақида» номли мақоласи алоҳида диққат-эътиборга лойиқ. Чунки унда ўтмишдан қолган нодир қўлёзма асарларнинг халқимиз тарихини ўрганишдаги илмий аҳамияти атрофлича талқин қилинади. Агар биз, жаҳон маданиятига муносиб ҳисса қўшган атоқли алломалар Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва бошқаларни етказиб берган халқимиз этногенези ҳалигача атрофлича ўрганилмаганини назарда тутсак, мақола келгуси тадқиқотлар учун алоҳида илмий қимматга эгадир. Шу муносабат билан олимнинг халқимиз тарихини ўрганиш муаммоси тўғрисидаги фикрини билмоқчи бўлдик.

— Бу жуда мураккаб, жуда жиддий муаммо, — деди у чуқур ўйга толиб. — Уни бир ёки бир неча мақола, ҳатто битта рисола яратиш билан атрофлича ҳал қилиб бўлмайди. Катта сиёсий, илмий ва амалий аҳамиятга эга бу масалани атрофлича ўрганишда бир неча ижтимоий фан намояндалари, жумладан, археологлар, тарихчилар, этнографлар, тилшунослар, иқтисодчилар, файласуфлар ва шарқшунослар ҳамкорликда тадқиқотлар олиб боришлари лозим.

Дарҳақиқат, Ўрта аср тарихини ўрганиш ўзига хос мураккабликларга эга. Тадқиқотчи бир неча тилни эгалламоғи, қолаверса, ўша давр ёзма ёдгорликларини мутолаа қила билмоғи керак. Тарихий манбалардаги фактларга, маълумотларга эҳтиёткорлик билан ёндашиб, уларни бошқа манбалардаги фактлар билан қиёсий ўрганиш натижасида хулоса чиқармоғи зарур.

Бўрибой Аҳмедов — ана шундай синчков олимлардан. Зеро, у катта ҳаёт йўлини босиб ўтди. Мактаб ва университет аудиторияларида пайдо бўлган илмга ташналик Бўрибой Аҳмедовни катта илм даргоҳига бошлаб келди. У ўз кўзлаган чўққисини забт этиш мақсадида илм-фан маркази, инқилоб бешиги бўлган Ленинград шаҳрида таълим олди. И. П. Петрушевский, В. И. Беляев, А. Н. Болдирев сингари машҳур олимлардан кўп нарсаларни ўрганди. Унинг диссертациялари ҳам Ленинград Давлат университетининг Шарқ факультетида ёқланди.

Собиқ жангчи ва етук олим ўзи салафлардан ўрганиш билан бирга, ҳозир Ўрта аср тарих фани соҳасида юқори малакали кадрлар етказишда ёшларга меҳрибон устоз сифатида ҳомийлик қилаётир. Унинг шогирдларини фақат республикамизда эмас, қардош Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонда, ҳатто қўшни Афғонистонда ҳам учратиш мумкин. Ҳозир унинг раҳбарлигида ўнга яқин шогирдлари турли мавзуларда муваффақиятли илмий изланишлар олиб бормоқдалар. Биз ҳам олимнинг эзгу интилишларига тилакдошмиз.

А. МАДРАИМОВ

1 Июнь — болаларни ҳимоя қилиш халқаро куни



Қутби НОСИРОВА

БОБОЖОН

Орденингиз тақинг, бобожон,
Сиз юрганда ярақлаб кетсин.
Баҳодирлик йилларингиздан
Болаларга ҳикоя этсин.

Орденингиз тақинг, бобожон,
Бир кўрсатай ўртоқларимга.
Эслатсин у қонли жангдаги
Ғазабингиз қабиҳ ғанимга.

Орденингиз тақинг, бобожон,
Ғалабадан куйласин бугун.
Сўзлаб берсин уруш даҳшатин
Қандай келган ушбу бахтли кун.

Орденингиз тақинг, бобожон,
Байрамларни хабарлаб турсин.
У бир тинчлик қўнғироғидай
Кўксингизда жаранглаб турсин!

СЕҲРГАР БОЛА

— Кўзойнагим қайда?
— Мана, бувижон, мана.
— Ҳассам қолибди қайда?
— Мана, бувижон, мана.
— Ерга тушди-да игна.
— Топдим, мана, бувижон,
— Ҳар нарсани топар бу
Бўйларингга гиргиттон.
— Ҳа, нимани айтсангиз
Зумда топа оламан.
Билиб олинг, бувижон,
Мен сеҳргар боламан.

Омон НИЕЗ

* * *

Емғир шаррос қуйиб қолар,
Қочиб қолар тирик жон.
Емғирдан сўнг қуёш ёнар,
Гулда томчидан маржон.

Бир қарасанг: мўъжиза —
Камалаклар турланар,
Солиб кўкка овоза
Учиб қолар турналар.

* * *

Чарақлаб чиқар офтоб,
Оламга ранг бергани.
Боққа боради Моҳтоб
Қизғалдоқлар тергани.

Ўйнайди шўх капалак,
Гулдан гулга қўнади.
Кўк бошида камалак
Сал эгилиб кулади.

Саодат ТОЖИ

Биз — тинчлик болалари,
Тинчлик керак оламга.
Уруш — тўполон эмас,
Бахт тилаймиз одамга.

Ота-боболаримиз,
Уруш заҳматин кўрган:
«Аҳил яшанг ҳаётда,
Урушманглар ҳеч», — деган.

Қирқ биринчи йилларнинг
Хотири — ҳар қадамда.
Қанча азизларидан
Жудо бўлган одамлар.

Бомбалар кимга керак —
Хавотирли кўнгиллар.
Ажал топди не сабаб
Ливиялик қиз, ўғиллар?!

Ахир, одам келмаган
Дунёни бузиш учун.
Инсон келган ҳаётга
Тинч турмуш тузиш учун.

Биз болалар эртанинг
Умиди, ифтихори.
Бугундан бошланади,
Келажакнинг баҳори.

Кўрмасин зинҳор одам
Жудолик нолаларин.
Бугун ҳамма ўйласин
Жаҳоннинг болаларин!

Инсон меҳрга ошна,
Шод этайлик дилларни.
Тинчлик бўлсин барқарор,
Дўст этайлик элларни!

Қамаши райони

Қамбар ЎТАЕВ

МАКТАБ БОҒИ

Тажриба бригадасин
Туздик колхоз ерида.
Боғ ҳосилга кирди-ку
Пешонамиз теридан.
Мевалию мевасиз
Дарахтлардан ўтказдик.
Ниҳолларнинг сонини,
Яна мингга етказдик.
Ўрмончилик, боғбонлик —
Табиатга қизиқиб,
Ўқувчилар ўсади
Фан йўлида чиниқиб.
Япроқчалар яшнаб соз,
Еллар билан қилар баҳс,
Мевасизу мевали —
Дарахтлар бир шевали.
Бир гуруҳ ўғил-қизлар
Расм чизар, куйлашар.
Чолғучи, шоир, рассом —
Бўлиш сирин ўйлашар.
Мақтамай қўяқолай
Ҳосилнинг лаззатини.
Завод сари йўлловдик:
Ичгансиз шарбатини.

Рауф ТОЛИБ

* * *

Оқлаш учун ўзимни
Сенга сўзладим ёлғон.
Қалин қилиб юзимни
Қутулиб кетдим осон.

Сени кўрмай деб ўртоқ
Қочиб юраман ҳамон.
Елғиз қолганда бироқ
Ўзимдан қочай қаён?

Ўзимни алдай қандоқ?
Найранглар ҳам келмас қўл.
Дилни эзади қийноқ,
Қутулмоққа борми йўл?

Елғон сўз — гўё рақиб,
Мендан тинмай олар ўч.
Қайга бормай ҳамиша
Мен ўзимга келдим дуч.

Қийналдим, очилди кўз,
Оғайни, мени кечир.
Билмас эдим, ёлғон сўз
Бўларкан шунча оғир.

* * *

— Ким бўлмоқчисан, Омон?
— Бўлсам дейман қаҳрамон.
Кўрсатсам зўр жасорат,
Кулиб боқса бахт-омад.
Танилиб кетсам элга,
Тушсам оғизга, тилга...
Юрагин ёқиб орзу,
Нуқул хаёл сурар у.

Омонга дейди Қудрат:
— Юргил, экамиз кўчат!
— Борар эдиму бироқ
Сира вақтим йўқ, ўртоқ!
Сўнг ўйлар: «Кўчат экиш,
Эмас-ку бир катта иш?»

Бир куни деди Даврон:
— Омонбой, ишлар ёмон!
Қуртлар шошириб қўйди,
Барг, барг, барг дейди.
Юр, мен-ла сен ҳам боргин,
Келтирамиз тут баргин.
— Бор, бор, йўлингдан қолма,
Менинг вақтимни олма.

Халил дер: — Сурмай хаёл
Қани, юргил, бўлақол!
Колхозга бериб ёрдам
Олча терамиз, ошнам.

— Гапларинг хўп қизиқ-ку,
Қаҳрамонлик эмас бу!
— Ўзинг айт, ялқов қачон
Бўлган ахир қаҳрамон?



Турғунбой ҒОЙИПОВ

ХАРСАНГ

ЭРТАК

Бир бор экан, бир йўқ экан, шаҳар четида катта харсангтош бўлиб, у бекорчиликдан зерикиб ётаркан. Жуда димоғдор бўлгани учун бирон таниши ҳам йўқ экан.

Кунлардан бир куни тегирмон тоши ясайдиган чол келиб, унинг соясида дам ола бошлабди. Қўли гул уста ясаган тошларни олисолислардан одамлар келиб сотиб олишар экан. Аммо уста яшайдиган қишлоқда сув йўқлиги учун тегирмон ҳам қурилмаган экан. Қишлоқ аҳли дон тўлдирилган қопни эшакка ортиб довон ортидаги тегирмондан ун торттириб келарканлар. Дам олиб ўтирган уста ҳамқишлоқларининг мушкулини осон қилиш учун сув қидириб юриб, шу ерга келиб қолган экан. Чол дам олиб бўлиб, энди жўнашга отланганида, бирдан... сувнинг шилдираган товуши эшитилгандай бўлибди. Ажабланиб у ёқ-бу ёққа қарабди, ётиб, ерга қулоқ солибди. Кейин қувончдан юраги ўйнаб, қишлоғи томон ошиқибди. У тўхтовсиз: «Сув, сув», деб бақириб кетаверибди. Мағрур харсангтош устанинг аҳволидан кулибди: «Оёғим остидан топилган жиндек сувга шунча ҳовлиқади-я, бу одам, вой тавба!»



Кўп ўтмай, уста ҳамқишлоқларини харсанг ёнига бошлаб келибди. Улар курак, кетмон билан тошнинг атрофини қазиб, сув йўлини очишибди. Бир тегирмон сув қайнаб, тошиб, водийга оқабошлабди. Уни қишлоқ томонга бурибдилар. Сувдан экинзорлар, дарахтлар, гуллар яшнаб гўзаллашибди. Кишилар, қушлар — барча сувни ардоқлаб қўшиқ тўқишибди:

Қайнар булоқ хасис эмас,
«Нега сув ичдинг?» — демас,
Оқар ўйнаб, тиним билмас,
Гавҳар кони сувга раҳмат!

Ана шундан кейин уста ҳамқишлоқлари билан биргаликда харсангтошни йўниб, ундан тегирмон тош ясабди. Сув бўйида тегирмон қуриб унга тегирмон тошни ўрнатибдилар. Тегирмон гуриллаб ишга тушиб кетибди. Ешу қари шод-хуррам бўлиб, унинг атрофида ўйин тушибди. Уларнинг хурсандчилигини кўрган харсангтош:

— Мана, биз ҳам одамларга фойда келтираяпмиз! — деб севинибди. Хуллас калом, харсангтош ҳаётда ўз ўрнини топибди.

БОҒБОН

«Боғистонга янги бошқарувчи тайинланибди, жуда қаттиққўл эмиш». Бу гап тарқалганига ҳафта ўтмай, Мамажон отани идорага чақиртиришди... Ота томорқадаги зарур юмушларини тўхтатди-да, идорага ошиқди. Бошқарувчи ҳузуридаги икки бригадир билан чақчақлашиб ўтирарди. Унинг:

— Бобой, сиз кўчага чиқа туринг, ўзим чақиртираман, — дегани Мамажон отани остонага михлаб қўйди. Бошқарувчининг ёнида ўтирган бригадирлар эса, кўлларини кўксига қўйиб:

— Э, келинг, Мамажон ота, сиз бемалол кираверинг, биз кўп ўтириб қолдик, — дея ўринларидан бараварига қўзғалишди. Бошқарувчи эшикда турган қарияга тикилди. Шу пайт унинг хаёлидан: «Юзларини тиканак соқол қоплаган, уст-боши юпун, юриш-туриши ҳам ғариб бу чолни мунча иззатлашмаса булар. Бунинг устига, у кўнгли хоҳлаган жойдан ер эгаллаб, шахсий манфаатини ўйлаб ётган бўлса...» деган фикр ўтди.

— Мамажон Саидов сизмисиз?!

— Ҳа, мен бўламан, хизмат?

— Муғамбирлик ҳам эви билан-да, бобой! Қилар ишни қилиб қўйиб, яна «хизмат?» дейсиз-а! — энсаси қотиб, четга қаради бошқарувчи.

Мамажон ота дарҳол жавоб бермади-да, вазмин одимлаб, бошқарувчининг қаршисидаги стулга оҳиста чўкди. Қаршисидаги тоғдек гавдали, беўхшов одамнинг йилтираб турган кўзига истеҳзоли тикилди.

— Агар осмон қўлингизда бўлса, ташлаб юборинг-у, одамни бунақа беҳурмат қила кўрманг! Сизларда қандайлигини билмадим, аммо бизнинг таомилда: келган киши билан аввал сўрашилади, ўтиришга жой кўрсатиб, ҳол-аҳвол сўралади...

Бошқарувчи қаршисида насиҳатгўйлик қилаётган чолга қаҳр билан қаради-ю, эти сесканиб кетди: ҳали ғарибгина кўринган чолнинг қадди-қомати ростланиб, кўзида қаҳрли учқун чақнаб турарди.

Бошқарувчи сир бермай зўраки ўшқирди:

— Менга ақл ўргатаверманг! Жа, ҳаддиларингдан ошиб, бебошвоқ бўлиб кетган экансизлар! Ноқонуний эгаллаб ўтирган ерингиздаги дарахтларни шу бугуноқ трактор да суғуртириб, ўрнини ҳайдатиб ташлайман!..

— Аввалambор, қонун бузилган эмас. Мендан ўтган айб шуки, ёнғоқзор этагида бекор ётган қияликка тут кўчатлари, чекка ларига эса ёнғоқ кўчатлари экдим. Сиз бошқарувчиликка тайинланган мана шу қишлоқни Боғистон дейдилар. Боғбонлик бизларга ота касб. Бу иш билан машғул бўлиш эмас, ҳатто боғдорчиликка қайишмаслик ҳам айб саналади бу ерда. Кўриб турганди рсиз: қишлоғимизнинг чор тарафи қиялик, бу ерларда юриш ҳам ўнғайсиз. Шунга қарамай, теварак-атрофда шовуллаган боғлар, дарахтзорлар гуркираб бораяпти. Шуларнинг ҳаммасини боғистонликлар ўз ихтиёрлари билан яратишган. Булар ҳаммамизнинг ризқимиз.

— Гапни чўзманг, бобой! — Мамажон отанинг мулойимлашиб қолганини кўрган бошқарувчи яна зуғумга ўтди. — Ҳаммамизнинг ризқимиз, дейсиз. Унда ёнғоқ ҳосилини нега омборга топширмадингиз? Е фронтовойман деб-а... Биламиз...

— Бу нима деганингиз, нимани биласиз...

Топширган тақдиримда ҳам ёнғоқлар кимнинг ҳисобига ўтиб, қайси ўғрининг чўнтакларига тушиб кетиши менга жуда яхши маълум-ку! Энди фронтовойлигимга келсак, сизга ҳисоб бермайман. Тушингизни сувга айтинг, ука...

Шу гапларни айтгач, олтмишдан ошганига қарамай, Мамажон ота шаҳд билан бурилди-да, зардали одимлаб чиқиб кетди.

— Тинчликми, Мамажон ота қаҳр билан кетиб бораяпти? — сўрашди бошқарувчидан хонага кетма-кет кириб келган бригадирлар. Бошқарувчи уларга бўлган воқеани батафсил айтиб берди.

— Чакки иш бўлибди-да, Мамажон ака катта-кичикка баробар маслаҳатгўйлар. Бир сўзли одам. Агар айтган бўлса, чиндан ҳам ёнғоқларни суғуртиради, нима қилиб бўлса-да, уларни район марказига судратиб боради! Ана унда кўрасиз.

— Чўрткесарлиги учун қишлоғимиздагилар уни Мамажон «партизан» дейишади. Урушда кўп хизмат кўрсатган одам. Ҳаммага баравар ҳурмат қилади.

— Ўзлари содда, кўнгли очиқ одам Мамажон ота! Салдан кейин яна бош суқиб ўтади. Мана кўрасиз. Шунда, бир йўлини топиб юпатасиз, хуллас, кўнглидаги ғазаб ўтини ўчиришга уриниб кўринг...

Дарҳақиқат, бирор соат ўтар-ўтмас, Мамажон ота яна идорада пайдо бўлди. У қўлидаги тугунчани ечди-да, бир даста гувоҳномаларни бошқарувчининг олдига — столга ташлади.

— Шундай муомала қилмасак, Мамажон ака индамай, уруш қаҳрамонларидан бири эканлигини ҳам билдирмай юраверарди-да, — деди бошқарувчи устакорлик билан, — қани, қаламқоғоз олиб буларни бир рўйхат қилиб қўяйлик, керак бўлиб қолади.

Бошқарувчи айтиб турди, ўтирганлардан бири ёзди:

— Мамажон Саидов Одер дарёсидан ўтиб, плацдарм ишғол этганлиги ва қисмларимиз етиб келгунча позицияни ушлаб турганлиги учун «Шуҳрат» ордени билан;

Душманга ҳужум пайтида танкка қарши отувчи қуролни фашистнинг ўзидан ўлжа олиб, «Тигр» танкини ёндириб юборганлиги учун «Қизил юлдуз» ордени билан;

Калинковичи, Холм, Ковёл ва бошқа шаҳарларни озод этишда иштирок этганлиги ҳамда жанг майдонларида кўрсатган жасоратлари учун ўнга яқин ташаккурномалар;

Шунингдек, кичик сержант Мамажон Саидов «Берлинни ишғол қилганлиги учун», «Германия устидан ғалаба қозонганлиги учун» ва бошқа медаллар билан тақдирланган.

Бошқарувчи сарғайиб кетган ҳужжатлар билан танишар экан, ўз кўзларига ишона олмас, қаршисида бир ҳовучгина бўлиб ўтирган кишига ҳайрат билан қараб-қараб қўяр эди.

— Мен сиздан бир эмас, ўн марта кечирим сўрашга ҳам тайёрман...

— Ҳа, дарвоқе, ёнғоқ масаласини келишиб олайлик, ука. Трактор берасизми, ё ўзим топаймми?

Бошқарувчи отани бағрига босди, қўлтиғидан олиб ёнбошидаги стулга ўтқазди.

— Мамажон ака, сув ҳам бир лойқаланмай тинимас экан. Мана, яхшигина танишиб ҳам олдик. Энди, ҳамкорлашиб иш кўрсак, Сиздай инсонлар бизга йўл-йўриқ кўрсатса... Йўқ демасангиз, бир илтимосимиз бор, ташландиқ ҳолда ётган бўш ерларда тутзорлар барпо қилиш, боғ-роғлар яратиш сингари ишларга бош-қош бўлсангиз. Биласиз, пилла мавсумининг энг долзарб палласида пиллакорларимиз барг қидириб қолишади. Мени бу бўлимга юборишаётганларида пиллачилик, боғдорчилик соҳаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор беришим кераклигини таъкидлашган. Эшитишимча, сизнинг ёнғоқзорингиз атрофида ярим гектарча қиялик бўш ер бор экан. Бизга, яъни «Чорвоқ» совхозига ёрдамингизнинг дебочаси сифатида ўша жойни ҳам тутзорга айлантириб берсангиз. Бу ишга бошқа тенгдошларингиз ҳам йўқ демай, бош қўшишса керак.

— Бу маслаҳатингиз жуда яхши, ука! — суҳбатни ҳаяжон билан давом эттирди Мамажон ота. — Бекорчиликдан ёмони йўқ. Одамлар бекор қолишса, бўлмағур ишлар билан шуғулланишади, ғийбат, фисқу фужур авж олади. Ҳамманинг ҳам баҳоли қудрат қимирлаб тургани маъқул. Аммо сиздан ҳам илтимосимиз бор. Баъзиларнинг бўлмағур гапига ишониб, киши дилини оғритманг.

Бошқарувчининг семиз қорамағиз юзлари бир қизарди, бир оқарди, боши сал эгилди. Бу ҳол узоққа чўзилмади, у силтаниб ўрнидан турди-да, отага қўл узатди:

— Бўпти, Мамажон ака! Сизнинг ҳақ гапларингиздан тегишли хулоса чиқариб оламиз!

— Биз ҳам эртадан ишни бошлаймиз, — деди боғистонлик «партизан» темирдек бармоқлари билан бошқарувчининг қўлини қисар экан. — Теваракда бирон тақир жой қолдирмаймиз, ҳаммаёқни боғ-роғларга айлантирамиз.

Мамажон ота чиқиб кетгандан кейин ҳам бошқарувчи узоқ вақт хаёл суриб ўтириб қолди. Чамаси, бошланган ишни яна қайтадан бошлаш керакка ўхшарди.

Асад АСИЛОВ

Тошкент область,
Бўстонлиқ райони



ХАТЛОН ФАРЗАНДИ

Жалол ИКРОМИЙ

Тожикистон ССР халқ ёзувчиси Жалол Икромий пахтакорлар турмуши, меҳнати мавзуида «Хатлон» деб номланган янги романини ёзди. Шу асардан парча эълон қиламиз.

УАКАДЕМИЯ президентининг қабулхонасига йўл олди. Котиба унинг илтимосига:

— Президент шу ердалар. Лекин ҳозир мажлис бошланади, қабул қилолмасалар керак,— деди иккиланиб.

— Кириб: «Мирҳайдар келибди», деб айтинг.

Котиба унга синчковлик билан назар ташладию ўрнидан турди. У бу кишининг номини эшитган, лекин ҳали ўзини кўрмаган эди. «Мирҳайдар,— деди ўз-ўзига котиба,— машҳур колхоз раиси...»

Зум ўтмай Мирҳайдар ичкарига таклиф этилди. У эшикка яқинлашганида кабинетдан президентнинг ўзи чиқиб келди. Улар дўстона сўрашдилар.

Кабинет унча катта эмасди. Китоб тўла шкафлар, республика манзаралари акс эттирилган суратлар... Столларга турли хил амалий ишларнинг намуналари қўйилган. Президентнинг иш столи дала ишларига доир китоб ва қоғозларга тўла эди. Президент — ўрта бўйли, кўркам, истараси иссиқ, сочларига оқ оралаган киши. У меҳмонни ҳам ўтиришга таклиф этди.

— Хуш келибсиз, раис бобо! — деди у кулиб.— Қадамингизга ҳасанот!

— Саломат бўлинг!

— Колхозингиз мажбуриятни ҳам бажарибди, деб эшитдим. Табриклайман!

— Раҳмат! Ўзингиздан сўрасак, аҳволларингиз қандай? Ишларингиз яхшими?

— Яхши, ёмон эмас,— деди президент ва хаёлидан: «Раис бобо қандай муҳим иш билан келди экан, айни иш қизғин пайтида...», деган савол ўтди.

— Колхозда қандай янгиликлар бор? Қурилиш ишлари юришаяптими? Эшитишимча, махсус бинокорлик бригадаси тузганмишсиз, бу жуда яхши бўлибди...

— Умуман, ишларимиз ёмон эмас,— деди раис ва шундай пайтда нима сабабдан келганини президент тезроқ билишни хоҳлаётганлигини сезиб, муддаога кўчди.

— Лекин муваффақиятдан бироз кўнглим тинчимаяпти.

Президент кулиб:

— Мен сизни тушунаман! — деди.

— Агар тушунсангиз, ёрдам беринг!

— Ёрдам, бажонидил!

— Ундай бўлса, мени ўша туксизлантирилган уруғлик устида иш олиб бораётган олим билан учраштириб, таништирсангиз.

— У олим ҳали ўз тажрибасини тугатганича йўқ,— деди президент раиснинг мақсадини тушуниб.

— Шундай бўлса ҳам ўзи билан бир суҳбатлашай-чи,— деди раис.— Бизнинг районимизда ҳаваскор бир селекционер озгина ерда тажриба ўтказиб, яхши натижа олибди.

— Наҳотки, туксизлантирилган уруғлик чигит сизнинг районингизга ҳам бориб қолган бўлса? — ҳайрон бўлиб сўради президент.— Ахир, бизнинг машҳур селекционер бу ишини ҳали рўёбга чиқаргани йўқ-ку.

— Билмайман,— деди раис.— Бизнинг районимиздаги селекционер ҳам зўр ҳаваскор. Каердандир эшитиб, устозининг олдига борибди, озгина туксизлантирилган уруғлик келтирибди. Мен ҳам ўз ерларимизда экиб кўришни истайман. Агар мўл ҳосил берса, айни муддао бўлади. Жон дўстим, ёрдам беринг, ўша олимни менга таништиринг.

— Таништириш мумкин,— деди президент,— кўнгилни кенг тутинг. Бир-икки йил сабр қилинг, тажриба ниҳоясига етсин, яхши натижа берсин, давлатнинг ўзи сизга ёрдам кўрсатади.

Мирҳайдар президентнинг сўзини тинглаб турдию табассум билан:

— Бизнинг дилимиздаги дардни билмас экансиз! — деди.— Шукр, колхозимиз катта қувватга эга, одамлари ҳам ғайратли, ўзларига тўқ, лекин еримиз кам.

— Уч минг гектар ерга пахта экасизу камми?

— Кам! — деди раис қатъий оҳангда.— Анча кам. Бизнинг янги ерларни ўзлаштиришга имкониятимиз йўқ. Қизилсув дарёси билан тепаликлар орасида қолганмиз. Энди мусобақада фақат юқори ҳосил олиш билан ютиб чиқиш мумкин. Тунлари ухламай, қайси йўл билан ҳосилдорликни юқори кўтариш ҳақида ўйлайман.

Президент дўсти — Мирҳайдарнинг дилидагини сезди-да, ич-ичидан уни ёқлади. У яна бир бор раиснинг ҳиммати ва ғайратига қойил қолди. «Кошки эди ана шундай меҳнатсевар кишиларимиз кўпроқ бўлса эди», деди ўзига-ўзи.

— Фикрингиз ҳаққоний,— деди президент.— Олимларимиз ҳосилдорликни ошириш учун ғайрат билан ишлаяптилар. Ишончим комилки, улар яқин келажакда юқори ҳосил берадиган навлар яратишади. Лекин ҳозир ўртоқ Исломиддин Обидов билан танишишни хоҳласангиз ва ундан тажриба ўрганиб, туксизланган чигит экаман, десангиз, майлингиз, мен сизни олиб бориб таништиришим мумкин. Лекин бир шарт билан!

— Бажонидил!

— Шарт шуки,— деди президент раиснинг юзига табассум билан тикилиб,— ҳозир беш минутдан сўнг мажлис бошланади. Биз бу мажлисга ишлаб чиқариш илғорлари, айрим заводларнинг директорларини таклиф қилганмиз. Илм-фан билан ишлаб чиқаришнинг муносабатлари, назариянинг ҳаётга татбиқ этилиши ва олимларимизнинг иши тўғрисида суҳбатлашмоқчимиз. Сиз ана шу мажлисда сўзга чиқасиз. Олимларимизга дилингизда нимаики бўлса, қандай талаб ва хоҳишингиз бўлса айтасиз. Ана шундан сўнг Обидовнинг ёнига бирга борамиз.

Раис рози бўлишга рози бўлдию ўтган йилги ҳодисани эслади.


... Уни ўз ишлари, ўз пахтакорлик тажрибалари ҳақида гапириб бериш учун Ёзувчилар союзининг пленумига чақиришганди. Ўшанда у ёзувчиларнинг ҳаёт билан ҳамнафаслиги ҳақида сўзлади. Сўзлаётиб бир воқеага ҳамманинг эътиборини қаратди:

— Бир куни кўчада боғдорчилик бригадаси бошлиғи билан суҳбатлашиб тургандим,— деди у,— бир енгил машина кўчани чангитиб ўтиб кетди. Тўғри, ҳали қишлоғимизнинг ҳамма кўчалари асфальтланмаган, шағал ҳам ётқизилмаган. Бригадирдан унинг кимлигини сўрадим. Бир ёзувчи, у қишлоқ ҳаётини ўрганиб юрганмиш,— деди бригадир. Мен кулдим. Ҳаётни ўрганиш шундай бўладими? Йўқ, ўртоқлар! Сизлар қишлоққа келинг, одамлар билан суҳбатлашинг, ана ундан сўнг колхоз ҳаётининг нима эканлигини биласиз!

Залда ўтирганлар завқланиб қарсак чалишди...

Олимларнинг суҳбатида қатнашиш, уларнинг мазмунли сўзларини эшитиш яхши, деб ўйларди у ҳамон. Лекин улар олдида сўзга чиқиб нима дейди. У олим бўлмаса, гапга чечан бўлмаса...

— Деҳқончилик ишидан ҳам муҳимроқ гап борми?— унинг иккиланаётганини сезди президент.— Республикамиз асосан



Г. Раҳмонова чизган расм.

ўзининг қишлоқ хўжалиги билан фахрланади. Олимлар сизнинг сўзларингизни мамнуният билан эшитишади.

— Агар хурсанд бўлишса майли, ниманики билсам, дилимда нима бўлса, айтаман.

Улар кабинетдан чиқиб, академиянинг мажлислар зали томон юришди. Мажлислар зали одамлар билан лиқ тўла эди. Юқорида, президиум столида республиканинг таниқли олимлари ўтиришибди. Залда илм-фан ходимлари, докторлар, завод ва фабрикаларнинг вакиллари, кўпгина ёш олимлар жой олишганди. Улар президент ва Мирҳайдарни олқишлаб чапак чалдилар.

— Муҳтарам ўртоқлар! — деди президент ўрнидан туриб,— Даврамизда азиз меҳмонимиз, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Олий Советнинг депутати, Хатлондаги машҳур колхознинг номдор раиси — Мирҳайдар Вализода иштирок этаётганлигидан хурсандмиз. Мен сизларнинг номингиздан ва республиканинг ҳамма олимлари номидан, шахсан ўз номимдан дўстимиз Мирҳайдарга хуш келибсиз, деб биринчи сўзни шу кишига бераман.

Мирҳайдар оҳиста, салобатли одимлаб минбарга чиқди.

— Ўртоқлар! — деди у залда ўтирганларга қарата,— аввало сиз республика олимларига колхозимиз деҳқонларининг алангали саломини етказмоқчиман. Улар, колхозчилар узоқда бўлсалар ҳам сизларни кўриб тургандек, сизлар билан суҳбатлашгандек, сизларни таниганидек кўпдан-кўп салом йўлладилар. Ўртоқлар! Биз ҳозир ҳам ғалла, ҳам пахта экамиз. Боғдорчилик ва чорвачилигимиз бор. Сизларни кийимкечак, гўшту ёғ, гуруч, қовунтарвуз билан таъминлаб турамиз. Ўзларингиз биласизларки, бу ишларнинг ҳаммаси илм-фан ва техникасиз амалга ошмайди. Илм сизларнинг қўлингизда, аммо сизлар колхозга кам чиқасизлар. Баъзиларингиз бизнинг талабимизни яхши билмайсизлар. Вақтингиз кам, ўз ишларингиз билан бандсиз. Илм соҳасида бирор нимани кашф этиш, уни турмушга татбиқ этиш осон эмас албатта. Лекин бизга ҳам сизларнинг ёрдамингиз керак. Мен биламан, селекционер олимлар пахтанинг янги навларини тажрибада синаб кўришаяпти. Бу навлар юқори ҳосилли, касалликларга чидамли ва тезпишар! Қани энди бизларга ана шундай хил пахта навини керагича етказиб берсангизлару бизнинг ҳосилдорлигимиз яна ҳам ошса. Менинг яна бир талабим шуки, қишлоқларимизни зах босишдан халос этишингиз керак. Олимлар аллақандай ҳашарот кашф қилибдилар, пахта зараркунандаларини еб нобуд қилармиш, лекин пахтага зиён етказмас эмиш. Қани энди ўша ҳашаротлардан бўлсаю, бизнинг ерларимизга бирор ярим миллионини қўйиб юбориб заҳарли дори сепиш даҳмазасидан халос бўлсак.

Хуллас, ёрдамларингизга муҳтожмиз, токи мамлакатга гўшт, ёғ, тухум, узум каби нози-неъматлардан кўпроқ етказиб берсак... Ишчи кучимиз етарли, техникамиз бор, лозим бўлса яна топамиз, лекин илму амал керак!..

Раиснинг машинасида шаҳарнинг жануб томонига кетишаркан, президент деди:

— Бопладингиз, раис! Бу сабоғингиз олимларимизнинг ёдидан ҳеч ҳам чиқмайди. Ҳақиқатан ҳам бизнинг баъзи олимларимиз кабинетдаги ишлари билан овора бўлиб, шаҳардан ташқарига чиқишолмайди. Яна бир қисмлари ўз соҳасидаги ишларини билишади, холос! Агар биолог олим колхозга борса, ҳам ўз ишини, ҳам колхоз ишини ривожлантиради. Агар кимёгар колхозга борса, ҳам ўзига, ҳам колхоз манфаати учун иш топа олади ва ҳоказо... Шундай экан, истаймизки, олимлар ҳам колхозларга чиқишсин. Шуни қайд этмоқчиманки, олимларимиз ўз интилишларини ҳаёт билан, ишлаб чиқариш билан бирга олиб боришаяпти.

— Буни мен биламан,— деди раис.— Олимларимизнинг кўмаги туфайли республика саноати ҳам, қишлоқ хўжалиги ҳам олдинга бораяпти. Лекин улар яна ҳам активроқ бўлишсин, деб бир гина қилиб қўйдим-да.

— Яхши қилдингиз, гинангиз керакли жойда бўлди!

— Хайр, шартни жойига қўйдимми?

— Жойига қўйдингиз.

— Бўлмаса, Исомиддин Обидов билан шундай гаплашайликки, у: «Йўқ», дея олмасин.

— Биз икки киши бўлиб бораяпмизми, албатта ҳам уруғлик беради, ҳам ўз тажрибасидан гапириб беради.

Тожик тилидан
Алижон ИЎЛДОШЕВ
таржимаси

Душанбе

ИНКЛАРНИНГ ОЛТИН ДОНЛАРИ

Биз Перунинг Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат министри Ремихио Моралес Бермудес билан антиқа бир таом устида суҳбатлашиб қолдик. Дастурхонда бақлажоннинг нордон икраси аралаштириб тайёрланган-дек бизга нотаниш таом турарди. Ёнига мазаси асал солинган какаоникига ўхшаш хушбўй ичимлик ҳам қўйилган эди. Шунингдек, дастурхонда печенье, кекс, флан ҳамда ун, тухум, ва сут қайнатмасидан тайёрланган ва перуликлар «Манхар бланко» деб айтадиган пиширик ҳам мавжуд эди.

Агросаноат тараққиёти миллий институтининг (НИАР) мутахассиси Кармен Кальдерон таомларни изоҳлаб деди:



Кивич ўсимлиги мана шундай ўсади.

— Ҳозир Сиз татиб кўрган нарсаларнинг ҳаммаси эндиликда кўпчилик унутиб юборган, ҳозир фақат Андахда ўсадиган қадимги қишлоқ хўжалик экинларидан тайёрланган. Инклар давлати даврида бу экинлар яхши қадрланган ва булардан таомлар тайёрлашда кенг фойдаланилган. Ҳозир эса бу ўсимликларни шаҳарларда яхши билишмайди. Фақат баланд тоғларда, асосан, деҳқончилик билан шуғулланадиган индеец жамоалари экиб ўстирадилар.

Сиз ҳозир истеъмол қилган ширин таом (галет) таркибининг 70 процентини кинуа донининг уни ташкил этади. Инклар бу ўсимликка маъмурчилик манбаи сифатида қараб, уни олтин дон деб атаганлар. Дастурхондаги флан, кекс ҳам шу донининг унидан тайёрланган. «Манхар бланко» эса инклар катта ихлос қўйган яна бир ўсимлик — кивич донининг унидан кўпроқ қўшиб тайёрланган.

— Лаборатория таҳлиллари, кенг миқёсдаги илмий тадқиқотлар бу маҳсулотларнинг озиқлик қиммати юқори эканини кўрсатди, — дея гап бошлади министр. — Биз энди бу борада инклар босқичидан сўнг унутилган бу ажойиб экинларнинг ўтмишдаги шуҳратини тиклаш учун уни фаол тарғибот қилишга ўтдик.

Кивич иссиқталаб ўсимлик бўлиб, у денгиз сатҳидан 2 минг 200 метр баландликда ўсади. Унинг учун унумли тупроқ бўлиши ҳам шарт эмас. Кивичга экин касалликлари ва зараркунандалари ҳам зарар етказолмайди.

Экспертларнинг фикрига кўра, Перуда истеъмол қилинаётган кивич донининг миқдори тахминан 100 тоннани ташкил этади. Инк давлатининг қадимги пойтахти Кускодаги Сан-Антонио Абад миллий университети кивични тадқиқ ва тарғибот қилиш маркази бўлиб қолди.

Инкларнинг унутилган «олтин донлари» билан фақат Перудагина эмас, бошқа қатор мамлакатлар ҳам қизиқмоқдалар. Масалан, Боливияда кинуа ўсимлиги донини қайта ишлайдиган завод бор. Кивич экини эса Аргентина, Эквадор ҳамда Мексикада, Ҳиндистоннинг шимолида ва бошқа Осиё мамлакатларида ўстирилмоқда.

Инклар кинуа ва кивич экинларини ўтмишда «худолар таоми» деб атаган бўлсалар, XX аср олимлари буларни «келажак таоми» деб номламоқдалар.

С. СВИСТУНОВ

Редакция почтасидан

ГУЛБУЛОҚЛИК СОҲИБКОР

Баҳор келинчакдек сеп ёйган пайтлар. Асаларилар гул япроқларидан бош кўтаролмайди. Уларнинг қуюнчак ҳаракатида ҳам ишчанлик сезилади.

— Бу йилги ҳосил яхши бўлади, — деди боғдорчилик бригадаси бошлиғи Холмўмин Норбўтаев. — Табиатнинг зукколигини қаранг-ки, ташқаридан ҳимоясиздай кўринган мана шу довдарахтлар ҳам турли хавф-хатарлардан ўзини асрашга қодир. Ҳар бирининг кифтида катта юк бор... Бу боққа машҳур боғбон Ризамат ота Мусамуҳамедов асос солган эди. Ҳозир ҳам у киши ўтқазган дарахтлар гуркираб ўсаяпти.

Боғбон билан боғ оралаб юрибмиз. У ҳар бир мевали дарахтни фарзандини суйган отадек завқ-шавқ билан, умид ва ишонч билан кўнгил назаридан ўтказади. Ҳосили бўлиқ олма тупига келиб тўхтайди.

— Бу — Наманганнинг қирмизи олмаси. Ранги кўзни қувонтирса, таъми тенглайингизда қолади, — деб тушунтиради боғбон. Шу дам унинг юзи тундлашгандай бўлди, бирор нохуш воқеа ёдига тушди шекилли.

— Ёз ўрталари эди ўшанда, — эслади у, — боғимизнинг бир ёғи қамишзорга туташган эди. Кўчатлар бир текис япроқ ёзган. Тонгда ёки шомга яқин боғ ораласам, кўзим қувонарди. Боғимиз айни мевага кираётган эди. Кунларнинг бирида кимдир қамишзорга ўт қўйиб юборибди. Қамишзор домига тортган олов тўқайга туташ жойлардаги кўчатларни ҳам ялаб ўтибди. Кўрдим-у, рангимда қон қолмади. Минг машаққат билан боғни авайлаб сақлаб қолдик. Сув билан, ўғит билан чала куйган кўчатларни қайта кўкартириб олдик. Ана шу ёнғиндан омон қолган ниҳолларимизнинг бири шу! Мана энди шарбатини тотаяпмиз.

Боғ оралаб юриб, бригаданинг тажрибали соҳибкорлари Ортиқ Жайнақов, Ҳотам Мелиев, Абдурашид Туровларга дуч келдик. Улар билан суҳбатлашдик. «1984 йилда қишнинг қаттиқ келиши оқибатида 70 гектарлик олмазоримизни «совуқ урди»га чиқариб, барча дарахтларни қўпориб ташлаш тавсия этилди. Комиссиянинг фикри нотўғри эди. Мутахассис раҳбарлар билан келишиб, тавакkалчиликнинг олдини олдик. Натижаси ёмон бўлмади. Саратондан эсон-омон ўтган дарахтлар сақлаб қолинди. Қуриган шохларини кесиб ташладик. Кўп ўтмай, улар ўрнида бўлиқ бутоқлар гуриллаб ўсди. Икки йил ичида эски боғ ўз қолатини тиклади», — деди улар.

Сақлаб қолинган олма дарахтининг ҳар биридан 150—200 килодан ҳосил олинди. Янги ниҳол экиб, тўрт йилдан сўнг ҳосил олгандан кўра биз учун шу усул маъқулроқ эди. Тагтуби билан қуриган дарахтларнинг ўрнига 300—400 туп янги кўчат экилди. Бу йил жами ўн минг 500 туп олмадан ҳосил оламиз. Бунинг учун касбига меҳр қўйган Эгамберди Қўшбоев, Фарҳод Аҳмедов, Маъмур Ёқубов, Ойбек Ойсоқов каби механизация тилини яхши билган соҳибкорлар боғ қатор оралариga ишлов беришда ўрнак кўрсатиб ишлашаяпти.

Гулбулоқлик Холмўмин Норбўтаев бу ишларга бошқош. Унинг номини ҳамма ҳурмат билан тилга олади.

Аҳмаджон САЙДАЛИЕВ

Сирдарё область,
Ильич райони

ОМОНЁР



ЮЗЛАБ томошабинлар тўпланган залда концерт берилмоқда. Раҳима опа доирани қарсиллатиб уриб, ўктам овоз билан «Омонёр»-ни куйлар экан, зал яна бир қалқиб тушгандек бўлди. Ҳамма баравар қарсак чалиб, хонандага жўр бўлмоқда эди.

Ниҳоят, тантана тугаб, ташқарига чиқамиз.

— «Омонёр»ни тинглаб, шундай роҳат қилдимки... — дейди дугоналаримдан бири. — Ҳамма санъаткорларнинг чиқиши бир томону, Мазоҳидованинг чиқиши бир томон бўлди.

— Нимасини айтасиз, юракларни сел қилиб юборди-ей! Қўшиқ сеҳридан залнинг денгиздай тўлқинланганини сездингизми? — давом этади иккинчи дугонам...

Ўша воқеадан кейин анча вақт ўтди. Аммо ҳамон табиат бағридами, олис сафардами, пахтакорлар даврасидами — қаерда бўлмай, қўқонлик лирик хонанда Раҳима опанинг «Омонёр»и қулоғим остидан кетмайди... Ҳа, нақадар оромбахш қўшиқ бу!

Қўқон шаҳар Маданият саройида Ўзбекистон ССР халқ артисти Раҳима Мазоҳидова бошчилигидаги «Омонёр» ансамбли иштирокидаги яна бир концертда бўлдим. Мана, ниҳоят концерт тугади. Томошабинлар олқишининг чеки йўқ эди. Ансамбль аъзолари бу эҳтиромга жавобан, минг бир назокату жозибали табассум билан залга таъзим қиладилар. Томошабинларнинг эса уларни саҳнадан қўйиб юборгиси келмасди.

«Омонёр» ансамблининг ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин у аллақачон республикамиздан ташқарида ҳам санъат ихлосмандларининг тилига тушди... 1979 йил эди. Республикамизда таниқли хонанда Раҳима Мазоҳидовани Тошкент область, Бўстонлиқ район маданият уйи ходимлари телеграмма билан чақириб қолишди. Борди. «Гулёр» фольклор-этнографик ансамбли ташкил қилинаётган экан. Бу ишга унинг амалий ёрдам беришини илтимос қилишди. Ансамблга асосан олтмиш ёшдан ошган аёллар — бир неча набираларнинг бувилари таклиф этилганди. Уларнинг ҳар бири ҳам халқ қўшиқларини жуда маромида ижро этишлари Раҳима опанинг завқини келтирди. Унинг кўнглида ҳам кўпдан шундай ният яшаб келар эди-ю, фақат ҳозир фан-техника, турмуш маданияти ривожланган, радио, телевидение орқали ажойиб замонавий қўшиқлар берилаётган бир пайтда меҳнаткашлар бундай кекса аёллар ансамблининг чиқишларига қизиқармикан, деган андиша унинг куч-ғайратини жиловлаб турар эди. Аммо «Гулёр»нинг меҳнаткашлар билан илк учрашувлардаёқ эришган муваффақиятлари унинг орзуларига қанот бағишлади. Қўқонга қайтгач, қўшиқчи дугоналарини излаб топди. Буниси қизиққи, улар Раҳима опага шаҳар маданият саройининг ходимаси аллақачон санъатга қизиққан кексаларни тўплаб, этнографик-фольклор ансамбли тузишга тайёргарлик кўришаётганини, фақат Раҳима опанинг Ғазалкентдан келишини кутиб турганликларини айтишди.

Ишлар қизиб кетди. Доира, рубоб, рақс тушганда керак бўладиган чўпқошиқлар ҳам ансамбль иштирокчиларининг ўзларидан топилди. Ҳатто Раҳима опага нотанишроқ бўлган халқ қўшиқлари, доира усуллари, классик рақслар, лапар айтиш анъаналарини чуқур биладиганлар ҳам топилди. Ансамбль аъзоларининг сафи секин-аста кенгайиб борди. Таъкидлаш жоизки, республикамизда ташкил этилган «Гулёр» ва «Омонёр» ансамбллари мақсади ва мазмуни жиҳатидан бир-бирига яқин турсалар-да, аммо уларнинг ҳар бири ўзига хос такрорланмас этник хусусиятларга ҳам эга. Бу айниқса уларнинг кийимларида, рақс ҳаракатларида, қўшиқ воситаларининг ранг-баранглигида яққол кўзга ташланади.

«Омонёр» ансамбли иштирокчиларининг ҳар бирини ажойиб тақдирли, элнинг эътиборига тушган санъатчи дейиш мумкин. Масалан, нақ тўқсон баҳор нашидасини сураётганига қарамай, ҳамон қўнғироқдай овозга эга Баҳрихон ая Деҳқонова 30-йилларнинг фаол комсомоли, велосипед пойгаси совриндори, ўз вақтида маҳаллий Советларнинг серғайрат депутати бўлган. Ансамблнинг яккахон хонандаси Умихон Мамажонова — область Советининг 50-йиллардаги фаол депутати, ветеран, тажрибали пахта устаси ва Қаҳрамон она. Шаҳрихон ая ҳам шундай. Ансамблнинг энг ёш хонандаларидан бири — олти фарзаднинг онаси Мавжудахон Маматова эса фабриканинг илғор ишчиларидан.

Ансамбль аъзолари ўз репертуарларини қадимий халқ қўшиқлари ҳисобига бойитиш билан бирга, замонавий қўшиқларни ҳам ўрганишмоқда. Улар бундай қўшиқларни кўпинча бадиҳа усулида ижро этадилар. Ҳа, фольклор асарлари авлоддан-авлодга ўтган сайин мазмунан, шаклан ўзгаради, янгиланади.

«Омонёр» ансамбли халқ ижодиётини ўзида мужассамлантиргани, унга янгича жило бахш этгани билан диққатингизни тортади. Қадимий халқ қўшиқлари билан ансамбль аъзолари яратган замонавий қўшиқлар бир-бирига занжирдай боғланиб, тингловчиларда бир-бирининг давомидай таассурот қолдиради. Эскича шакл билан янги мазмун ифодаланган ёки эски мазмунга янгича замонавий руҳ бахш этган қўшиқлар онахонлар репертуарининг асосини ташкил этади.

«Омонёр» иштирокчилари улкан бир хонадоннинг қон-қариндош аъзоларини эслатадилар. Бу катта муборак хонадоннинг ўз бувиси, онаси, қизлари, набиралари, эваралари, келин-кеваглари бор. Бу хонадоннинг онабошиси — УзССР халқ артисти Раҳимахон Мазоҳидова.

Ансамбль ёшлари:

Саҳна сўзи яхшидур,
Юрагимнинг нақшидур.
Партиямиз даврида
Ўйнаганим яхшидур, —

деб куйласалар, хонадоннинг ўрта ёш авлоди:

Умр ўтиб борадир,
Ёшлик қайда қоладир.
Қарисам ҳам ўйнайман,
Ўйнаганим қоладир, —

деб уларга жўр бўладилар. Хонадоннинг пиру бадавлат аъзолари, табаррук онахонлари эса:

Ёшлигимда ишладим,
Ватанимни хушладим.
Қарилик гаштин суриб,
«Омонёр»да ўйнадим, —

деб замондан миннатдор бўладилар. Онахонлар қалбидаги завқ, фаровон ҳаётдан хушнудлик туйғулари улар куйлаган қўшиқларда ўз аксини топган. Шу сабабли бўлса керак, қадимий бой халқ оғзаки ижоди дурдоналари «Омонёр» репертуарининг бойиши ва камолотга эришишида жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

Ҳар бир қўшиқнинг замирида бир олам мазмун мужассам. Шу боисдан ҳам ишчилар, пахтакорлар ҳузуридаги чиқишлари, Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари орқали республикамиз меҳнаткашлари муҳаббатини қозонаётган «Омонёр» ансамбли қатнашчилари ижро этаётган қўшиқлар тингловчиларга олам-олам завқ бахш этади.

С. ИЎЛДОШЕВА

Қўқон—Тошкент



Дўстлик район, «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг «Чеҳра» ансамбли аъзолари ўз куй ва қўшиқлари, гўзал рақслари билан район меҳнаткашларини қувонтирмоқдалар.

А. Жумаев фотоси

ЭЗГУЛИК ЕНГАДИ

Урушлардан холи дунё — инсониятнинг азалий орзуси. Катта-кичик урушлар асрлар давомида одамзодга қанчалар кулфатлар келтиргани равшан. Олимларнинг ҳисоб-китобига кўра, инсоният кейинги беш ярим минг йил мобайнида 15 мингга яқин урушни бошдан кечирган. Уларда 3,5 миллиарддан ортиқ киши нобуд бўлган. Совет давлатининг ва бутун социализм системасининг дунёга келиши билан ана шундай қирғинбарот урушлар йўлига жиддий ғов қўйиш имконияти пайдо бўлди. Неча-неча жангу жадалларни кўрган Европа қитъаси 40 йилдан ортиқроқ вақтдан буён осойишта ҳаёт кечираётганлиги ҳам социалистик мамлакатларнинг тинчлик учун фаол кураши натижасидир.

Маълумки, Совет давлатининг илк ҳужжатларидан бири доҳиймиз В. И. Ленин раҳбарлигида ишлаб чиқилган «Тинчлик ҳақидаги декрет» эди. Ўшандан буён мамлакатимиз доимо тинчлик учун курашнинг олдинги сафларида бормоқда. Шунинг учун ҳам Москвадан янграган ҳар бир сўз жаҳондаги миллионлаб кишилар қалбида акс садо топади, уларни Ер юзи осойишталиги учун курашга руҳлантиради. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг 1986 йил 15 январдаги Баёнотида, унинг Тольятти шаҳри меҳнаткашлари билан, бир қатор чет мамлакатларнинг давлат ва жамоат арбоблари билан учрашувлари чоғида сўзлаган нутқларида инсониятни ядро ҳалокатидан қутқаришнинг аниқ программаси ўртага ташланди.

Машҳур совет шоири В. В. Маяковский ўзининг бир шеърида «Уруш — империализмнинг қизи, алвастидай ер узра кезар», деб ёзган эди. Дарҳақиқат, империалистик кучларнинг агрессив ҳаракатлари урушларнинг бош манбаидир. КПСС XXVII съездида ҳозирги халқаро вазият, капиталистик дунёнинг ички зиддиятлари, АҚШ империализмининг моҳияти чуқур таҳлил қилиб берилди. Айни пайтда халқаро кескинликни юмшатиш, икки система ўртасидаги зиддиятларни ҳарбий қарама-қаршилик йўли билан эмас, балки музокаралар ва тинч мусобақа тарзида ҳал қилиш имкониятлари кўрсатиб ўтилди.

Партиямиз съездида таъкидланганидек, 80-йилларнинг бошларига келиб халқаро вазият ниҳоятда кескинлашди. Бунинг бош сабаби АҚШ ва бошқа Ғарб давлатларининг қуролланиш пойгасини авж олдираётганлиги, бу пойгани космосда ҳам давом эттиришга уринаётганлиги, эркинлик ва мустақилликка интилаётган халқларнинг ички ишларига аралашуви, дунёнинг турли нуқталарида кескинлик ўчоқлари барпо қилаётганлигидир. НАТО блоки ва АҚШ ҳарбий машинаси йилдан йилга тобора хатарли тус олмоқда. Ҳозир АҚШ ихтиёрида 30 минг ядро заряди мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири қудрати Хиросима устига ташланган бомбанинг қудратидан бир неча ўн баробар ортиқ.

Хўш, бунча қурол-яроғ нимага керак? Ахир АҚШнинг ҳам, бошқа Ғарб давлатларининг ҳам ҳал қилиниши лозим бўлган қанча-қанча проблемалари мавжуд-ку. Бу мамлакатларда ишсизлар, камбағаллар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Шундай шароитда миллиардлаб доллар маблағнинг елга совурилиши жиноят эмасми?

АҚШ маъмурияти олиб бораётган сиёсат чуқур мушоҳада қилинса, зўр бериб қуролланиш «сири» равшанлашгандек бўлади. Совет Иттифоқидан ҳарбий-стратегик устунликка эришишга интилиш, дунёнинг турли нуқталарини ўз «ҳаётий манфаатлари» доирасига киритиш ва мустақил йўл танлаган мамлакатларнинг ички ишларига қўпол аралашувдан иборат зўравонлик сиёсати бу маъмурият фаолиятининг ўзагини ташкил этади. Гренадага қилинган ҳамла, Афғонистон, Ангола, Никарагуа теварагидаги иғвогарона ҳаракатлар, Ливиянинг Триполи ва Бенғози шаҳарларига бомба ташлаш бунинг яққол далилидир.

Вашингтон сиёсатининг реакцион моҳияти ядро синовлари масаласида ҳам яққол намоён бўлди. Маълумки, Совет Иттифоқи Хиросима устида АҚШ атом бомбаси портлатилганлигининг 40 йиллиги муносабати билан 1985 йилнинг 6 августида бир томонлама тарзда барча ядро синовларини тўхтатди. АҚШ томони ҳам худди шундай қилишга даъват этилди. Аммо АҚШ маъмурияти ядро синовларини давом эттираверди. Совет Иттифоқи синовларни тўхтатиб туриш муддатини дастлаб уч ойга, сўнгра шу йилнинг 6 августигача узайтирди. АҚШ расмий доираларининг янада пухта ўйлаб олиши, ядро қуролини ер юзидан батамом йўқотишга қаратилган бу ташаббусга қўшилиши учун яна бир имконият яратилди.

Америкалик олим, Совет-Америка муносабатлари бўйича бир қатор китоблар муаллифи Артур Кокснинг фикрича, Оқ уйнинг

Халқаро мавзуларда

ядро синовларини таъқиқлашга қаршилик қилаётганлигига сабаб маъмуриятда ва унинг теварагида ўта ўнг, агрессив ва милитаристик элементларнинг фаоллиги кучайганлигидир. Бундай шахслар фикрича, АҚШ ўзининг бутун иқтисодий ва технологик ресурсларини сафарбар қилиб, катта маблағлар сарфлаб, дунёда ягона қудратли мамлакатга айланиб олгач, Совет Иттифоқига ва бутун дунёга ўз сўзини ўтказиши мумкин эмиш. Ҳаддан ташқари қудратли ядро қуроллари яратилган ҳозирги пайтда ҳарбий устунликка эришишга интилиш бемаънилиқдир. Маълумотларга кўра, инсоният тарихида рўй берган барча урушларда ишлатилган портловчи моддалар қудрати 10 мегатоннага тенг бўлса, бугунги кунда ер юзида жамланган қуроллар қуввати 50 минг мегатоннадан ортиқдир. АҚШ президентининг ўзи ҳам олий доирадаги Совет — Америка учрашувида агар ядро уруши рўй берса, унда ғолиблар бўлмайди, деб эътироф этишга мажбур бўлган эди.

АҚШ маъмуриятининг зўр бериб қуролланиш сиёсати ҳарбий монополиялар фаолияти билан ҳам узвий боғлиқ. Ҳозирги пайтда 20 минг йирик ва 150 минг ўрта ҳамда кичик фирмалар Пентагон буюртмаларини бажармоқда. Биргина «самовий урушлар» программаси, мутахассислар фикрича, 500 миллиард доллардан 1,5 триллион долларгача маблағ талаб этади. 1980 йилдан буён АҚШдаги йирик ҳарбий монополияларнинг кўраётган фойдаси ўрта ҳисобда уч баробар кўпайди. Ўз-ўзидан равшанки, қуролланиш пойгасининг авж олдирилиши бу монополиялар учун мўмай даромаднинг ортиши демакдир.

Америка маъмуриятининг милитаристик йўли жаҳондаги ўнлаб мамлакатларда, жумладан, АҚШнинг ўзида ҳам кескин қаршиликка дуч келмоқда. Оддий кишилар билан бир қаторда таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, конгресс аъзолари ҳам бу йўлнинг хатарли оқибатларини тобора равшанроқ ҳис этмоқдалар. Айниқса, АҚШнинг Ливия Жамоҳириясига ҳужуми бутун дунёда ўзига хос сиёсий зилзила қўзғади. Жуда кўплаб мамлакатларда оммавий намойишлар ўтказилди. Уларнинг қатнашчилари Ливияга қарши агрессия дарҳол тўхтатилишини талаб қилдилар.

АҚШнинг Ливияга қарши ҳаракатлари сабаби нимада? Маълумки, Ливияда монархия тузуми ағдариб ташлангач, бу ердан АҚШ ва Англиянинг ҳарбий базалари олиб чиқиб кетилди. Эндиликда Ливия ҳукумати қатъият билан антиимпериалистик йўл олиб бормоқда. Бу эса, табиийки, АҚШга маъқул келмаяпти. Шунинг учун ҳам 1981 йилдан буён Ливия теварагида тўхтовсиз иғвогарона ҳаракатлар қилинмоқда. Ливиянинг марказий шаҳарларига ва Ливия революциясининг раҳбари Муаммар Каддафи резиденциясига бомба ташланиши ана шу ҳаракатларнинг узвий давомидир. Аммо Вашингтоннинг бу ғайриинсоний қилмиши Ливия халқини ва барча араб мамлакатларини янада жипслаштирди. У бутун дунё кўзи ўнгида АҚШ империализмининг жинояткорона қиёфасини яққол намойиш этди. Айниқса Триполи ва Бенғози шаҳарларида йирик-йирик иморатларнинг вайрон этилиши, хоинона ҳужум оқибатида тинч аҳолидан анча-мунча одамнинг ҳалок бўлгани, ёш болаларнинг ўққа тутилиши бутун дунёдаги тинчлик истовчи яхши ниятли кишиларни ғазаблантирди. Совет кишилари жаҳондаги барча эрксевар кучлар қатори Ливия халқи билан бирдам эканликларини изҳор этдилар. Совет ҳукумати эса Ливия шаҳарларининг бомбардимон қилиниши муносабати билан билдирган Баёнотида АҚШ маъмуриятининг бу хатти-ҳаракатини кескин қоралади.

Маълумки, 1986 йил — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан Халқаро Тинчлик йили деб эълон қилинган. Бундан кўзда тутилган мақсад қуролланиш пойгасини жиловлаш, ядро ҳалокати хавфини бартараф этишдан иборат. Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати бу мақсадлар билан тўла ҳамоҳанг. Мамлакатимизнинг йил бошидан буён илгари сурган ва жаҳон афкор оммаси томонидан қизғин маъқулланган қатор тинчлик ташаббуслари фикримиз далилидир. Зотан, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида таъкидланганидек, «...ҳозирги дунё урушлар ва зўравонлик сиёсати учун жуда кичик ва мўрт бўлиб қолган. Асрлар давомида урушлар ва қуролли можаролар мақбуллигига, уларга йўл қўйиш мумкинлигига асосланиб келган фикр ва ҳаракат тарзидан қатъиян ва узилкесил воз кечилмас экан, дунёни омон сақлаб қолиб бўлмайди... Урушга қарши жангда албатта муваффақиятга эришиш керак. Бу муваффақият бутун инсониятнинг, Ер юзидаги ҳар бир кишининг тарихий ғалабаси бўлиб қолади».

Ҳа, миллионлаб тинчликсевар кишиларнинг фаол хатти-ҳаракати туфайли Ер юзи урушлардан холи бўлмоғи керак.

Насриддин МУҲАММАДИЕВ

ПАРТБИЛЕТ

Шаклсиз, аммо эзгу нарсалар кўп ҳаётда,
Масалан, гул атрини қандоқ тушунтирасан?
Е қандай қиёфа бор ўлмас «Муножот»да,
Еки эътиқодни сен қай чизикда кўрасан?
Билки, партбилет виждон, асл виждон нусхаси,
Қоғоз қоғозликдан чиқар шу ўринда аввало.
Унда муҳрлангандир ота Маркс нафаси,
Ильичнинг юрак зарби унда тирик, жобажо.
Партбилетдир виждоннинг асл, тўғри нусхаси,
Ҳақиқатнинг содда, гўзал, ўлмас шакли намоён.
Эрк учун бўлган жанглар, курашлар дағдағаси,
Ва шаҳидлар армони унинг мағзида пинҳон.
Партбилетдир виждоннинг асл, тўғри нусхаси.
Етмиш йиллик коммунист боболарнинг табаррук, —
Фидойи умри шунда, демак, гапнинг қисқаси,
Кўкрак ичра жон қадар тарих қадами тирик!
Партбилетдир виждоннинг асл, тўғри нусхаси,
Энди қаторга кирган энг ёш коммунист учун
Шу мандат келажакнинг синоқли бир қопқаси,
Юракка у эслатар оддий, юраклик бурчин!..
Партбилетдир виждоннинг асл, тўғри нусхаси,
Демак, унинг жонида бахт ҳам, дард ҳам жаҳоний.
Ҳар коммунист бағрини ўяр Чили ғуссаси,
Сафларни зичлаштирар Корваланнинг фиғони.
Партбилетдир виждоннинг асл, тўғри нусхаси,
Меҳнат, ижод, ҳалоллик енгиб борур тобора,
Партбилет — яхшиликнинг ўқ ўтмас бир сийнаси,
Ишонгум: ажалга ҳам коммунист топур чора!

БЕШ ЙИЛЛИКЛАР БАШОРАТИ

Съезддан — съездгача беш йиллик муддат,
Ҳар бир лаҳзасида шиддат
Ва шиддат!
Йигирманчи аср қудратининг
Ростгўй кўзгуси
Коммунистик беш йилликдир,
Беш йиллик,
Тинчлик омон турди — инсоният орзуси,
Завол кўргани йўқ,
Халқлараро бирлик, якдиллик,
Урал ишчисининг тафаккури, меҳнати
Шундоқ ҳаловатни сақлаб турган бир омил,
Боку нефтчисининг шод, сурурли заҳмати
Собит фаровонлик учун бир кафил.
Ўзбек пахтакорин
Нукралардан тиклаган тоғи
Садоқатнинг, фидоликнинг битта сабоғи,
Техниканинг
Ақл бовар қилмас журъати бугун...
Керак бўлса, бир зумдаёқ
Қилиб ташлар тоғларни кукун.
Аммо, чигитдан тоғ ўстирмоқ эса
(Пешона теридан тикламоқ хирмон!)
Бу энди айрича шарафли
Муқаддас нарса,
Мамлакатга шундоқ улуш қўша олган
Халқим беармон!
Съезддан — съездгача беш йиллик муддат,
Ҳар бир лаҳзасида шиддат
Ва шиддат!
Бешларнинг ҳикмати рамзий ва реал:
Беш панжа сеҳридан
Қўлдаги меҳнатга омухтадир бошдаги хаёл,
Беш панжа — беш қирра юлдуз каби маънолик,
Яъни,
Ҳар бир қиррасидан ҳаёт баракалик, зиёлик!
Беш йилликлар мамлакатнинг
Қудратли бир панжаси —
Келажакка узатилган олижаноб қўл,
Ильич қўли
Ва Ильичнинг режаси
Ҳар орзунинг рўёбига очиб берди йўл.
Беш панжада аён экан беш бармоқ,
Зеро, беш йилликнинг дарёсига
Неъмат қўшар тиним билмас беш ирмоқ,
Ҳар беш йилда
Ёшаргувчи, мангуликка ёш ирмоқ
Ва бешларнинг яна шундай хосияти:
Бузилгудай бўлса агар
Ер юзида бармоқ битта улуғ мушт тугар,
Токи такрор
Сақлаб қолингуси башарият ҳаёти!
Аслида-ку, беш йилликлар
Тотув меҳнатнинг
Панжасига панжа урар,
Яратар, қурар,
Қувар бахт ишқида вақтни, муҳлатни.
Янги беш йилликнинг бошида чамбар
Энг ками,
Аср иншооти саналмиш БАМлар!
Хулласки, бешларнинг яхлит якуни,
Яъни,
Жаҳоншумул мазмуни:
Инсон қўлидаги беш бармоқ қадар
Беш қитъа бирлашгай, токи
Туққан Сайёранинг хонумонида
Коммунистик беш йилликлар шунчалик боқий
Бир ҳаёт яратар
Янги аср арафаси — ғалаёнида!




Юсуф ШОМАНСУР

Юсуф Шомансур (1936—1978) туғилган кунга 50 йил тўлди. У кўпгина шеърлари, достонлари, таржималари билан китобхонларга таниш.

Генерал Собир Раҳимовга

Ўзбек генерали,
Юрт паҳлавони,
Қанийди қабрингдан кўтарсайдинг бош.
Кўрсатдинг
Оловдан холи дунёни,
Тошкент жамолига боқсайдинг ёввош.
Кайковус сувидан юзингни чайқаб,
Оҳиста ўтсайдинг Хадра томон.
Метро қурувчи дўстларни олқаб,
Елкасига қоқиб қўйсайдинг шодон.
Қанийди
Арслон одими билан
Ўтсанг,
Кўприкларнинг белини букиб.
Қутлардик
Ўзбекнинг таъзими билан
Пойингга жаҳоннинг гулини тўкиб.
Ўттиз йиллик...
Улуғ шодиёна чоғи
Эсламай бўлурми сени, генерал?
Бугуннинг
Кўкарган боғи,
Япроғи
Сенинг нафасингдан олган-ку амал.
Лоланинг қизилроқ очилишида
Ҳар томчи қонингдан ранг бор, генерал.
Ҳар нечук жумбоқнинг
Ечилишида
Сен билган муқаддас жанг бор, генерал.
Беш миллионлик
Пахта хирмони яққол
Кўргансан муз қотган окоп ичра ҳам.
Ун тўрт комиссарга
Қўйгансан ҳайкал,
Евни тириқтириб қадамба-қадам.
Сен бўлиб,
Сен каби ботирлар бўлиб
Наинки бир Тошкент,
Соғ қолди жаҳон.
Авлодлар ўтса-да авлод туғилиб,
Сен яшаб қоласан мангу навқирон,
Ахир қаримайди келажак деган,
Жаҳоний Ғалаба
Абадул абад.
Генерал
Ўттиз йил нашъаси билан
Ўттиз асрни кўзла саломат!



Киевда бадиий акробатика бўйича СССР кубоги учун ўтказилган мусобақада тошкентлик спорт мастерлари Г. Мирфайзиева билан И. Еқубова республикамиз шарафини ҳимоя қилдилар.

А. Рисқиев фотоси (ЎзТАГ)

ФАЖОЙИБОТ ҒАРОЙИБОТ

НАҲАНГЛАР

Тинч океаннинг Мексика қирғоқларидаги қисмида — Қуйи Калифорния районида ҳар йили октябрь-ноябрь ойларида сувда аллақандай жонланиш пайдо бўлади. Худди ўша пайтларда узунлиги 20 метргача ва оғирлиги 30 тоннагача бўлган улкан наҳанглар (китлар) карвони шу томонга сузиб кела бошлайди. Бунинг боиси насл орттиришдир. Улар қулай иқлимий шароитда болалайдилар. Энди туғилган кичик китчалар ота-оналарининг бағрида тез ўсишиб, мустақил яшаш учун тайёргарликдан ўтадилар.

Мана, китларнинг узоқ «меҳмонлик» муддати ҳам баҳор келиши билан тугади. Апрель ойининг илиқ шабадаси эсиши билан китлар яна карвон бўлиб, ўз «уйлари» бўлган шимолга ва шимоли-ғарбга суза бошладилар. Энди улкан китлар ҳамроҳлигида ватани Мексика бўлган митти китчалар ҳам қўшилишиб, ўша томонга ҳаракат қилмоқдалар.

Ғўза парвариши. Р. Ашуров фотоси



ШАХ МАТ

ТОЖ ДАЪВОГАРЛАРИ

Табиий, шахмат бўйича жаҳон чемпиони унвони энг иқтидорли шахматчигагина насиб этади. Бу фахрли унвонни эгаллаш учун аввало, мана мен деган спортчиларнинг «курагини» ерга текизиб, финал учрашувларда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиш лозим. Кейин эса, жаҳон чемпиони билан беллашиб, тож даъвогари деган номни амалда исбот этиши зарур. Бокулик ёш гроссмейстер Гарри Каспаров ана шундай моҳир шахматчи эканлигини шахмат тахтаси узра жангда кўрсатди.

У кўп йиллардан буён тенгқурларига сўз бермай келаётган Анатолий Карповдай моҳир шахматчини узоқ давом этган, оғир беллашувлардан кейин енгишга муяссар бўлди.

Аёллар ўртасида жаҳон чемпиони грузиялик Майя Чибурданидзе мана бир неча йилдирки, биринчиликни сақлаб келмоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, тож эгалари бепарво, қўл қовуштириб ўтирмайдилар, албатта. Чунки жанг майдонига янги-янги тож даъвогарлари бел боғлаб тушмоқдалар. Улар саралаш мусобақаларида ўз маҳоратларини ошириб шахмат тожи сари дадил қадам қўйишаяпти.

Биз бу ўринда халқаро гроссмейстерлар: Андрей Соколов билан Артур Юсуповларни кўзда тутаяпмиз. Даъвогарлар матчида қатнашиш ҳуқуқини олган бу гроссмейстерлар кучли рақибларга рўбарў бўлдилар. Андрей Соколов ереванлик Рафаэль Ваганян билан, Артур Юсупов голландиялик Ян Тимман билан куч синашди.

Биринчи партияда Тимман Юсуповни енгиб, ташаббусни ўз қўлига олди. Ўшанда кўпчилик: Юсупов матчни ютқазди, деган хулосага келиб қўйган эди. Бунинг хавфли томони шунда эдики, биринчи ютуқ, биринчи очко голландиялик гроссмейстерни қанотлантириб юбориши мумкин эди. Аммо Артур Юсупов ўзини йўқотиб қўймай, ҳақиқий спортчиларга хос бўлган фазилатни кўрсатди. Иккинчи партияни дуранг қилиб, учинчисида енгди. Ҳисобни тенглаштирди. Тўртинчисида эса, яна бир очкони қўлга киритиб, олдинга чиқиб олди. Умумий ҳисоб ҳам шу тариқа, совет гроссмейстери фойдасига ҳал бўлди.

Андрей Соколов билан Рафаэль Ваганян Минскда дона суришди. Биринчи учрашувда Ваганян оқ доналар билан ўйнади. Бу партия дуранг билан тугади. Бунда ҳар икки томон ҳам бирбирининг кучли ва заиф томонларини топишга уриниб кўришди. Шу сабабли ҳам иккинчи партия ғоят кескин ўтган бўлса, ажаб эмас. Бунда Ваганян французча ҳимояни қўллади. Чунки унинг рақиби ўйинни шоҳ олдидаги пиёдани илгари суриш билан бошлади. Ўйин олдинига одатдагидай давом этди. Лекин 5-юришда қоралар Са6га қайтиб, рақибини ўйлантириб қўйди. Чунки у негадир битта пиёдани ташлаб кетган эди. Оқлар бунда жуда кам ишлатиладиган жавоб топди. Шундан кейин Ваганян навбатдаги юриш учун роппа роса 25 минут вақт сарфлади. Бу эса қораларнинг аҳволи танглигидан дарак эди. Ажабланарлиси шундаки, оқлар 13 юриш учун 15 минут вақт сарфлаган бўлса, қоралар бир соату 6 минут вақт кетказди. Шахматда эса, ҳар бир дақиқа қадрли эканлиги маълум. 22-юришда Ваганян ўйинни соддалаштиришга интилиб, филларни алмаштиришга уринди. Аммо бунга Соколов кўнмади. Кўп ўтмай қора фил ўз пиёдаларининг қуршовига тушиб қолди ва ўйиндан чиқди. Натижада оқларнинг устунлиги яққол сезила бошлади. Қоралар энди дуранг учун курашишга киришди, Соколов руҳ воситасида қора шоҳ позициясини қаттиқ сиқувга олди, қоралар таслим бўлди.

Бу учрашув бошдан-охир Соколовнинг ташаббуси билан ўтди. У кейинги партияларни ҳам кўтаринки руҳда ўйнаб, матчда ғолиб чиқди.

Энди бу шахматчи билан яқиндан танишайлик. Андрей Соколов 1963 йилда туғилган. Москвалик. 1982 йили ўсмирларнинг Европа биринчилигида учинчи ўринни эгаллади. Шу йили Копенгагенда бўлиб ўтган ўсмирларнинг жаҳон чемпионатида ғалаба қозонди. Кейинги икки йил ичида у мамлакат чемпиони, гроссмейстер бўлди. Лондонда ўтказилган «Аср матчи»да жаҳоннинг энг кучли шахматчилари билан бўлган курашда ва Бутунжаҳон олимпиадасида ғолиб чиққан СССР терма командаси составида қатнашди.

1985 йили Бил шаҳрида ўтган зоналараро турнирда 3-ўринни ҳамда Монпельеда ўтган даъвогарлар турнирида 1-3-ўринларни бўлишиб (А. Юсупов ва Р. Ваганян билан бирга) олди.

Биринчи жаҳон чемпионатида ғолиб бўлган командининг составида у ҳам майдонга тушди.

Энди Андрей Соколов Артур Юсупов билан куч синашади.

Шоҳрух АКБАРОВ

ОЁҚЯЛАНГ ЮРИНГ


ВРАЧ МАСЛАҲАТИ

Друскининкай даволаш физкультураси ва амбулатория хизмати республика марказининг консультанти Гарис Канцларис билан бўлган суҳбатимиз оёқяланг юришнинг фойдаси ҳақида борди. У табиатан ривоятларни хуш кўрганиданми гап мазмунини ҳам нақл билан бошлади.

Қадимда қандайдир кимса оёғининг панжасини катта бир тошга уриб олади. Орадан бироз вақт ўтгач, у оёғидаги оғриқ билан бирга ўзига азоб бериб келаётган бош оғриғи ҳам қолганини сезиб ҳайратга тушади.Бош оғриғи яна қайталаганда, ўша мўъжизавий тошга оёқ кафтини зарб билан уриб, бош оғриғини қолдиради. Шундан сўнг у ўша «шифобахш» тошни юмалатиб уйига яқин жойга олиб келади. Шу-шу ўшанақа одамларда оёқ кафтининг олд қисмидаги маълум нуқталарни ясси тошга вақти-вақти билан босиб турса, давоси бўлади, деган фикр пайдо бўлади.

Эҳтимол, оёқ кафти терапияси, оёқ кафтининг биологик жиҳатдан нисбатан фаол бўлган нуқтасини бирор қаттиқ жисмга уриб чиниқтириш тажрибаси шундан бошлангандир.

— Мана, бунга яхшилаб эътибор беринг-а, — дея Гарис оёқ кафтининг биологик жиҳатдан фаол бўлган нуқталарининг схемасига кўргазма бармоқлари билан бирма-бир ишора қилди (схемага қаранг). — Оёқ тагининг кўпгина жойлари тана билан бевосита боғланган. Ўша жойларни босиш билан оғриқни қолдириш, муайян органларга шифобахш таъсир кўрсатиш аниқ. Лекин оёқ кафти машқини чапараста, тайёргарликсиз бошлаш бирданига кутилган натижани бермаслиги мумкин. Шунинг учун тегишли тайёргарлик кўриш, энг қулайи оёқяланг юриш фойдалидир. Уйда, очиқ ҳавода, сув ҳавзаларида чўмилганда оёқяланг юришнинг фойдасига не етсин. Бунда оёқ кафтингизнинг керакли нуқтаси ерга босилиб, муайян аъзонгиздаги оғриққа шифо бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.



Мана, кўраяпсизми биз эса мизда, ўша ерда даволанаётганларнинг баъзилари билан учрашиб, уларнинг ҳам фикрларини билдик.

Ленинградлик инженер Александра Степановна Андреева бу ерга даволаниш учун уч йилдан бери келаркан. Унга бўқоқ бези роса азоб берарди.

— Янги даволаш усули — оёқ кафти терапияси пайдо бўлганини эшитдим, — деди у. — Шу ҳақда врачнинг қизиқарли маърузасини тинглаганимдан сўнг, бир синаб кўрай, шояд менинг дардимга ҳам даво бўлса, деган умид учқунланди менда. Мана, оёқяланг юриш менга жуда ёқиб қолди. Ўзимда қандайдир бардамлик, кўтаринки руҳ сезаяпман. Уйга — Ленинградга қайтишим билан шиппагимни четга улоқтираман. Энди уйда, қолаверса, чорбоғимизда ҳам яланғоёқ юраман.

Биз Друскининкайда ким билан суҳбатлашган бўлсак, уларнинг ҳаммаси бу ерда яланғоёқ юришни ўрганганлигини бир оғиздан мамнуният билан тасдиқлашди.

Бу гап бир жиҳатдан анча эриш эшитилади кишига: яланғоёқ юришга ўргатиш керак эканми? Афтидан шундайга ўхшайди. Негаки, бизлар айниқса, шаҳарликлар аллақачонлар бундай юришни эсдан чиқарганмиз. Ҳа, яланғоёқ юролмаймиз, баъзан эса пойабзалсиз юришни истамаймиз ҳам. Унга шунчалик боғланиб қолганмизки, зарур бўлмаганда ҳам уни оёқдан ташлолмаймиз. Мана кўриб турибмизки, оёқяланг юриш организмни чиниқтиришнинг қулай усули бўлиб, бизни йил давомида қайта-қайта бўладиган тумовлашлардан муҳофаза қиларкан. Ҳозир эса шунчалик нозиклашиб кетганмизки, оёғимизга сал нам тегдими, акса уриб тумовлаб қоламиз.

Ким бўлса ҳам: «Нима учун юзимиз юқори ҳароратларга бардош бера олади? Нега энди қўлимиз қор юмалатиб ўйнасак ҳам кўкариб кетмайди?» деган саволларни ўзига ўзи бериб кўрдимикин?

Друскининкайдаги даволаш физкультурасининг врачлари бундай саволларни даволанувчиларнинг ўзларига бир неча марта ҳавола қилиб, ўзлари унга амалий жавоб бермоқдалар. Уларнинг ташаббуси билан курорт шаҳарда ноёб соғломлаштириш боғи ташкил этилган. Унда оёқ кафтини чиниқтириш бўйича туркумий машқ усулидан ташқари, ҳовузлар, даволаш ванналари, душлар ва спорт заллари, асабий-жисмоний машқ қилиш кабинетлари муҳайёдир.

— Биз оёқ кафтини чиниқтириш кишини барча дардлардан халос этади деб, тасдиқламоқчи эмасмиз, — деди даволаш марказининг бош врачи Пятрас Дагилис. — Бизнинг мақсадимиз врачлар ўртасида эмас (бу нарса уларга маълум), балки кенг омма ўртасида қадимги фойдали усул — яланғоёқ юришни қайта йўлга қўйишдир. Ҳар бир одам унинг оёқ кафти соғлиқ омилларидан бири эканлигини яхши англаб олиши ва яланғоёқ юриб, уни чиниқтириб бориши лозим. Биз врачларнинг: «Кўпроқ яланғоёқ юринг!» дейишимизнинг ҳам боиси шунда-да.



— Мана, уйимизга ҳам етиб келдик, энди жўжалар ҳақида ўйлаш керак. (ЎзТАГ фотоэтюди)

Н. ЛАШКЕВИЧ

Чақир-Чиқанак

ИЧАГИ БУРАЛДИ

Олим ҚЎЧҚОРБЕКОВ

ҲАЖВИЯ

Дам олиш куни Холмат Бўриевич ток сўриси тагидаги каравотда ёнбошлаб ётган эди, экспедитор Қўлдош илжайиб кириб келди.

— Ассалому алайкум, хўжайин, қалай, дам олишлар яхши ўтаяптими?

— Ҳа энди, кўп қатори уйда дам олаяпмиз-да.

Қўлдош каравот четига омонатгина ўтириб, мақсадга ўтди:

— Энди, хўжайин, ўзингиздан қоладиган гап йўқ, эртага келадиган гулли духобадан беш юз метри бизники, Исматнинг магазинига ўтказиб оламан, у билан келишиб қўйдим. Манави антиқа сигарета қутисини сизга совға қиламан, нархи ҳам бешта ўнталик.

Холмат Бўриевич экспедиторнинг сирли гапига тушунди. Демак, у духоба учун беш юз сўм олиб келган.

Экспедитор ўрнидан турди. Холмат Бўриевич Қўлдошни кўча эшиккача кузатиб қўйди, кейин қайтиб келаётганида бир нарсага қоқилиб, боши айланди-да, аранг юриб келиб ўзини каравотга ташлади. Унг биқинида қаттиқ оғриқ бошланди.

— Ҳой, Холниса, қаёқдасан? Хотини уй ичидан ҳовликиб чиқиб, эрининг ёнига келди:

— Ҳой, дадаси, нима бўлди, қаерингиз оғрияпти?

— Экспедиторни кузатиб келаётиб, қоқилиб тушдим, ўнг биқиним!

— Қаёқданам келди ўша касофат!

— Тез дохтир чақир, аҳволим оғир.

— Вой ўлмасам, ҳой Бахтиёр, бу ёққа қара!

Ўғли югуриб келди:

— Нима қилай, ойи!

— Дохтирни айтиб кел, чоп!

Холниса эрининг ўнг биқинига грелка қўйган эди, оғриқ сал қолгандек бўлди. Холмат Бўриевич бироз ором олиб, хаёл дарёсига шўнғиди. Гўё у оламдан ўтган эмиш. У билан видолашиш учун қишлоқ матлубот жамиятидан бир гуруҳ ходимлар келишган эмиш. Ҳамма тарқалгач, бош бухгалтер Тоштемир билан кассир Болтабой қолган эмиш.

— Энди, Тоштемир ака, ўзингиз раис бўлсангиз, мени экспедитор қилиб тайинлайсиз, — дермиш кассир бухгалтерга. Шу пайт Холмат Бўриевич «Раисликни олиб бўпсан!» демоқчи бўлди-ю, ўлгани эсига тушиб индамади. Улар чиқиб кетиши билан экспедитор қайтиб келиб, Холмат Бўриевичнинг хотинига деди:

— Янга, боя келганимда антиқа сигарета қутим каравотда қолиб кетибди, ўшани олиб берсангиз!

Холниса ичкаридан сигарета қутисини олиб чиқиб берди. Экспедитор қутини очиб кўриб: «Ичидаги пул қани?» — деб сўради.

— Ичида пул кўрмадим, — деди Холмат Бўриевичнинг хотини.

— Ичида беш юз сўм бор эди, — деди экспедитор йиғлагудек бўлиб.

— Пул тугул сигарет ҳам кўрмадим, қўйинг, бундай гапларни, — деди Холниса.

Доктор етиб келганда, Холмат Бўриевич қимир этмай ётарди. У беморнинг юрак уришини тинглаётганида, Холмат Бўриевич бир зум нафас олмай турди. Доктор ҳовлиққанча: «Кўзгу келтиринглар!» деб юборди. Доктор беморнинг бурнига бирпас кўзгу тутиб турди-да, унинг хиралашганини кўриб: «Хайрият, тирик экан», дея пешона терларини артди. Холмат Бўриевич ўзига келгандек бўлди. У зўр-базўр кўзларини очди. Докторга калла қимирлатиб, саломлашган бўлди. Доктор беморнинг қаери оғриётганини сўраган эди, Холниса кўз ёшларини артиб, гапира кетди:

— Анави касофат экспедитор келганди, ўшани кузатиб чиқиб, қайтаётганларида қоқилиб, йиқилдилар. Ўша-ўша ўнг томонлари оғрийди.

— Тушунарли, — деди доктор, — бу кишининг ичаклари буралиб кетган. Буни мен даволай олмайман, касалхонага олиб бориш керак.

Доктор касалхонага йўлланма ёзатуриб ўзига ўзи дер эди: «Порахўрлик қилавериб ичаги буралган бунинг, аслида уни прокурор даволаши керак эди...»

ИКИР-ФИКРЛАР

«Эрка тойлоғим дискотекага қатнагандан бери ғалати одат чиқарди: қароқчиларга ўхшаб, бўғиқ овозда ашула айтади, чет эл пластинкасини қўйиб, телбаларча ўйин тушади. Отасини: «Экспедитор!» деб, мени: «Официантка!» деб чақиради».

(Ўғлини эрка ўстирган онанинг афсуси)

* * *

«Музқаймоқ сотадиган қиз харидорларга совуқ муомала қилаяпти. Музқаймоқнинг совуқлиги одамнинг табиатига таъсир қилар экан-да!»

(Кўнгли ранжиган харидорнинг гапи)

* * *

«Автобазамиз бошлиғи енгил машинада юраверіб семириб кетган эди, врачга учраган экан: «Ориқлайман десангиз, автобусда юринг», деб маслаҳат берибди. Мен ҳам шу гапга амал қилмоқчиман».

(Автобаза инженерининг гапи)

* * *

«Халқимизнинг шеърга бўлган ташналигини қисман бўлса-да қондириш мақсадида ижодим булоғидан қайнаб чиққан тўртта ғазал юбордим».

(Еш қаламкашнинг редакцияга юборган хатидан)

* * *

«Автобус ҳайдовчисидан: «Йигит, нега пул олиб, билет бермайсиз?» десам, «Билетни холамга кўрсатасизми!» деб қўполлик қилди».

(Йўловчининг шикояти)

* * *

«Бўрини оёғи боқади, мени эса машинамнинг ғилдираги боқади».

(Бирор ерда ишламай шахсий машинасида киракашлик қиладиган кишининг эътирофи)



— Қайтими керак эмас, мороженое олиб ея қолинг.

— Садақага зор эмасман, унга ўзингиз носвой олиб чека қолинг.

ЛАТИФАЛАР

Афанди тиш доктори эди. Бир куни кабинетига лунжини ушлаган киши кириб келди. Афанди бундай караса, тиши оғриган бемор хонадонларга телефон ўрнатадиган идорада ишлар экан.

— Эртага келинг! — деб қўл силтади Афанди.

— Нега бюрократлик қиласиз, устингиздан ара қиламан! — деб дўқ урди бемор.

— Уйимга телефон ўрнатиш масласида идорангизга тўрт йил қатнаганман, сиз икки марта келсангиз нима бўпти? — деб жавоб берди Афанди.

* * *

Автобусда соқол-мўйлов қўйган олифта йигит Афандига сурбетлик билан деди:

— Бобой, тун бўйи танца тушган эдим, оёғим оғрияпти, жойингизни менга бермайсизми?


— Тун бўйи ўйин тушган бўлсангиз, кун бўйи ашула айтинг, йигитча, — деб жавоб берди Афанди.

А. ИСОМИДДИНОВ



— Бу костюмни магазиндан олган эдим, ташлаб юборишга кўзим қиймади...

Расмларни
Х. Лутфуллаев чизган



ЖАЙРОН: — Халтурачи фотографлар кўпайиб кетди, қани, ўзимни бир синаб кўрай.

Р. Шагаев фотоси (ЎзТАГ)

МУҚОВАДА

Биринчи бет: Республикамизда ҳаваскорлик бирлашмалари ва шинавандалар клублари меҳнаткашларнинг рангбаранг интилишларини ўзида жамлаган ҳолда ривожланмоқда. Улардан бири — Ўзбекистон ССР халқ артисти Раҳима Мазоҳидова раҳбарлигидаги «Омонёр» ансамбли ўз концертлари билан томошабинларни хушнуд этмоқда.

А. Жумаев фотоси

Иккинчи бет: Ишдан сўнг.

Т. Горяева фотоси

Сувчи.

М. Пенсон фотоси

Тўртинчи бет: Тўпаланг сув омбори қурилишида.

А. Жданов фотолари

Редакцияга келган бир босма тобоққача материаллар авторларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Журналнинг бу сонидаги айрим материалларни тайёрлашда «Правда», «Комсомольская правда» газеталаридан фойдаланилди.

ЦИКЛОКРОССВОРД

1. Тошкентдаги санаторий. 2. Езги оромгоҳ бино. 3. Фарғона водийсидаги машҳур минерал сувли санаторий. 4. Ўрта Осиёдаги тизма тоғ. 5. Кўркам гуллардан бири. 6. Тожикистондаги санаторий. 7. Хушбўй манзарали ўсимлик. 8. Бўстонлиқ районининг Угом дарёси бўйидаги оромгоҳ маскан. 9. Дарахт ва гуллар билан кўкаламзорлаштирилган йўл. 10. Сайроқи қуш. 11. Қозоғистон шарқидаги кўл. 12. Эртапишар қовун нави. 13. Минерал сувлардан бири. 14. Ўзбекистондаги тарихий обидаларга бой шаҳарлардан бири. 15. Полиз экини. 16. Бутун борлиқ, мавжудот. 17. Ҳордиқ чиқариш мақсадидаги сафар. 18. Езнинг энг иссиқ пайти. 19. Дунёдаги энг катта кўл. 20. Ездан дарак берувчи қуш. 21. Ватанимиз шарқидаги юзлаб дарёлар қуйилувчи манзарали кўл. 22. Мевазор ва гулзор бунёдкори.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ



5-СОНДА БОСИЛГАН ЧАЙНКРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

1. Москва. 2. Азов. 3. Воҳа. 4. Алдан. 5. Нурота. 6. Адигея. 7. Якутск. 8. Кобул. 9. Луцк. 10. Киев. 11. Висла. 12. Артек. 13. Китоб. 14. Бекобод. 15. Денов. 16. Волга. 17. Абхазия. 18. Ялта. 19. Абакан. 20. Норин. 21. Ненец. 22. Целиноград. 23. Донецк. 24. Кисловодск. 25. Кама. 26. Арарат. 27. Тайга. 28. Ангара. 29. Ангрен. 30. Нахичеван. 31. Норак. 32. Кутаиси. 33. Иссиққўл. 34. Латвия. 35. Янгиариқ. 36. Қорадарё. 37. Езёвон. 38. Нальчик. 39. Конибодом.

Шакл атрофида: Тошкент.

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: С. АЗИМОВ, Б. АМИНОВ, Н. ИБРОҲИМОВ, М. МЎЙДИНОВ, А. САИДУМАРОВ, С. ШЕРМУҲАМЕДОВ, А. ҚАЮМОВ, М. ҚЎШМОҚОВ (масъул секретарь), О. ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳ. ҲУСНИДДИН-ХЎЖАЕВ, К. ЯШИН.

«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).
Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат, маданият бўлимлари — 33-36-59; рассомлар бўлими — 32-58-32.

Босмахонага туширилди 21.04.1986 й. Босишга рухсат этилди 21.05.1986 й. Р — 10767. Қоғоз 70×108⅛. Офсет усулида босилди. Фотонабор. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 203109. Буюртма 3628. Нашр А-114.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.



САНГЛИК ҚИЗ.



ГУЛЖАМОЛ.

ЕШ РАССОМ ОРТИҚАЛИ ҚОЗОҚОВ АСАРЛАРИДАН



МАНЗАРА.

Баҳоси 35 тийин
Индекс 75233



